

Сайфулло Турсунов

Баҳром Жўраев

МАҲАЛЛА–МУСТАҚИЛ ЮРТ

Т а я н ч и

УДК:323

ББК 66.79 (5Ў)

Ж:96

Сайфулла Турсунов

**Маҳалла-мустақил юрт таянчи\С.Турсунов,Б.Жўраев –Тошкент:
“Muharrur” нашриёти,2012.252 б.**

Турсунов Сайфулло

ББК 66.79 (5Ў)

Ушбу монографияда маҳалланинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва маданий таррақиётидаги ўрни, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакиллантиришдаги аҳамияти, шунингдек асрлар давомида аجدодлармиз томонидан яратилган урф- одат ҳамда анъаналарни ёш авлод онгига сингдирувчи муҳим бўғин эканлигига эътибор қаратилган. Ушбу монография Ўзбекистонда маҳалланинг ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий соҳалардаги ўрнини ўрганувчи тадқиқотчилар, мутахассислар, ўқув муассасалари ва кенг омма учун фойдали манба бўлиши мумкин.

Маъсул муҳаррир: К.Норматов, т.ф.д.профессор

Тақризчилар:

Р.Рўзиев,ю.ф.д.профессор

Ў.Хусанов, ю.ф.д.профессор

ISBN 998-9943-25-045-1 “Muharrur” нашриёти, 2012 йил.

К и р и ш

Мустақилик мамлакатимиздаги халқларнинг орзу- умидларининг амалий натижаси бўлиб, миллатлар ўртасида ўзаро дўстликни янада жипислашишига, ўзаро манфатларни инсонпарварлик тамойиллари асосида тоқаммалашувига имконият яратди. Мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотларни самараси натижасида фуқоралик жамаияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш мақсадида “Маҳалла” жамғармасини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек;”Фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш институти- маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллантириш , унинг вазифалари кўламини кенгайтириш , давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда”.¹

Мамлакатимиз халқлари қадимдан мустаҳкам дўстона алоқалар асосида яшаб, бир- бирлари билан яқин қўшни, куда- анда, дўст-қариндош бўлиб яшаб келганлар. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли моддий – маънавий маданиятда , урф- одатларда ҳамиша умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор берганлар. Ватан озодлиги-юрт тинчлиги, мустақиллиги йўлида ҳамжиҳат бўлиб , меҳр муҳаббат тўйғуларига таяниб , чет эл босқинчиларга аёвсиз кураш олиб бориб, дўстона муносабатда бўлганларга бағрикенглик фидойиликни афзал кўрганлар. Халқлармиз босиб ўтган тарихий жараёнлар оила,қўни қўшни, жамоа, маҳалла босқичларида янада янги натижаларга эришилган маданиятни шакилланишга асос солиб , асрлар давомида анъаналар . удумлар авлодлардан- авлодларга ўтиб, маҳалла тушунчасини пайдо бўлишга олиб келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан маҳаллани қайта ташкил этиш, маҳалла аҳолисини ижтимоий –иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳамда анъаналарни тиклаш мақсадида маҳалла фаолиятига янгича

¹ Халқ сўзи .2010 йил.13 ноябр.

ёндошилди . Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги №- 480 –сонли “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилди. 1993 йил 2 сентябрда Олий Мажлиснинг қабул қилган қонунида ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонун асосида маҳалланинг мақоми мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. “Маҳалла” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 29 октябрда 44- п- сон билан қайта рўйхатга олинган Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси Низоми асосида фаолият юритиб келмоқда. Маҳалла аҳолини кенг қатламини Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш , миллий урф- одатлар, анъана ҳамда миллий оилавий бошқарувни давлат бошқарув даражасига кўтарилишга олиб келди. Маҳалла инсон омилига хос одоб, бурч, ижодкорлик, истеъдод, қобилият, маъсулият, илмий, эстетик ижодий тўйғуларни мардлик , жасурлик, адолат, вафодорлик, меҳр - муруват тўйғулари билан ифодалади. Маҳалла кишиларнинг узок ҳаёт тажрибасининг махсули бўлиб, кишиларнинг ана шу ҳаёт синовларини сабир бардош билан енгиб ўтиш жараёндаги умуминсоний бирлиги ва жипислигини рамзидир. Инсонга хос ақл- тафаккур туфайли оила ва маҳалла умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этиб, ахлоқий- қадриятлар, диний- руҳий тўйғулар асосида ор- номус, виждон, лафз, ҳалоллик, аждодлар руҳига таяниш уларнинг, меросига муносиб бўлиш каби қадриятларни келажак авлодга муносиб тарбия мактаби қилиб давом эттиради. Ана шу тўйғу ифтихор асосида маҳаллалар ўзининг ҳудуди учун курашиб, ўзларнинг одоб ахлоқларига эга бўлдилар ҳамда касб –меҳнат билан ўз маҳаллаларни номлади ва авлодларга муносиб ном қолдирдилар. Маҳаллалар ўзларнинг маърифати, маънавияти, зиёлиси- яъни муаллими, донишманди, саркардаси, шоири, бахшиси, саънаткори, шифокори, муҳандиси, деҳқони, чорвадори, меъмори, ҳунарманди, имоми, боғбони, муроби , сартороши , фарроши кабилари билан шуҳрат топганлар. Гўзал кўчалар, гузарлар, ариқлар,

ҳовузлар, боғлар, бозорлар, масжидлар, мадрасалар, ھаммомлар билан дунёга танилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллалар қайта тикланди миллий ғурур, ор- номус, урф- одатларни , анъана ва қадриятлар ўз миллий шакл тамойиларни уйғинлаштириб янада бойиди. Ўзбекистонда маҳалла миллий турмуш- тариздаги саховат, тежамкорлик тамойилари асосида исрофгарчиликни олдини олиш , тўй- ھашамларни миллий менталитетга асослаб, ғараз ниятлардан холос бўлиш, ота- она, ака- ука, опа- сингил, қариндошлар ўртасида умуминсоний қадриятларни янда жипислашувига имконият яратди. Ушбу монография мустақиллик туфайли Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг самарасини “Маҳалла” жамғармаси мисолида таҳлил қилиб , маҳалланинг шаклланиш жараёнидаги тарихий ҳолат, манбалар, маҳалладаги урф- одатлар, қадриятлар, анъаналар , маҳаллани асосини ташкил этувчи оила, унинг жамиятдаги ўрни, маънавий миллий удумларимизга таъсири алоҳида ўрганилди. Шунингдек, маҳалла билан бевосита боғлиқ маросимлар, яъни байрамлар, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликка оид анъаналар, Шарқона бозор муносабатлари, меҳр- муруватга таллуқли халқимизни ҳаёт тажрибаси ҳақида фикрлар баён этилди . Ўзбек халқининг буюк тафаккур маданиятига эга эканлиги унинг бетакрор донолар бисотида, ақл билан чархланган ҳаёт тажрибаси, авлодларга муносиб тақдим этилган муолҳазалари монографияда ўз аксини топган. Ушбу монография ҳақидаги фикр мулоҳазаларни китобхонлардан муаллифлар чин қўнгилдан самимий кутиб қоладилар.

МАҲАЛЛАЛАР ҲАҚИДА ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Маҳалла инсон ақл заковатининг маҳсули бўлиб, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларни кузатиш асосида одамларни бир-бирига бўлган ишончи ҳамда муносабатлари маданий таррақиётни ривожланишга имконият яратиб, ақл ва идрок билан иш юритишга бошқарган. Маҳаллалар кишиларни уюшиб яшашга, меҳнат қилишга, ҳайвонларни овлашга, ташқи кучларга қарши ҳамкорликда курашга, шу йўл билан насл-насабни сақлаб қолишга ўргатган. Маҳалла оила таълим- тарбиясини пайдо бўлишга, ақл-идрок ва ор- номусни ҳимоя қилишга имконият яратиб илк синфий муносабатларни вужудга келишга олиб келган. Дастлабки маҳаллалар Бактрия ҳудудида шакилланиб ,Сополлитепа ва Жарқўтонда илк жамоа уюшмалари пайдо бўлган Ушбу жамоалар хўжалик бошқарувига асосланиб ўзларни бошқарув тизимини яратганлар ҳамда жамоага бирлашиб, ўз оқсоқоларига бўйсуниб оила ва жамоа ишларни бажарганлар. Жамоаларни дастлаб бирлаштиришга ташқи муҳит табиатда юз берган турли хил ҳодисалар, зилзилалар, вулқонлар, сув тошқинлари, селлар, кучли довуллар, қурғоқчилик, ҳосилдорликни пасайб кетиши сабаб бўлган. Жарқўтонда марказлашган диннинг шаклланиши билан бирга, жамоаларда зоолатирик ва аждодлар руҳига ибодат каби диний қарашлар сақланиб қолганлиги исботлаб берилди. Жамоаларни ўз ҳудудулари Бактрияда оромий ёзувига қадар пиктографик белги ва пиктографик ёзув турлари мавжуд бўлганлиги Жарқўтон ёдгорликлари мисолида ёритилди. Илк темир даврида Бактрия ҳудудидаги маҳаллалар уюшмаси асосида илк ҳудудий давлатлар шаклланиб қабила оқсоқоллари ҳарбий демократия бошқаруви билан мавжуд жамоаларни бирлаштириб шаҳар ва қишлоқларни вужудга келишига имконият яратди.Маҳаллалар ҳаётини аск этирувчи моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларидаги ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган.Кучманчи халқлар ҳисобланган Сак ва Массaget халқлари илк темир даврида ривожланган меъморчилик иншоотларининг пайдо бўлишида жамоа уюшмалари ҳал қилувчи восита бўлиб

хизмат қилган, жумладан таниқли тарихшунос олим Т.Шириновнинг Жарқўтонда, Р.Х. Сулаймановнинг Ерқурғон, М.Х. Исомиддиновнинг Афросиёб, Кўктепа каби ёдгорликларда олиб борган тадқиқотлари Суғднинг Бақтрия билан яқиндан маданий алоқада бўлганлигини, Бақтриянинг маданий таъсирида доирасида ривожланганлигини жамоаларга хос манбалар тасдиқлайди..

Ўрта Осиё ҳудудларида ташкил этилган энг қадимги маҳаллалар тўғрисидаги маълумотлар ёзма ҳолатда "Авесто"да ва халқ оғзаки ижоди намуналари асосида ёзилган Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари орқали бизгача етиб келган. Маҳаллаларни ташкил топиши диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, айниқса зардуштийликнинг тарқалиши муносабати билан, мурданинг ўргатилган ит, кузғунларга едирилиши, этдан тозаланган одам суякларни остодонларга солиб кўмиш анъанасининг ёйилиши натижасида Қадимги Бақтрия аҳолиси тарихи антропологик жиҳатдан ўрганилди.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида бронза даврига оид деҳқончилик маданиятларини ўрганилган таниқли археолог олимлар А.Асқаров ва Т.Шириновлар Сополли ва Қадимги Бақтрия маданиятига оид халқлари тил жиҳатидан бир-бирини тушунишган, шу тил асосида Қадимги Бақтрия тили вужудга келган, бу тил маҳаллий халқларни умумҳудудий жойлашувига ҳамда маҳалла бўлиб маълум ҳудудларни эгалаб ўз манфатларини ҳимоя қилишга имконият яратди деб илмий асослаб берди.. Археолог Т.Ширинов томонидан Жарқўтондан топилган маҳаллий эркак кишининг ҳайкали асосида Бақтриянинг бронза даври аҳолисининг ташқи тузилиши европоид ирқига оид бўлиб, қирра бурун, соч - соқоллари қора кишилар бўлган. Маҳаллаларда ёзув ва тил воситасидаги жумлалар сақланиб қолиб, узоқ вақт давомида тарихий жараёнларда маҳаллий тилдаги сўзлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маҳаллий сўзлардан энг қадимги уй тўрларидан бири, ярим ертула шаклдаги “капа” сўзи бугунги кунгача етиб келган. “Девор” сўзи қадимги эрон тилидаги “дувара”, яъни сарой сўзидан олинган. Бу тушунчалар Ўзбек халқи этногенезида қадимги халқлар ва тиллар синтези жараёнининг мавжудлигидан далолат беради.

Бақтрия топонимиясида эроний тилларга мансуб сўз ва қўшимчалардан юзага келган номлар миқдори кўпчиликти ташкил этади. Жумладан Сурхоб (Сурхон), Шўроб, Панжоб, Вандоб сингари гидронимлар жой номларига айланган ва "об" лексимали топонимлар сирасига киради. Энг қадимги халқлар ва тиллардан бири яғнобдир. Бақтрия ҳудудида қадимги яғноб ва сўғд тиллари асосида ясалган жой номлари ҳам учрайди. Шундай жой номларидан бири Мангузар топоними бўлиб, “ман”, “майн” лексемаси ва “гузар” сўғд тилида қишлоқ, овул, дарё кечуви яқинида жойлашган манзилни англатган. Мангузар қишлоғи Амударё бўйида жойлашганлиги сабаб шундай аталган. "Ман" лексемаси асосида ясалган яна бир топонимик ном Хушман бўлиб, “хишт”, “ғишт” ғиштли уй, хумдонли қишлоқ, ғишт тайёрлайдиган қишлоқ маъноларини билдиради. Қадимги ёзма манбаларда Бақтрия тарихий географиясида, яъни тарихий топонимикасида юнонча сўзлар учрайди. Қорасув ёнидаги Шўроб қишлоғидан бир неча километр жануби- ғарбда, Амударё ёқасида дарё кечувини назорат қиладиган қалъа шаклланган. Бу қалъа ҳозирда Шўртепа номи билан аталади. Шўртепа инқирозга юз тутгандан сўнг, мил.ав. IV асрда унинг ёнида янги шаҳар бунёд этилади. Бу шаҳар харобаси ҳозирги кунда Кампиртепа номи билан машҳур. Антик давр тарихчилари тилга олган "Пандахейон" шаҳрини Э.В. Ртвеладзе Кампиртепа ўрнида жойлашган деб фикр билдиради. В.В. Бартольднинг фикрича “Пандахейон” – “Пандони” –“Пардагви” юнонча сўз бўлиб, “меҳмонхона” деган маънони англатган. XV аср географлари ва тарихчилари, жумладан Хафизии Абрунинг география асарида "Бурдоғуй" шаклида, XVII асрга оид Маҳмуд Вали асарларида баён этилган. Ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб халқлар жуда кенг тарқалган бўлиб, инсониятнинг жуда катта қисми шу тил оиласини ташкил этган. Жумладан, Уланбулоқсой ва Шеробод деҳқончилик ўлкалари Паретакани мамлакатини ташкил этиб унинг пойтахти Шерободдаги Жондавлаттепа ёдгорлиги, Бандихон, Миршоди, Сангардак деҳқончилик ўлкалари Бубакена мамлакатини, Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқим деҳқончилик ўлкалари эса Габаза мамлакатини ташкил этган. Ушбу мамлакатлар аҳолиси йирик шаҳарлар ва қишлоқларда истиқомат қилиб,

шаҳарлар ҳамда қишлоқлар маҳаллаларга бўлиниб, ҳар бир маҳалла ўз касб-хунарига қараб ижтимоий- иқтисодий ҳаётда ўз ҳиссаларни қўшиб борганлар. Маҳаллалар жамоани бошқариб экин экиш, деҳқончилик ва чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб жамоани турли туман хавф –хатарлардан сақлаган. Маҳаллалар бошқарув ва молия ишларини янги поғонага кутарган, бутун ҳудудини оила жамоаларига бўлиб бошқариш усулини жорий этди. Маҳалла ҳудудлари оила гуруҳлари яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилиб, ерлар маҳаллий жамоа бошлиқлари томонидан бошқарилган. Маҳалла бошлиқлари ва ундаги ҳарбий бошлиқлар ҳудуд учун жавобгар ҳисобланган. Тарихшунос археолок олим Т.Шириновнинг таъкидлашича давлатни шаклланишида маҳалла ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилганлигини таҳлил қилиб, маҳалла бошқарув тизимига ўз муносабатларини билдириб, маҳалла Ўрта Осиёда пайдо бўлган бошқарув усули бўлиб, деярли бир ярим минг йил давомида қўлланиб келган деган фикрни билдирган. Қадимги маҳаллалар аҳолиси тарихини антропологик жиҳатдан ўрганиш натижасида Сополли маданияти аҳолисининг авлодлари энг қадимги жамоаларни ташкил этиб, Сурхон воҳасида дастлабки маҳаллалар айнан шу ҳудудда пайдо бўлган. Шунингдек дасатлабки тил гуруҳларини туркий лаҳжаларни пайдо бўлишга имконият яратган. Ҳинд-европа тиллари оиласининг шаклланишида Бақтриялик маҳаллаларнинг ҳиссаси катта, санскрит, лотин, славян тилларида учрайдиган сўзларни “Авесто” терминлари билан таққослаш натижасида айтиш мумкинки, Бақтрия ва унга туташ ҳудудлар Ҳинд-европа тилларининг шаклланишида асосий учоқ вазифасини бажарган. Тарихий топонимика нуқтаи-назаридан хулоса қиладиган бўлсак, Бақтрияда ҳинд-европа, хиндарий, эроний каби кўплаб тилларга оид атамалар учрайди. Бу Бақтриянинг жойлашган географик ўрни ва қадимги цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва ўзаро алоқаларида маданий кўприк вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

Қадимги Бақтрияда маҳалла оқсоқоли мансаб наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтишини Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб қўйилган .М.М. Дьяконовнинг “Авесто”да ифодаланган воқеликлар асосида Авеста даври

моддий маданияти ҳақидаги фикри ҳам диққатга молик. Унинг ёзишича, “Авесто маҳалла жамоасининг моддий маданияти ибтидоий формада бўлган, бу жамоа ҳали шаҳар ҳаётини ва умуман шаҳарларни билмайди. Меҳнат тақсимоти, яъни деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам йук, ҳаттоки, бу маҳалла жамоа темирдан меҳнат қуроллари ясашни ҳам билмаган”, деган фикрга келган.

“Авесто” маҳалла жамоасининг деҳқон ва чорвадор аҳолиси темирни билганлиги ва ундан ҳунармандчиликда кенг фойдаланганлиги хусусида, “Авесто”да махсус ҳунарманд, кулол, тукувчи каби сўзларни англатган каналлар қазилганлиги тўғрисида маълумотларни топишган. “Авесто” даври маҳалла аҳолисининг ижтимоий гуруҳларга ажралганлиги ёки маҳалла жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (*vīra*, *vaesa*) ҳақида маълумотлар борлиги аниқланган. Аслзода (*azata*, *asna*), ҳарбий (*ravaestar*), ҳукмдор (*sastar*, *satar*) каби аҳолининг ижтимоий қатламларга ажратилган. “Авесто” даври жамоасининг ижтимоий таркибини: оила (*nmana*) —> уруғ, уруғ жамоаси (*vis*) —> қишлоқ жамоаси (*zantu*) -» вилоят, мамлакат (*dahyu*), кўпроқ оила бошлиғи (*nmanopati*), уруғ оқсоқоли, яъни бошлиғи (*vispati*), жамоа бошлиғи (*zantupati*), вилоят, мамлакат ҳукмдори (*dainhupati*) каби ижтимоий тушунчалар ҳам аниқланган.

“Авесто” даври жамоаси уч қисмдан – “ратайштар”, “атриван” ва “вастрьофшуйант”дан иборатлиги аниқланган. И.Н. Пьянковнинг илмий хулосасида, “ратайштар” археологик жиҳатдан платформалар устига қурилган аркларда (Кучуктепа, Тиллатепа, Яздепа), “атриван” арклар атрофида қад кўтарган қалъасифат кўрғонларда (Бандихон), учинчи қатлам “вастрьофшуйант” эса арксиз қишлоқларда яшаган аҳолига менгзалган (Қизилча ёдгорликлари мажмуаси). Арклар атрофида қарам аҳоли, арксиз қишлоқларда эса озод деҳқонлар истиқомат қилган.. А.А. Аскаров Сополлитепа маҳалла аҳолисини, Т.Ш. Ширинов Жарқўтон илк темир даври маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркибини “Авесто” жамоаси билан таққослашган. Таниқли археологик олим аҳолининг антогонистик синфларга ажралганлигини билдирувчи археологик белги, бу аркларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё

маҳалла аҳолисининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан кўпроқ шуғулланиб каналлар қазишганлиги Бандихон канали мисолида Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган.. Каналлар қазиш, буғдой ундириш зардуштийликда яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган курул аслаҳалар “Авесто” маҳалла жамоасини тўрт асосий қисмга бўлади. Уй, оила жамоаси—“нмана”, “дмана”, уруғ жамоаси — “вис”, қабила —“занту”, қабилалар иттифоқи —“дахию” деб аталишини кўрсатиб берган ва оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун “пати” сўзи ишлатилганлигини—“нманопати”, “виспати”, “дахиюпати”. “Дахию” тушунчаси “вилоят” маъносини ҳам англатган. Маҳалла оқсоқоллар кенгаши —“варзанопати”, “ханжамана”, халқ йиғилиши (мажлиси)—“въяха” деб аталган деган хулосага келган. Маҳаллаларни шаклланишда ҳал қилувчи омил ҳисобланган оила ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд бўлиб, оилани келиб чиқиши қадимги ёзма манбаларда куйидагича изоҳланган. “Авесто”да оила “нмана”, оила бошлиғи “нманапати” деб аталиб, лекин бу оддий оила ҳозирги оилалардан тубдан фарқ қилиб, ота-она ва болалар бирга яшайдиган замонавий оилани тушунмаслик керак. Агар шундай бўлганда оилани оталар бошқарган деган маълумот бўлар эди. Нмана деганда бирга ҳаёт кечирадиган, бир қозондан овқат ейдиган бир ва бир неча оилаларни тушуниш керак. “Нманапати” мана шу бирга хўжалик юритадиган, йирик оилани бошқарган. Нмана оиласини бир қолипга солиб бўлмайди, айрим оилалар катта патриархал, айримлари кичик бўлган. Қадимги Бактриянинг қишлоқлари А.С. Сагдуллаев томонидан Қизилча 6 ёдгорлиги мисолида ниҳоятда яхши ўрганилиб, топиилган уй-жой бир оилага — нманага мўлжаллаб, тўғритўртбурчак шаклида, олд томонида чорбоғлари билан қурилган. Худди шу сингари ёдгорликлар Миршоди дарёси бўйида, Қизилтепа шаҳар ёдгорлиги атрофида 11 тани ташкил этади.

Бактрия маҳалла оилалари яшаган уйлар ҳам ҳар хил, агар Қизилча 6 қўрғони ягона тарих асосида, меъморий услуб билан қурилган бўлса, Бандихонда уйлар тарқоқ ҳолатда қурилган.. А.Асқаров ва Т.Шириновлар

Уланбулоксойда жойлашган Кучуктепани кишлоқда яшаган маҳалла оиласини уйи тўрт метр баландликдаги платформа устига қурилган ва мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Демак, Бактрия нманалари, оилалари эгаллаган мавқеиларига қараб ҳар хил шаклда уйлар қурган.

Бактрияда маҳалла оилалар ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни оиланинг нуфузига қараб белгиланган. Кучуктепа маҳаллаларида оддий оила яшамаган. У баланд платформа устига қурилган қўрғон бўлиб, мудофаа деворига эга бўлиб, ҳукмдор оила уйи, шаклланиб келаётган аристократларга тегишлидир. Бандихон маҳаллаларидаги оилалар кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланган, уларнинг уйлари текис майдонда, деҳқончилик даласи ҳудудида қурилганлиги шу фикрни айтишга асос бўлади. Ҳарбий истехком, жумладан Талашқон I ёдгорлигида, мудофаа деворлари бўйлаб, буржлар оралигида қурилган маҳалла уйларда шу қалъа мудофааси билан шуғулланган ҳарбийлар яшаган бўлиши мумкин. Талашқон ёдгорлигининг мудофаа деворлари мустаҳкам бўлганлиги билан, қалъанинг ички қисмида маҳалла аҳолиси учун қурилган уйларнинг деворлари мавсумий уйларнинг деворларини эслатади. Қадимги Бактрия маданияти маҳалла жамоа даври ёдгорликлари шаҳар, кишлоқ, қўрғон, қалъаларда жойлашаганлигини аниқ белгилаб берган.

Маҳаллалар ҳудудида суғориладиган, деҳқончилик қиладиган ер майдонлари, чорва молларини боқадиган яйловлари бўлган. Бандихон маҳаллалар ҳудудида Ўрта Осиёда энг қадимги канал ўрни ўрганилган бўлиб, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка асос солинганлигидан далолат беради. “Авесто”нинг энг қадимги Гат қисмларида маҳалла аҳолисининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан, деҳқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суғорма деҳқончилиكنинг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиса бўлади. Шимолий Бактриядаги энг қадимги канал ҳам Кучук I даврига тўғри келади. Бу Бандихон канали бўлиб, Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган ва Бандихон I даврида қазилганлиги таъкидланган. Маҳаллалар ҳудудида каналлар қозиш, буғдой ундириш

зардуштийликда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган .

Ўзбекистоннинг қўйи Амударё ва Сирдарё оқими суғорилиш маҳаллаларга Хоразим, Қароқалпоқ, Сирдарё суғориш ҳудудлари жойлашиб моддий маънавий маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бухорода Бухоро, Вобкент, Ромитан, Қоракўл, Зарафшон , Гиждувон, Нумижкат, Фохира , Вобкент деҳқончилик маҳалла марказлари ўзининг моддий маданияти билан ажралиб турган. Зарафшон суғориш маҳалла ҳудудига қарашли Жиззах вилоятидаги Арнасой, Бахмал, Жиззах, Фориш, Ғаллаорол, Дашобод, Маржонбулоқ ҳудудларида деҳқончилик ниҳоятда ривожланиб аҳоли турмуш даражаси маданий жиҳатдан юксалган.Қадимий моддий маданиятга эга Навоий ҳудудида Қизилқум, Етимтов, Томдитов , Нурота суъний ва лалмикор суғориш манзилгоҳларида деҳқончилик билан бирга чорвадор аҳоли истиқомат қилиб ,ўзига хос маҳалла удимларни асрлар оша тараққий этириб келганлар.Фарғона водийси Ўзбекистонда юксак моддий- маданиятга эга ҳудуд бўлиб, аҳолининг қадимий жойлашуви маҳалла урф- одатлари ва удумларни ҳар томонлама миллий маънавий қадриятлар билан такомиллашувига асос солган ҳудуд ҳисобланади. Андижон воҳаси ўзининг маҳаллалар билан қадимдан ибрат бўлиб келган .Қорадарё, Мойлисув, Оқбура, Аравонсой суғориш деҳқончилик ҳудудларидаги аҳоли ўзининг деҳқончилиги, ҳунармандчилиги, савдо- сотиқ ишлари билан алоҳида ажралиб турган. Наманган маҳаллалари урф- одатлар, анъаналар ҳамда қадриятлар билан моддий маданиятимизга ҳисса қўшган воҳа бўлиб, Косонсой, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ , Чуст , Учқўрғон, Мингбулоқ, Наманган ,Уйчи ,Пошшоотасой, Ғовасой, Чордаксой каби суғориш воҳалари маҳаллаларнинг маддий маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳудудлар ҳисобланади. Маънавий маданиятимизда эъзозли ўринга эга Фарғона воҳасидаги маҳаллалар бой урф- одатларга , қадриятларга эга бўлиб, Қўштепа массиви ва Ёзёвон даштилари, Сирдарё, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфарамсой суғориш ҳудудлари маҳаллаларнинг моддий- маиший турмуш таризда муносиб хизмат қилган бўлиб, Фарғона маҳаллалари ўзининг урф- одатлари , бой маънавий

мероси билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган воҳадир. Ўзбек миллий маданиятида муносиб ўринга эга Хоразим маданияти, унинг бебаҳо анъанлари, меморий иншоотлари, хунармандчилик саънатидаги жозибалар аҳолининг маҳалаларида комол топганлигидан далолат беради. Хоразм аҳолисининг қадимий моддий маданияти заминда Амударёнинг ўзга хос ўрни бўлиб, Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Қўшқўпирк, Ҳазорасп суғориш ҳудудларининг деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо- сотиқни тараққий этишга муносиб ҳисса қўшганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда юксак моддий маънавий маданиятга эга Самарқанд воҳаси ўзининг қадимий маҳалла анъаналари билан жаҳонга машҳур бўлиб, аҳолининг хўжалик турмуш тарзида деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачилик ҳамда савдо- сотиқ ниҳоятда дид билан ривожланган бўлиб, ҳар бир маҳалла ўз касби – ҳунари билан ажралиб турган. Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг Оқдарё ва Қорадарё ирмоқлари Булунғур, Гўзалкент, Каттақурғон, Пайариқ, Ургут, Челак, Жомбой, Иштихон, Нарпай, Пастдарғом, Тайлоқ каби суғориш ҳудудларидаги маҳаллаларни ижтимоий – иқтисодий ва маданий турмуш тарзига муносиб ҳисса қўшиб келганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудида алоҳида нуфузга эга Сирдарё воҳаси қадимий моддий маданияти ҳамда ижтимоий турмуш даражисининг тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Сирдарё воҳасидаги қадимий маҳаллалар Мирзачўл чорвачилик ҳудуди билан боғлиқ Сардоба, Мирзаработ, Шўрўзак каби ботиклар- массивлари билан ўзларининг турмуш тарзини маҳалла урф- одатлирига боғлаб юксак моддий- маънавий турмуш тарзига эга бўлганлар. Маҳаллаларнинг шакилланишда муносиб ўрин тутган Тошкент воҳаси ўзининг урф- одатлари, анъаналари ва қадриятлари билан катта нуфузга эга бўлиб Сирдарё ушбу воҳани маҳаллалари ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Тошкент воҳасида Чатқол, Қурама, Пском ва Угом тоғ тизмалари, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари, Зангота, Оққўрғон, Оҳанггарон, Паркент, Бекобод, Ангрен, Пискент, Олмалиқ, Тўйтепа, Ғазалкент, Чиноз, Бўка, Қибрай, Қўйичирчиқ, Бўстонлик, Янгийўл каби суғориш

худудлари маҳаллаларнинг шаклланиш ва тарақий этишга муносиб ҳисса қўшган. Ўзбекистон моддий маданиятининг ривожда алоҳида аҳамиятга эга Қашқадарё воҳаси қадим давлатчилигимиз тарихида ўзга хос ўринга эга бўлиб, Қашқадарё , унинг ирмоқлари Жиннидарё, Оксуб, Яккабоғдарё, Танҳоздарё, Ғузордарёлар суғориш тизимни шаклланишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Чимкўрғон, Қамаш, Пачкамар сув омборлари аҳолининг яшаши турмуш таризни юксалиши ҳамда маҳаллаларнинг обод бўлишга ҳисса қўшиб келмоқда. Сурхон воҳаси моддий маданиятида алоҳида аҳамиятга эга Бактрия худудида деҳқончилик ўлкасига жойлашган маҳалла аҳолиси Кўхитангтоғ ён бағри яйловлари ва Уланбулоксой ва Шеробод дарёлари ҳавзаларда яшаб уй-жой ва хўжалик турмуш—тарзини олиб борганлар. Маҳалла аҳолиси асосан Кучук I даврида Қадимги Бактрия маданияти даврига келиб, бу ўлкада Жондавлаттепа шаҳри бунёд этилиб, у воҳанинг маркази вазифасини ўтайди. Агар Кучуктепа стратегик жиҳатдан ноқулай, кичик сув ўзани бўйида жойлашган бўлса, Жондавлаттепа Шеробод дарё ўзанида, халқаро савдо, яъни Мароқанд - Бактрия ўли устида жойлашганлиги билан ажралиб туради. Жондавлаттепанинг умумий майдони 8 гектардан иборат бўлиб, арк ва шаҳар қисмларидан иборат. Шаҳарда мил.ав. VIII асрдан бошлаб, эрамининг IV асригача шаҳар ҳаёти давом этганлигини кўрсатган. Шеробод деҳқончилик ўлкасида Жондавлаттепадан ташқари Кучуктепа, Талашконтёпа I каби ёдгорликлар жойлашган. Бойсун деҳқончилик ўлкаси маҳалалари таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди (састар) сув ҳавзалари кириб, ҳамма сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланиб, воҳанинг маркази майдони 22 гектардан иборат бўлган Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа Қизил I (Кучук I) давридан фаолият кўрсатган. Қадимги Бактрия маданияти давридан бошлаб у икки қисмдан - арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлган.

Маҳаллаларга хос ҳар бир деҳқончилик ўлкаси алоҳида жойлашган мустақил сиёсий ва иқтисодий туман бўлиб, ҳар бир ўлка ўзининг табиий ёки сунъий сув базасига эга ва ҳар бир деҳқончилик ўлка Қадимги Бактрия подшоҳлиги таркибидаги кичик-кичик сиёсий ҳудудлар бўлиб ҳисобланган.

Сурхон воҳасида Қадимги Бактриянинг учта маҳалла аҳолиси яшайдиган Шеробод, Бойсун ва Сурхон деҳқончилик воҳалари бўлиб, Габаза Шеробод, Бойсун Паретакена ва Сурхон Бубакена тарихий вилоятларидир. Маҳалла оқсоқоллари бўлган ҳукмдорлар Олий судья, диний ишларни бажарган. Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий ҳудудларида, жумладан Бактрияда бронза давридан бошлаб маҳаллалар яшаган ҳудудларда илк шаҳар маданиятига асос солинганлиги Т.Ширинов томонидан Жарқўтон ёдгорлиги мисолида кўрсатиб берилди.

Қишлоқлар ҳам маҳаллани жойлашувига асосланиб топографик жиҳатдан икки типга ажралади. Шаҳарга яқин қишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган уйлар мажмуасидан иборат бўлса, шаҳардан узоқда, алоҳида ирригацион районда жойлашган қишлоқлар аркли бўлиб, шаклланиб келаётган аристократларни эслатади. Маҳаллаларни хўжалик тизимида суъний суғориш муҳим омил ҳисобланган. Маҳалла деҳқончилигида алоҳида аҳамиятга эга кудуқ усули билан суғориш масаласи Сурхон воҳасида кенг тарқалган.

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- МАЪНАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ.

Мустақилик йилларида ижтимоий - турмуш таризини юксалишга асосий таъсир кўрсатувчи оила билан боғлиқ муҳим тадбирлар амалга оширилиб, оила тарбияси оид давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Оила маҳаллани асосий таянчи ҳамда унинг ўзора алоқаларин боғловчи воситадир. Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топганлари каби оила ҳам маҳалла ичида раванқ топади, нурли келажак сари интилади. Керак бўлса, маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчисидир.

Маҳаллани жамият таррақиётидаги ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакиллантириш

масалаларига катта аҳамият қаратилди”². Халқимиз хурсандчилик кунлари ҳам, бошга иш тушган онларда ҳам бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлишиб , инсонлар ўртасидаги бундай бирлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаси - маҳалладир.

Маҳаллаларни ташкил этиш асосида миллий қадриятларни тиклаш, урф-одатларни маънавий жиҳатдан янада уйғунлашувига имконият яратганлигини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов қиёсий таҳлил этиб, маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб, тўй-маракалар ҳам ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда ижтимоий- сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўпқиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатадиган макони ҳисобланади. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дин, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта оила ҳисобланади. Бу оила инсонларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди, фаолият кўрсатади. Маҳаллалар ўз бағрида миллий онг ғояларни шакиллантириб маҳалла фуқораси қалбида ватанпарварлик , инсонпарварлик ,муқаддас она тупроқни эъзозлаш, меҳр- шавқатли бўлиш ўз истеъдодни ватан мустақилиги, озодлиги йўлида сарфлаш тушунчаси билан тарбиялайди. Ана шундай буюклик тимсолини ўз юрагида муқаддас тутган

² Халқ Сўзи.2010 йил. 13 ноябр.

Кундажувоз маҳалла қишлоғида туғилиб вояга етган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг ватанга унинг беқиёс шон-шуҳратига берган ифодасини ҳар бир фидоий инсон қалбидаги сўз деб тушинмоқ ҳам фарз ҳам қарздир. Шу маънода шоирнинг Ватанга битилган тўғуси ифода этилади;

Бўронлари тулпорларга тунлар ёл бўлган,
Бир ўғлони чинор, бири мажнунтол бўлган,
Темурлари от минганда жаҳон лол бўлган,
Жаҳонларга тимсол шоҳу султоним, Ватан.

Мустақилик йилларида маҳаллаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муофаза қилиш масаласида муҳим аҳамиятга эга қонунлар ишлаб чиқилиб, маҳаллада фуқораларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-Моддасида алоҳида фикр изох этилди: “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари, бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди” .

Маҳалла борасида олиб борилаётган сиёсат иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутуади.

Биринчиси маънавий вазифа бўлиб, у ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги ноёб , энг азиз анъанларни , қадриятлани қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

Иккинчидан сиёсий вазифа бўлиб, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ таризда тиклаш ва унинг ваколатларини кенгайтиришдан иборат.

Маҳалла тарбиянинг муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб 1993 йилнинг 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасида “Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қабул қилинган Қонунда алоҳида қайд этилди. Қонунда ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни , ижтимоий

ҳаётда ўзини-ўзи бошқариш органларнинг мавқеини ошиб бориши, маҳаллаларнинг миллий қадриятларни тиклаш ва такомиллаштиришдаги аҳамияти, маҳалладаги маъмурий бошқариш тизимида йиғин раислари зиммасига кўпгина вазифаларни амалга оширишдаги бурчлари каби масалалар юклатилди. Ушбу қонун фуқароларнинг сиёсий онгининг ошиб бориши жамият бошқарувдаги иштироки, маҳалла аҳолисининг талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиб 1999 йил 14 апрелда ва 2003 йил 30 августда Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Қонунда белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳалла демократизми, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам принциплари асосида фаолият кўрсатади. Унда маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатди. Ушбу комиссияларнинг асосий, мақсадлари маҳаллани ҳақиқий тарбия, маънавият, намуна мактабига айлантиришдан иборатдир. Унинг иомини элу юртга танитиш, анъаналарининг абадийлигини таъминлашдан иборатдир. Маҳалла катта мамлакатнинг ичидаги кичик бир мамлакатдир, катта давлат ичра кичик давлатдир. Шунинг учун уни бошқарув тизими бўлгани каби, унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган. Маҳаллада оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт, ташкилий тадбирлар ўтказилди.

Маҳаллада “Ёшлар мустақил ҳаёт оstonасида”, “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Оила мустаҳкамлиги кимга боглиқ?”, “Оила – жамият таянчи”, “Болали оилаларга имтиёзлар”, “Қайнона-келин муносабатларининг ахлоқий-маънавий асослари” каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, “Қайнонам – жоним онам”, “Намунали оила”, “Намунали келин”, “Энг яхши маҳалла”, “Энг

озода кўча” кўрик танловлари, турли мавзуларда спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Мустақилик йилларида маҳаллалар жамиятнинг моддий- маънавий асосларини яратишни таянчига айланиб, ижтимоий- иқтисодий ва маданий- сиёсий масалаларни ҳал этиб, фуқараолар йиғида демократия тамойилларини шакллантириш, инсон омилни қадрланишига асоси восита бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда “Маҳалла” жамғармаси халқимизнинг урф- одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маросимларнинг тиклаш, янада юксалтириш, ўтмиш авлодлармиз одоб- ахлоқ бисотларига амал қилиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, ўзора дўстлик, биродарлик, қўшничилик, муҳтожларга ёрдам бериш каби ўзига хос хислатларни тарғиб қилиш асосида ёш авлодни тарбиялаш мактабига айланди. Маҳалла мамлакатимизда ўзора соғлом муҳитни яратиш, маънавий- адолат , панд- насиҳат, катталарни ибрати, ёшларни кексаларга ҳурматини кенгроқ тарғиб қиладиган мерибонлик мактабига асос солди.

Ўзбекистонда Маҳалла – мурувват марказига айланиб фуқораларни мустақил онгини ўсишни ижтимоий омиллари яратилди . Унда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилади. Маҳаллада хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза этиш, уларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, турар жойида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маданий турмуш шароитини яхшилаш, баркамол инсонни шакллантиришдаги мавқеини кўтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилади. Маҳалла – маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани. Чунки қадимдан байрамлар, ҳайит кунлари, тўй-тантаналарда кўни-қўшнилар, беморлар, ёлғиз кексаларни совға-саломлар билан йўқлаш анъана тусига айланиб қолган. Ҳашар йўли билан қариндош-уруғларга, кўни-қўшниларга уй- жой бинолари қуриш, етиштирган деҳқончилик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва улардан кўни-қўшниларга улашиш, кўчалар, ҳовлилар, маҳалла ҳудиди

қабристонлар ва атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тоза-озода сақлаш, спорт майдончалари ташкил этиш, кўприклар куриш ва таъмирлаш, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш, маҳаллада яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга жисмоний ва маънавий тайёрлаш – маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги мутасадди кенгашларнинг вазифаси ҳисобланади. Маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан-авлодга етказувчи маънавий маданият ўчоғидир. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий тўйлар, байрамлар, мотам маросимларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бошқош бўлади. Уларни дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча харажатларсиз, ихчам қилиб ўтказиш, маҳалла оқсоқоли ва махсус мутасадди комиссияларга боғлиқ. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир тантана ёки маросим учун маҳалла аҳлининг катта-ю кичиги бирдай масъул. Бундай тадбирларда катта-ю кичикка, бою-камбағалга, мансабдору оддий фуқарога бир хил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Чунки маҳалланинг барча аъзоси ягона, мустаҳкам битта оила ҳисобланади.

Маҳалла ёшларни касб-ҳунарга йўлловчи, ишсизларни иш билан таъминловчи муҳим макондир. Ҳар бир оиланинг ўз касбий сулоласи бўлганидек, маҳалланинг ҳам ўзаро тарихга эга бўлган касб-ҳунар сулоласи мавжуд. Маҳалланинг номланиши айнан шу ҳунар номи билан ҳам аталади. Масалан, зардўзлар маҳалласи, этикдўзлар маҳалласи, дурадгорлар ёки темирчилар маҳалласи ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда ўз имконияти, ҳудудий шароитида келиб чиққан ҳолда зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик, бешиксозлик, ганчкорлик, сандиқсозлик, сартарошлик, тўқувчилик, кўнчилик ва ҳоказо касб-ҳунар бўйича кичик корхоналар, тўғараклар ташкил этилган бундай касб-ҳунар корхоналарининг

ташкил этилишидан аввало, маҳалла аҳли манфаатдор бўлади. Биринчидан, маҳалла аҳли иш билан таъминланади, иккинчида, ёшлар касб-хунар сирларини эгаллаб, меҳнатсеварлик руҳида тарбияланиб борадилар. учинчидан ёшларнинг бўш вақти унумли ташкил этилиб, турли ноахлоқий хатти-ҳаракатларнинг олди олинади жинойтчилик, ичкиликбозлик, чекувчилик, гиёҳвандлик ва ҳоказо. Тўртинчидан, маҳалланинг иқтисодий барқарорлиги таъминланади. Бешинчидан, олинган ортиқча даромад ҳисобига маҳалладаги кам таъминланган, ёш болали оилалар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморлар ижтимоий муҳофаза қилинади, маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Маҳаллада ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир бола тарбиясида етти маҳалла ота-она каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир. Хулқ-одоби яхши ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир, ноқобил, ахлоқан номақбул фарзанд эса маҳалла учун қора доғдир. Маҳалладан юртга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлодаждодлари ғурурланадилар. Агар 1999 йил 16 февраль воқеалари иштирокчиларидек, террорист, Ватан, халқ душманлари чиқса, шу маҳалла тарихи бугуни ва эртаси учун лаънат ва исноддир. Бундай маҳалланинг ҳар бир фуқароси, “мен шу маҳалладанман” дейишга ор қилади.

Маҳалланинг тартиб-қоидаси, қадриятларига барчанинг амал қилиши шартдир. Кимда-ким буларга риоя этмаса, ҳурмат қилмаса у маҳаллада ўтадиган. тадбирлардан, тўю- маракалардан четлатилади, таклиф этилмайди. Агарда кибру- ҳаво билан қўни-қўшни, маҳалла анъаналарини оёқ ости қилса ёки беписандлик билан муносабатда бўлса, амалдаги қонунларга ҳилоф иш тутса у маҳалладан чиқариб юборилади. Бу эса маҳалла қонунидаги олий жазодир. Бу жазо ота-онанинг ноқобил фарзандни “оқ қилиш”и билан тенгдир.

Маҳаллаларда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, ташкилий-тарбиявий иш юзасидан ҳар бир фуқаро ўз нукта- назари, қарашлари, таклиф ва тавсияларини очик, билдириш ҳуқуқига эгадир. Эркин фикр мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади. Юқорида маҳалла маънавий-ахлоқий қадриятлар ўчоғи эканига алоҳида урғу берган эдик. Дарҳақиқат, маънавий-ахлоқий тарбия маҳаллада шаклланади, юксалади ва раванқ топади. Бу борада катталар ўрнатқ, намуна ва ташаббускор бўлишлари лозим. Маълумки, ҳар бир маҳаллада икки ёки ундан ортиқ чойхона бўлади. Бу ўзбекларга хос миллий хусусиятдир. У ерда одамлар ошхўрлик ва чойхўрлик қилиш давомида турли мавзуларда суҳбатлар, фикр олишувлари бўлиши табиий ҳол. Шунингдек, аския ва ҳазил мутойиба гурунлар ҳам бўлади. Бу жараёнда маҳалланинг оқил-доно кишилари баъзи оилалардаги тарбия борасидаги камчилик ва нуқсонларни малол келмайдиган тарзда тилга олишлари асносида тўғри йўлга йўналтиришлари мумкин. Ёхуд маънавий ахлоқий тарбия йўсинида бир-бирларига маслаҳатлар беришлари фойдадан ҳоли эмас.

Шунингдек, туй-маросимларда ёшларни эл хизматиға жалб этиш: меҳмонларға чой ташиш, овқат элйтиш, овқат танаввул қилиб бўлгандан сўнг, идиш-товоқларни олишға ўргатиш ниҳоятда муҳимдир. Шу ишларни бажариш давомида ёшлар нимаға эътибор бериш, қандай муомала-муносабатда бўлиш кераклигини ўргатиш муҳимдир. Бу ҳар бир ота-онанинг, қолаверса, Маҳалла оқсоқолларининг мураббийлик бурчидир. Бундай маҳаллада тарбияланаётган ёшлар, биринчидан, меҳнатсеварлик одобини, иккинчидан, хушмуомала одобини, учинчидан, жамоаға ҳурмат одобини эгаллайдилар.

Маҳалла — оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир. Табиийки, оилада баъзан арзимаган нарса туфайли жанжал чиқиши ва бу ҳақда эр ёки, хотин маҳалла қўмитасига мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла раҳбарлари вазмин, чуқур мушоҳадали бўлишлари лозим. Удар фақат яраштириш йўлидан боришлари керак. Сир эмаски, баъзан хотинға эрининг устидан ишхонасига шикоят қилишни маслаҳат берувчилар ҳам

топилади. Бу оила бузилишига йўналтирувчи даъват бўлиб, маҳалла шаънига доғ туширадиган иллатдир. Маҳалла ёшларнинг ахлоқ-одобини тарбиялашда муҳим ролни ўйнайди. Баъзи маҳаллаларда кечқурунлари ёшларнинг чекиб туришларини, қолаверса, оғизларидан хунук сўзларнинг чиқаётганини кўриб хафа бўлиб кетади киши. Маҳалла аъзолари уларни кўришса ҳам кўрмаганга олиб кетишади. Оқибати эса аянчлидир. Кўпгина маҳаллаларда кечқурунлари тинч, осуда, ёшлар эса қўлларини кўксига қўйиб салом бериб ўтишади. Бундай гўзаллик ва нафосат маҳалла фаолларининг ўрнаклиги ва айни чоғда маънавий ахлоқий тарбиясининг натижаси бўлиб, у шу маҳалланинг кўрки ва зийнатидир.

Маҳалла ҳозирги даврда асосий эътиборни таълим-тарбия ишларига ёрдам беришга қаратиши керак. Биз бу ўринда унинг мактаб билан мустаҳкам алоқасини назарда тутаётимиз. Мактаб – маҳалла – мактаб. Таълим-тарбиянинг, шу тузилишга (структура) амал қилиши, шу асосга қурилиши жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

МАҲАЛЛАЛАРДА МАРОСИМЛАР ВА УДУМЛАР.

Маҳалла халқимизнинг умуминсоний қадриятларни ўзида мужасам этиб, илк аجدодлармиздан ҳозирги мустақиллик йилларида асрлар оша шаклланиб мустаҳкамланиб келаётган моддий- маънавий маданиятимизни тамойиларни ўзида акс этираётган жамаотчилик ташкилотидир. Халқимиз ўзига хос анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳамда маросимларимизни кенг тарғиб қиладиган маданий марказдир. Ана шу улуғ маросимларимиздан бири Наврўздир. Наврўз тантаналари маҳалла қишлоқ гузарларида бошланиб, байрам сайллари маҳалланининг сайлгоҳида давом этиб. байрам бошланишидан бир кун олдин эркаклар сумалак пишириладиган жойда ер ўчоқ қовлашиб, унга қозон ўрнатиб берадилар, ёқиш учун ўтин тайёрлайдилар. Сумалак пиширишга бош-қош бўлган аёллар унинг таги қуйиб кетмаслиги учун кечаси билан ухламай, қозон

ковлаб чиққанлар. Қолган хотин-қизлар эса байрамга атаб кўкатли, гўштли ҳар хил сомсалар, сутли патир нон, ширинлик ва бошқа пишириқлар тайёрлаганлар.

Байрам муносабати билан эркак ва аёллар учун алоҳида жойлар ҳозирланган. Пишириқлар дастурхонга дид билан қўйилиб, маҳалла имоми, оқсоқоли ва қариялари йилнинг мўл ҳосилли, юртнинг тинч, ҳамманинг соғ-саломат бўлишини тилаб дуои-фотиҳалар қилишган. Наврўз байрами тантаналарида кечкурун ўт ёқишиб, кўшиқлар айтилиб, ўйин-кулгу қилинган. Ёш йигит-қизлар ўртасида лапар айтиши айниқса, қизиқарли ўтган. Байрам кунлари қишлоқ сайлгоҳида улоқ кураш, пойга, хўроз уриштириш, ёнғоқ ва ошиқ ўйинлари бўлиб ўтган. Байрам ва сайлларида маҳалланинг барча аҳолиси - хотин-қизлар, эркаклар ва болалар иштирок этишган.

Наврўз байрамида ҳар хил гина-кудуратлар унутилган, аразлашганлар шу кундан яна илгаридек гаплашиб, ярашиб кетишган. Байрам қатнашчилари эса бир-бирларига нисбатан хушмуомалалик, ширинсўзлик билан мурожаат қилишган, чиройли, тоза кийимлар кийишган.

Қўш оши. Ўзбекистондаги маҳаллаларида ҳар йили деҳқончилик ишлари - ерга биринчи уруғни қадаш “қўш оши” билан бошланган. Шу куни маҳалладаги ўзига тўқ кишилардан бири мол сўйиб, бутун қишлоқ аҳолисини меҳмон қилади. Ёши улуғ тажрибали деҳқонлардан бири ерга илк уруғни қадаб берган. Уни экишда деҳқончиликнинг пири – “Бобо деҳқон”дан ҳосилнинг мўл, сувнинг сероб бўлиши сўралган. Тажрибали деҳқонлар ёшларга ер ҳайдаш, зкин экиш, уни суғориш ҳақида маслаҳатлар берганлар. Илк экин экиш тантанаси деҳқонларга кейинги ишларини муваффақият билан боришига ўзига хос маънавий мадад берган, кайфиятларини кўтарган.

Қовун сайли. Қовун-тарвуз эккан деҳқонлар қишлоқ аҳолисини Қовун сайлига таклиф этганлар. Сайил қовун-тарвуз энди пишиб, етила бошлаганда ўтказилган. Деҳқон бир кун олдин ҳамқишлоқларини: “Эртага фалон вақтда пайкалга қовун сайлига боринглар,” - деб огоҳлантирган. У бунга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўрган, эрта тонгда, кун исиб кетмасидан банд берган қовунларни узиб, салқин жойга олиб қўйган. Қовун сайлига келганларни

нафақат қовун, балки бирор овқат билан ҳам меҳмон қилган. Унга кексалар, ёшлар, хотин-қизлар, болалар таклиф этилган. Сайилда эркаклар аския айтишиб, ўтган-кетганлардан суҳбатлашиб ўтиришган. Ёшлар қўшиқ айтишиб, ўйин-кулги қилишган. Сайил охирида уни уюштирган деҳқоннинг ҳосили баракали бўлиши, оиласига қут-барака олиб келишини тилаб қолишган. Ҳозиргача ҳам бу ерда қовун-тарвуз экканларга: “Қовун сайлига қачон айтасиз?” ёки “Сайилга бораверайликми?” - деб ҳазиллашиб туришади. Ҳеч қачон пайкалда қовун сотилмаган, чунки бундай қилинса, ҳосилдан барака кетади, деган фикр бўлган экан.¹

Рамазон ва Қурбон ҳайити. Ўзбекистон маҳаллаларида ислом дини билан боғлиқ бўлган Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамлари кенг нишонланиб келинган. Бу байрамлар жамоа билан биргаликда тантанали ўтказилган. Рамазон байрами рўза ниҳоясига етгандан кейин нишонланади. Чунки исломий одатга кўра, ҳар бир мусулмоннинг рўза тутиши фарз ҳисобланади. Қуръони Каримнинг Бақара сурасидаги 183, 184 - оятларда шундай дейилган: “Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди”.²

Республика маҳаллаларида исломий урф-одатларга жуда кучли риоя қилиниб, Рамазон ҳайитидан бир кун аввал, арафа кунида байрамга тайёргарлик кўриллади..

Имкони бўлса, янги кийим сотиб олинган, бунинг имкони бўлмаса борларини кийишдан олдин яхшилаб ювиб тозаланган. Ҳар бир уйда палов, қатлама, сомса, варақи каби пишириқлар қилиниб, кўни-қўшнилarga тарқатилган. Рамазон ҳайити куни қишлоқларнинг эркагу-аёли қабристонга боришиб, ўтган аجدодлари руҳига тиловот қилишган. Аёллар бир кун олдин тайёрлашган пишириқларини бир-бирлари билан ўзаро алмаштиришиб тақсимлашган. Ундан сўнг, эркаклар Рамазон ҳайити намозини ўқиш учун масжидга боришган. Улар масжидда бомдод намозини ўқишиб, масжид имомининг маърузасини тинглаганлар. Қуёш чиқиб, терак баробар келганда,

ҳайит намози ўқилган. У тугагандан кейин, ҳамқишлоқлар бир-бирларини кириб келган байрам билан қутлаганлар. Шундан сўнг, фотиҳали хонадонларга боришиб, марҳумларни ҚУРЪОНИ КАРИМ оятларидан ўқиш билан хотирлаганлар. Бир қишлоқда нечта шундай хонадон бўлса, ҳқммасига навбат билан, ёшига қараб гуруҳларга бўлинишиб кириб чиқиштан. Заруриятга қараб қўшни қишлоқларга ҳам борилган. Қурбон ҳайити байрами ҳам юқорида кўрсатилган Рамазон байрами сингари нишонланган. Уни халқ ичида “Кичик ҳайит” деб ҳам аталган. Қурбон ҳайитида имкони борлар қўй сўйишиб, қурбонлик, қилишган. Унга бутун қишлоқ аҳолиси келган, бироқ “айтувчи” ёрдамида чақирилмаган. Қурбон ҳайити муносабати билан моддий аҳволи кўтарадиганлар ҳаж сафарига отланганлар. Аммо дала материаллари шуни кўрсатадики, ўша даврларда воҳада ўзига тўқ бой кишилар ҳаждан кўра, камбағал, етим-есир, қария ва бева-бечораларга ёрдам беришни афзал кўрганлар.¹

Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари ҳамқишлоқлар бир-бирларига жуда самимий муносабатда бўлганлар, баланд овозда гапирмаганлар. Бундай улуғ айём кунларда ҳар бир жамоа аъзоси байрамона кайфиятда бўлган, қишлоқ эркаклари ота-онасига, оила аъзоларига совғалар тақдим этишган. Ота-оналар томонидан унаштирилган йигит-қизларга ҳайитлик юборилган.

Худойи. Худойи ва у билан боғлиқ урф-одатлар ҳам жамоа иштирокида ўтган. Бу одатлар кўпинча маблағ тўплаш ёки қишлоқнинг бирон аъзосини саховати билан ўтказилган. Худойи турли бахтсизликлардан халос бўлиш, элда тинч-омонлик бўлиши учун қилинган. Унда қўчқор қўй сўйилиб, қайнатма шўрва ёки ош пиширилган. Одатда худойи масжид ёки муқаддас жой атрофида қилиниб, унга бутун қишлоқ аҳолиси таклиф этилган, келолмаганларга эса “насиба” бериб юборилган.

Сумалак пишириш. Баҳор ойида анъанавий таомлардан булмиш сумалак тайёрлаш ҳам жамоа асосида бажарилган. Сумалак пишириш XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида кенг тарқалган эди. Сумалак тайёрлаш аёллар гуруҳи томонидан амалга оширилган. Уни тайёрлаш

учун зарур бўлган масалликларни (буғдой, ун, ёғ) жамоанинг барча аъзолари йиғиб берган ва сумалак тайёр бўлганда, ҳамма ўз улушини олган. Уни пишириш жараёнида ер-ўчоқ, ковлаш, ўтин хозирлаш, сув ташиш каби ишларда эркаклар аёлларга кўмак берган.

Гап, Маҳалла жамоаси ҳаётида эркаклар гуруҳининг биргалашиб, йиғин қилиб, “гап” бериш одати Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг тарқалган.² Йиғилишда тенгқурлар, кўпроқ уйланган эркаклар иштирок этган. Йиғин Фарғон водийсида “ўтириш”, “кенгаш”, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида “маслаҳат” атамалари билан маълумдир. “Кенгашда”дан асосий мақсад ёзи билан қилинган меҳнатдан кейин, мириқиб дам олиш бўлган. Тенгқур жўралар “кенгаш” бошлашдан олдин меҳмонхонага тўпланишиб, маслаҳат қилишган, ҳурматли бирон кишини жўрабоши қилиб сайлашган. “Кенгаш” қатнашчиларининг сони ўртача 10-20 тагача, катта қишлоқларда баъзан 30 тагача етган. “Гап” қоронғу тушгандан то ярим тунгача давом этган. Ҳамма айтилган вақтда сўзсиз келиши шарт бўлган. “Кенгаш”нинг қонун-қоидаларини бузганлар аввал огоҳлантирилган, агар яна давом этса тартиббузар гуруҳдан чиқариб юборилган.

“Кенгаш” одатда икки усулда ўтказилган: гап-гаштак - навбат билан (харажат гап берувчининг ҳисобидан), тўкма-гап - йиғинга керакли барча харажатлар ҳаммадан йиғилиб, ўртага тўкма қилинган. Бу усул “тўкма” деб ҳам аталган.

“Кенгаш”нинг аввалида чой, кейин суюқ овқат (мастава, шўрва, гўжа) ва охирида палов берилган. “Кенгаш”да қатнашишдан мақсад, фақат овқатланиш бўлмай, балки унда тенгдошлар ўйин-кулги қилишган, қўшиқ айтишган.

Йиғин сўнгида “кенгаш”нинг кейинги навбати кимда бўлса, ўшанга ошатар бўлиб, навбати келган ўрнидан туриб, баланд овоз билан “Фалон куни биз хизматда бўламиз” деб огоҳлантирган.

Шу ўринда эркаклар гапига айрим жихатларигина ўхшаб кетадиган қишлоқ жамоаларида мавжуд бўлган аёллар йиғилиши ҳақида ҳам тўхтаб ўтишни маъқул топдик. Дала тадқиқотлари шуни кўрсатдики, хотин-қизлар

йиғилиши айрим қишлоқларда “қизлар мажлиси” деб ҳам аталган. Бундай йиғилишларда иштирок этувчиларнинг ёши қатъий чегараланмаган. Йиғилиш кўпроқ кундуз куни бўлган, йиғилишни имконияти бор хонадон соҳибалари ўтказган. Бу йиғилиш аёллар учун ўзига хос хордиқ чиқариш воситаси бўлиб, унда кўшиқлар айтилиб, ўйин-кулги қилинган.

Пилла жамоаси. Ўзбекистоннинг Фарғона , Тошкент, Самарқанд, Хоразим, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарёдаги қишлоқларида аёллар ипак қурти боқиш учун ўзига хос пилла жамоасига ҳам бирикишган. Пилла етиштириш апрел ойининг охирларидан июн ойининг бошларигача давом этган.

Ипак қурти боқиш учун 4-5 хўжалик аёллари бир гуруҳга бирлашишган. Қишлоқларда ана шундай гуруҳлардан ўртача 10-12 та, баъзи катта қишлоқларда ундан ҳам кўпроқ бўлган. Ҳар бир гуруҳга ёши катта, обрўли, бошқаларга сўзи ўтадиган аёллардан бири бошчилик қилган. Ипак қурти уй ичида ёки оғилхонада боқилган. Тайёр бўлган пиллани шохлардан ажратиш учун аёллар ҳашари уюштирилган. Уларнинг бундай ҳашари 5-6 кун давом этиб, баъзида бутун қишлоқ жамоасини қамраб олган.

Жамоа бўлиб ов қилиш. Ўзбекистондаги тоғли , дашт, чўл қишлоқ жамоалари овчилик билан ҳам шуғулланганлар. Ов қилиш жамоадаги эркаклар томонидан бажарилган. Жамоа эркаклари ов қилишда милтиқ, камон-ёй билан бирга ўргатилган ит, бургутлардан ҳам фойдаланишган. Улар овга жўнашдан олдин кенгаш ўтказишиб, 2-3 кунга мўлжаллаб озиқ-овқат, ўқ-дори тайёрлашганлар. Ов бошланган куни тонг отмасдан кўзланган манзилга етиб борилган. Овлаш мавсуми август ойидан февраль ойининг охиригача давом этган. Ёввойи ҳайвон ва қушларнинг болалаш даврида ов қилинмаган. Бирор кимса таъқиқланган мавсумда ов қилса, қишлоқ оқсоқоли томонидан қаттиқ жазоланган. Жамоа овчилари кийик, суғур, ёввойи эчки, йиртқич ҳайвонлардан – айиқ, бўри, қоплон, силовсин, жиблон, кундуз, суксур қушлардан - каклик, каптар, чумчук овлашган.

Сут жамоаси. Ўзбекистондаги Бухоро, Хоразим, Жизах, Тошкент ҳудудларидаги қишлоқ жамоасида чорва моллари кам бўлса, аёллар ўзига хос

гуруҳларга бирлашганлар. Гуруҳлардаги аёллар сони иккитадан олтитагача, баъзан эса ўнтагача етган. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси гуруҳдагилардан навбат билан сут олган. Бундай уюшма сутдан бир йўла кўпроқ ёғ олиш учун, иссиқ кунларда сутни исроф бўлмаслиги учун тузилган. Бундай гуруҳ кўпроқ бирига яқин қариндош-уруғ ёки қўни-қўшнилар томонидан ташкил этилган.

Сут гуруҳи ёки шерикчилик баҳор ойларида сигирлар бузоқлагандан бошланиб, кеч кузгача давом этган. Шерикчилик бошланишидан аввал аёллар сут бериш шартлари тўғрисида ўзаро келишиб олишган. Шерикчиликни чоршанба, пайшанба ва жума кунлари бошлаш ҳосиятли деб ҳисобланган. Хўжаликлар шанба куни бир-бирларига ҳеч нарса ҳатто туз, олов ҳам бериши мумкин бўлмаган.

Келишилган куни гуруҳ аъзолари эрта тонгда молни соғишиб, сутни навбати келган аёлниқига олиб боришган. Сутни олиб боришда, унинг устига мевали дарахтнинг шохчаси ташланган. Шохча ташлашдан мақсад - сутни ҳар хил инсу-жинслардан сақлаш, деб кўрсатиладн. Навбати келган аёл сут қуйиш учун катта идиш тайёрлаб қуйган. Одатда олиб келинган сутни кўз билан чамалаб ёки махсус идиш билан ўлчашган.. Сутни қабул қилиш тугагандан сўнг, уй соҳибаси сут олиб келганларни меҳмон қилган. Хонадон бекаси бўшаган идишларга туршак, олма ёки бошқа бирор егулик нарса солиб қайтарган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, соғилган сутнинг ҳаммаси берилмаган. Унинг маълум қисми хўжалик зарурияти учун олиб қолинган.

Агар сут миқдори камайиб кетса, навбатни ўзаро келишган ҳолда тўхтатишган ва қолган қарзни келгуси йили узишган. Сут “оқ”лик, беғуборлик рамзи бўлиб, уни увол бўлишига ҳеч йўл қўйилмаган. Мабодо, сут бирон сабаб билан ерга тўкилиб кетса, уша ер қириб, тозалаб олинган ва оёқ босмайдиган ерга ёки сувга ташланган. Дала материаллари йиғиш давомида сут гуруҳида сутдан алдаш ёки сув қўшиб фирромлик қилиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги, бу “оқликка” нисбатан катта гуноҳ эканлиги, таъкидланди.

Сурхон воҳасидаги каби сут жамоалари Марказий Осиё халқлари ҳаётида ҳам кенг тарқалганлиги этнографик тадқиқотларда қайд этилган.

Дала тадқиқотларида сут маҳсулотлари билан боғлиқ иримлар, жумладан ёғ олиш ҳақида қизиқарли маълумотлар олинди. Қатикни кувида пишиб, ёғ олиш пайтида хонага бегоналар киритилмаган. Аёллар айниқса айрондан ёғ ажратилаётганда ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қилишган. Ёғнинг миқдори қанчалигини аёллар доим сир тутишган. Сабаби сут берадиган сигирга кўз тегиши, касалланиб қолши, ҳаттоки, нобуд бўлиши мумкинлиги кузатилган. Ёғ кўпиича кечаси, ҳеч ким йўқлигида қуйдирилган. Уни қуйдириш жараёнида аёллар ҳатто эрларини ҳам қозонга яқин йўлатишмаган.

Сут маҳсулотлари билан боғлиқ ўзига хос иримлар ҳам бўлган. “Оқ” нарса қоронғида берилмаган. Кечаси берилган оқ нарсага инсу-жинслар ўтириши мумкин, уни истеъмол қилган киши дардга чалинади, деган иримлар ҳам бўлиб аҳоли унга қатъиян риоя қилган. Ривоятлардан бирида, ёшгина келинчак қатикда бош қоронғу бўлиб, бахтга қарши уйида қатик бўлмайди. Шунда кечаси эри орқали қўшнисидан қатик олдиради ва уни ичиб ётади. Шундан кейин у бедаво касалга мубтало бўлган фарзанд дунёга келгандан сўнг эса ақлдан озиб қолади. Қариялар келиннинг бу аҳволга тушишини кечаси берилган қатикдан, деб ҳисоблашади. Шунинг учун жуда зарур бўлиб сут-қатикни кечаси беришга тўғри келса, идишнинг четига қозон қуя ташланиб, усти маҳкам беркитилиб, олиб кетувчининг қўлига берилмай, ерга қуйилади. Сут маҳсулотларини сешанба ва шанба кунлари бериш иримга биноан ҳосиятсиз ҳисобланган. Оммавий миллий ўйинлар Ўзбекистон қишлоқларида кенг тарқалган. Улар орасида кураш, улоқ, улоқча, пойга, хўроз уриштириш, ағдаришма ва ит-тортув каби ўйинлар алоҳида ажралиб туради.

Кураш. Ўзбекистонда кураш тўйларда, халқ байрамларида ва кўпчилик тўпланадиган жойларда оммавий тус олган. Курашнинг Фарғона ва Бухоро усулиби кенг тарқалган бўлиб, унда асосан эркаклар иштирок этиб, қатнашувчиларнинг ёши чекланмаган. Кураш бошланишидан аввал ҳакамлар ҳайъати тузилган, Ҳайъат таркибига қишлоқ оқсоқоли, ёши улуглар, ёш бўлсада кураш сирларини яхши биладиганлар киритилган. Бу кишилар ҳар бир мусобақа бошланишидан олдин кураш тушишга шайланган рақибларга

унинг қоидаларини: оёқ билан чалмаслик, ердан даст кўтариб йиқитиш, йиқилганни иккала елкасини ерга теккизиш, кўпол ҳаракатлар қилмаслик ва ҳоказоларни тушунтиришган. Курашни ҳали белида қуввати бор тажрибали кексалар бошлаб беришган. Кураш ғолибга рақиб топилмагунча давом этган. Курашда ютиб чиққан полвонларга ҳар хил мукофотлар, тун, жонлик ва бошқалар берилган.

Улоқча. Улоқча халқ ичида “меҳмонларни кутиб олиш” деб ҳам аталади. Уни тўй ва бошқа тантаналарда бўладиган улоқнинг дебчаси, деб тушунса ҳам бўлади. Улоқча қуйидагича бўлади: Катта улоқ бўладиган тўй ва бошқа тантаналарга таклиф этилганлар 10-15 киши ўртада пул тўплашиб ёки ўзаро келишиб серка олишади. Уни сўйишиб, улоқчага тайёрлайдилар. Катта улоқда боришаётганларида, уни абжир, тажрибали улоқчининг тақимига босиб беришади, У тўйхонага яқинлашганда, отининг жоловини қуйиб юбориб, тўйхона томонга тез чоптиради. Ўз навбатида, тўйхонада ҳам тўй қилаётганнинг яқинларидан 5-6 та отлик ундан улоқчани тортиб олмоқ учун пешвоз чиқишади. Агар улар улоқчани тортиб олишса, чавандоз бериладиган совриндан маҳрум бўлади. Улоқча катта улоқ бошлангунча давом этади. Бу ўйин ярим ўтроқ чорвадор аҳоли ўртасида ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Қўни-қўшничилик муносабатлари. Уруғ жамоаларининг парчаланиши, қариндошлик белгиларининг камайиб, қўни-қўшничилик муносабатларининг шаклланишига олиб келди. Ўзбекистоннинг Фарғона, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Қароқолпоқ ҳудудларидаги маҳаллаларда қўни-қўшничилик муносабатлари яққол кўзга ташланиб туради. Бу муносабатлар ижтимоий ҳўжалик фаолиятда намоён бўлади. Қўни-қўшничилик муносабатлари бу ерда жуда қадрланган. Бир-бирини қўни-қўшни сифатида доимо ҳурмат қилишган. Шунинг учун бир-бирига мурожаат қилишганда, номини айтмай “қўшни” деб чақиритган. Қўшнилари кўп ҳолларда деҳқончиликда “шерикчилик” ҳам қилганлар. Қўшнилари ер ҳайдашда, экинни суғоришда, даладан пичан олиб келишда ва бошқа ишларда ҳар гал бир-бирларига ёрдам беришган. Юқоридаги бобда кўриб ўтганимиз

ҳашар ҳам уларнинг иштирокисиз бўлмаган. Қўшнилари киш пайтида ёқиш учун ўтин тайёрлаш, қор қураш, ерга ўғит ташиш каби ишларда бир-бирига қўмаклашганлар. Жумладан, улар ўтин тайёрлашда ўзаро келишиб навбат билан ўтин тайёрлашган. Ишнинг шу тартибда ташкил қилиниши уларнинг киш мавсумларидан қийналмай чиқишларини таъминлаган. Бирор тадбир ўтказмоқчи бўлган киши қўни-қўшниларига “Ҳашарга”, - деб айтиб чиққан. Қўшнилари бу чақириқда жавобан, ўз ишларини кейинга қолдириб, қўмакка ошиққанлар. Ҳар йили ёз ойларида ёғингарчиликда томдан чакки ўтмаслиги учун навбат билан биргалашиб том сувашган. Бунинг учун улар бир кун олдин белгиланган жойдан тупроқда сомон қўшиб, лой тайёрлаганлар. У яхши пишгандан кейин эртасига иш бошланган. Уй ёки бошқа биноларнинг айрим жойларини тузатишни ҳам биргалашиб бажаришган. Агар қўшниникида бирон зарур юмуш бўладиган бўлса, ҳар қандай ишини кейинга қолдириб, ёрдамга шошилганлар. Удумга биноан бу ҳар бир қўшни учун шарт ва мажбурий деб қаралган. Қўшниларида бириникида тўй ёки бошқа тадбирлар бўладиган бўлса, ҳамма қўшнилари шу тантаналарга тайёргарлик қилишда унга ёрдам берганлар. Қўшни эркаклар таъмирлаш ишларига, хотинлар эса уй тозалаш, идиш-товоқларни ювиш ва ҳар хил пишириқлар тайёрлашга қўмаклашганлар. Ўз навбатида, тадбир қилаётган киши қўшниларининг уйдан меҳмонхона сифатида ҳам фойдаланган. Шунинг учун улар ҳар эҳтимолга қарши, қўшниси айтмаса ҳам тайёргарлик қўриб қўйганлар. Чунончи уйдаги каттароқ хонасини бўшатиб, тозалаб, шолча-қўрпача солиб, дастурхон ва чойнак-пиёла қўйиб қўйишган. Озиқ-овқат, мева-чева ва қанд-курслар тадбир ўтказаетган хонадондан олиб чиқилган.

Қўшнилари тўй ва бошқа маросимларда эртадан кечгача бир-бириникида хизматда бўлган. Масалан, тўй маслаҳати қўни қўшнилари иш тақсимлашда бирор масъулиятли вазифани биринчи бўлиб олишга ҳаракат қилганлар. Тўй давомида ўз вазифаларини чин юракдан бажарганлар.

Қўшниларининг дафн маросимларидаги ўрни ҳам беқиёс бўлган. Улар марҳум учун йиғлашда иштирок этмасаларда, қўшни хотинлари уч кунгача

мархум чиқарилган хонадонга овқат пишириб олиб келишган. Чунки одатга кўра, мархумнинг яқинлари шу уйда тайёрланган овқатдан уч кунгача емасликлари, тиғ ушламасликлари лозим бўлган. Қўшни эркаклар эса ўтин қилиш, жонлик, сўйиш каби ишлари бажарганлар. Булардан ташқари, қўшнилар ўзаро келишиб, агар зарурият бўлса, тўй ва бошқа маросим қилаётган қўшнисиникига озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни кайтармаслик шarti билан ихтиёрий равишда олиб келганлар.

Қўни-қўшничилик муносабатлари мол ёки бошқа ҳайвон сўйилганда ҳам намоён бўлган. Шундай чоғларда қўшнилар меҳмонга чақирилган, бирор сабаб билан чиқа олмаганларга “тегиш” бериб юборилган. Булардан ташқари, ён қўшниларга гўшт ҳам тарқатилган. Қўшниларнинг ҳар пайшанба, якшанба ва байрам кунлари бир-бирларига овқат узатиш одати кенг тарқалган.

Қўшнилар келин олиш учун қиз танлашда бир-бирига кўмак беришган, кўпинча улар совчиликка ҳам бирга боришган. Қиз чиқарадиган ёки ўғил уйлантирадиган қўшнининг ҳол-аҳволини билишга келган бўлғуси қудалар унинг қандайлигини аввало қўшнилардан сўраб суриштирганлар. Шу тариқа қиз узатиш ёки келин олиш масалалари ҳам ҳал этилган. Никоҳ тўйларида қўшниларнинг уйи тўйга келган қудалардан “қочувчи” бўлғуси келин ёки куёв учун пана жойи вазифасини ҳам ўтаган. Бундай ҳолларда қўшнилардан бири бўлғуси келин ёки куёвни олдиндан “уч-тўрт кун бизникида меҳмон бўласиз, жой тайёрлаб қўйдим”, - деб огоҳлантириб қўйган. Қўшнилар бир-бирларининг қадр-қимматини, шаънини ва дала тадқиқотларида ҳар бир уйда қўшнилар билан олди-берди қиладиган қўшни девор томонидан очилган махсус эшикчалар бўлганлиги аниқланди. Айрим қишлоқларда ҳозиргача шундай алоқалар сақланиб қолган. Маълумки никоҳ тўйи бир неча босқичда бўлади. Шунинг учун келин ёки куёвникида ҳар хил тадбирлар бўлиши муносабати билан улар қудалардан “қочиб юриши” керак бўлган. Орномусини ҳимоя қилишган. Бошқа кўча ёки қишлоқликлар қўшнилардан бирини ноўрин хафа қилиб қўйса, албатта унинг тарафини олишган. Агар керак бўлса, қўшнилар ранжитганнинг уйигача биргалашиб боришиб кечирим

сўратишган. Қўшнилари қишлоқдаги тўй ёки бошқа тадбирларга борадиган бўлишса ҳам бир-бирларини чақиришиб, биргаликда боришган. Улар баъзида бир-бирини қариндошдан ҳам аъло кўришган. Агар қўшни меҳмонга ёки узок сафарга кетадиган бўлса, уйини уларга ишониб тайинлаб кетган.

Қўшнилари биронтаси касал бўлиб қолса, ҳар куни эрталаб унинг аҳволидан хабар олиб туришган. Улар бемор кўргани ўзлари билан бирга иссиқ овқат, ширинлик ёки бошқа ейдиган нарсалар олиб келишган. Уни тезроқ соғайиб кетиши учун яхши тилаклар билдиришган, камчилигини суриштириб, ёрдам беришга ҳаракат қилганлар. Агар бемор эркак киши бўлса ва болалари ҳали меҳнат қилиш учун балоғатга етмаган бўлса, қўшнилари турли ишларида ёрдам қилиб унинг оғирини енгил қилишган. Улар бемор қўшнидан ҳовли ёки даладаги экинини ўриб, пишган ўрик ва бошқа меваларини қоқиб, куз ва баҳорда узум, анор қабиларни кўмиб ёки очиб беришган.

Мабодо қўшни аёл касал бўлиб, ишга ярамай қолса, қўшни аёллар кўмакка чиққанлар. Улар бундай қўшнисининг уйидаги барча юмушларини бажаришда ўзларининг ёрдамларини аямаган. Қўшнилари унинг молини соғиш, қирларини ювиш, навбат билан ҳамир қоришиб, нон ёпиб бериш, овқат пишириш, уйини супуриб - сидиришда ва бошқа ишларида қарашишган.

Қишлоқларида ердан фойдаланишда қўни-қўушничилик муносабатларига хос бўлган меҳнатнинг “шерикчилик” шакли кенг қўлланилган бўлиб, у иш қуроллари (асосан омон) ва иш ҳайвонининг етишмаслигидан келиб чиққан. “Шерикчилик” ер ҳайдашда, экин орасига ишлов беришда қўл келган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, шерикчиликда ҳосил умумий бўлмаган ва Ўзбекистондаги деҳқончилик билан шуғулланувчи барча қишлоқларида кенг тараққий этган.

Ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган тўрт-беш қўшни деҳқонлари бирлашиб, маблағ тўплаб, иш ҳайвони, иш қуроли ва уруғ сотиб олиб, ерга биргаликда ишлов беришган. Ер жамоаси фаолиятига оид ўзаро ёрдамнинг бир неча турлари мавжуд бўлган. Қишлоқ жамоасида алғов кенг қўлланилган.

Алғов ишчи кучи, меҳнат куруллари ёки иш ҳайвони етишмаслиги натижасида вужудга келиб, алғовда ўзаро ер ҳайдашдан токи ҳосилни ўриб-йиғиб олгунча ёрдам кўрсатганлар. Бунда ҳам жамоа деҳқони бошқа ёрдам берганларга дала ишларида сўзсиз кўмаклашиши шарт бўлган.

Хоразим, Андижон, Наманган, Жизах, Бухоро деҳқонлари “алғов - бу шарт, қарз, демакдир”, - деб тушинишган. Кўпчилик бўлиб ерга биргаликда ишлов бериш Марказий Осиёнинг барча халқлари қишлоқ жамоаларида ҳам кенг тарқалган эди. Қишлоқ хўжалик ишларида кўни-кўшниларнинг ўзаро кўмаклари экинни экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб-териб олганга қадар давом этган. Маълумки, эрта баҳордан кеч кузгача деҳқончилик ишлари кўпаяди. Шунинг учун зарурият жамоа аъзоларини бир-бирига кўмак беришини тақозо этган. Бундай ёрдам ер ҳайдашда, экинлардан қовун, жўхори, маккажўхори ва пахтани чопиқ, ўтоқ қилишда, буғдойни ўриш, янчиш ва уйга ташиш ишларида кўпроқ қўлланилган. Булардан ташқари, анор кўмиш, ёз ойларида ўрикни қоқиб қуриштиш ҳам жамоа асосида бажарилган.

Маҳалла жамоасида кўшнилар баҳор ойида ер ҳайдашда ўзаро бир-бирларига ёрдам беришган. Ер ҳайдаш воситаларининг нисбатан қолоқлиги сабабли, у кўп жисмоний меҳнатни талаб қилган. Табиийки, бир деҳқоннинг ўзи кўп ерни ҳайдай олмас эди. Шунинг учун аввал биттасиникини тугатишиб, сунгра найбатдагисиникига боришган, Ери ҳайдалган деҳқон ҳеч бир сўзсиз ўзаро ёрдамни охиригача етказган. Буғдой ўримида кўшничилик удумлари яққол кузатилади, Айниқса, кўшнилар буғдой ўришда ўзига хос жамоага бирлашганлар. Қишлоқларда бундай жамоа икки-уч гуруҳдан иборат бўлган. Ҳар бир гуруҳ ёшига қараб ташкил топган. Буғдой ўрими июн-июл ойларида тўғри келиб, гуруҳ аъзоларининг буғдойи ўриб бўлинмагунча, навбат давом этган. Иш тушдан кейин бошланиб то шомгача давом этган.

Ўзбекистондаги маҳалла ихтиёридаги қишлоқ жамоаларида уй қурилишида ҳам кўни-кўшниларнинг ёрдами кенг тарқалган. Бундай ишлар бир неча босқичда иборат бўлиб, асосан бир-икки кун давом этган. Уйнинг пойдеворига тош ташиб келиш, гувала қўйиш, девор уриш, томга тупроқ

солиш, уй сувоқ ва ҳоказолар бўлган. Иш бошлашдан олдин, аввало қишлоқ оқсоқоли билан маслаҳатлашиб, унинг ўтказилиш куни белгиланган ва олдиндан қўшнилари хабардор қилинган. Уйнинг пойдеворидан бошлаб, уни битгунига қадар бўлган барча ишлар биргаликда бажарилган.

Қўни-қўшничиликда аёлларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Қўшни аёлларнинг ўзаро кўмаги қишлоқ жамоасидаги бир неча гуруҳ аёлларни қамраб олади. Улар тўйга тайёргарлик пилла терши ва бошқа ишларда бир-бирларига суянч бўлишган. Қўни-қўшничилик муносабатларини шаклланишида, ўзаро жипслашувида ёши улуг отахон ва онахонларнинг ҳиссаси катта бўлган. Улар фойдали маслаҳатлар беришган, ҳар доим қўшнилари баҳамжиҳат, иноқ-тотув бўлишга чақирганлар.

Қўшничилик бу ўзаро бир-бирига бўлган ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик рамзидир. Шунинг учун маҳаллаларда қўшничилик тўғрисида “Ховли олма, қўшни ол”, “Қўшнинг тинч - сен тинч”, “Меҳр оқибатли қўшни - туғишгандан афзал” каби иборалар сақланиб қолган.

Маҳаллада қўшничилик муносабатларини ташкил топишига, энг аввало уларнинг яқин яшаши эмас. Балки асрлар давомида ривожланиб келган урф-одатларимизнинг сақланиб келганлиги асосий сабабдир. Маҳалла инсон ақл заковатининг маҳсули бўлиб, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларни кузатиш асосида одамларни бир-бирига бўлган ишончи ҳамда муносабатлари маданий таррақиётни ривожланишга имконият яратиб, ақл ва идрок билан иш юритишга бошқарган.

МАҲАЛЛА МАНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ ВА ТАРБИЯ ТАЯНЧИ.

Мустақиллик йилларидан бошлаб оила, оила аъзолари, айниқса она ва бола

манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ҳамда ҳукумат томонидан кенг қўламли чора тадбирлар қўрилмоқда. Биринчи навбатда оила, шу жумладан никоҳ муносабатларини халқимиз қадриятлари, кўп асрлик давр синовидан ўтган анъаналар ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг ҳуқуқий негизи яратилмоқда. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонунда, жумладан, ёш оилаларга бериладиган ижтимоий имтиёзлар яқка тартибда уй жой қуриш, уй-жой ва рўзғор буюмлари сотиб олиш ҳамда бошқа мақсадлар учун имтиёзли кредитлар бериш, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давлат ўз зиммасига олиши қайд этилади.

Оила манфаатининг ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “Уй-жой кодекси” ҳамда “Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида” ги қонунларда оила аъзолари учун кўзда тутилган имтиёзлар, меҳнат қилиш, уй-жойлик бўлиш ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган.

Айниқса 1998 йилда мамлакатимизда Оила Кодексининг қабул қилиниши жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг ҳуқуқлари, мақоми, имтиёзлари ва кафолатларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Қонун ҳужжатларида ифода этилган ҳуқуқий меъёрларнинг изчил ҳаётга тадбиқ этилишини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикаимизда ҳар йили ишлаб чиқиляётган ва амалга ошириляётган давлат дастурлари таъминламоқда.

Мустақилик йилларида “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сиҳат саломатлик йили” ва бошқа давлат дастурлари бўйича кенг қўламли тадбирларнинг амалга оширилиши оилани мустаҳкамлаш, фаровонлигини ошириш мақсадларига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил 18

майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони оила, айниқса ёш оилалар давлат ва жамият эътиборида, ҳимоясида эканлигининг ёрқин далолати бўлади. Статистика маълумотларига биноан Ўзбекистонда ҳозирги вақтдаги жами оилаларнинг 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади. Улар тўғрисида ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олганлиги республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб собитқадамлик билан амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир, жуда муҳим амалий ифодасидир.

Айни пайтда ёш оилаларга катта солиқ имтиёзлари ҳам берилиб , хусусан, ёш оила аъзолари (Фармонда улар тоифасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтганлар кириши кўрсатилган) бўлган жисмоний шахсларнинг шахсий уй-жойи ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси, ҳамда хўжалик субъекти-иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ бўйича солиққа тортиладиган даромадларига кирмайдиган бўлди. Шу билан бирга, хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредити бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашда, Фармонда белгилаб қўйилгандек, давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонали уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ташкил этилиши ҳамда бу бўш уй-жойлар ёш оилаларга имтиёзли нархларда ижарага берилиши муҳим рол ўйнаши шубҳасиздир. Ёш оилалар аъзолари, таълим муассасалари талаба ёшлари ўртасида бу ҳаракат моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, жойларда фаолият кўрсатиб келаётган “Ёш оилалар

мактаблари” иши янада такомиллаштирилди..

. Ўзбекистонда мустақилик йилларида “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Болалар”, “Меҳр нури,” “Ҳаёт” жамғармалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ёш оилани мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Аҳоли, айниқса, аёлларни иш билан банд қилишда республикамизда касаначиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда аёлларни фермерлик ҳаракатига, тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши керак. Маълумотларга қараганда, республикамизда тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳаракатида иштирок этаётган хотин-қизларнинг улиши 5%ни ташкил этади. Ҳолбуки, қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпроғи аёллардир.

Президент И.А.Каримовнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони моҳият жиҳатидан келажагимиз тўғрисидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Оила жамиятнинг асосий бўғини экн, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз равнақига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Маҳаллалар ўзининг бозорлари ҳамда Карвон саройлари билан машҳур бўлиб, маҳалла аҳолиси бозорлар ва карвон саройларни озода ҳамда тинч осайишта сақлаш удумларига алоҳида эътибор билан қараганлар. Инсоний фазилат анъаналари қадимданоқ айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. IX аср охири X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган машҳур олим Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида шундай деб ёзган эди: “ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдамлашиш учун одамларни бирлаштирувчи шаҳар фозиллар шаҳридир ва саодатга эришиш учун бир-бирига ёрдамлашиш мақсадида бирлашган кишилар жамияти — фозил жамиятдир. Яқин кишиси учун ва барча шаҳарлар яхши фазилатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямайдиган халқ, миллат яхши фазилатли халқ, яхши фазилатли

миллатдир”. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов олимнинг мазкур ғояси ва эзгулик ҳақидаги бошқа кўплаб фикрларни давом эттириб қуйидагиларни айтган эди: “Ўзбекистон халқининг кўпчилиги ўзининг шахсий манфаатларини эмас, балки ўз оиласи, қариндошлари, ёр-биродарлари ва қўшнилариининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу — инсоннинг энг олий маънавий фазилатидир. Бизнинг халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқлардан юқори қўйган эмас. Бошқа миллатларга, бошқа динларнинг намоянидаларига муносиб ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб келди.

Мустақилик йилларида маҳаллалар халқимизнинг бағрикенглик анъаналарини ёйиш ва тарғиб қилишида бевосита иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда қадимий йўлларнинг аҳамияти катталигига алоҳида эътибор қаратди. Маҳаллада шакилланган урф-одатлар асосида умуминсоният маданият замирида савдо муносабатлари пайдо бўлиб, умуман ҳаётнинг гуркираб ўсишида савдо-тижорат кенг таррақий этиб юртни обод бўлишига муносиб ҳисса қушиб келган. Савдо аҳли маҳалла таъсирида ҳамда қўллаб-қувватлаши туфайли ўз маҳалласини, миллатнинг ақли донишлигини, одамийлигини, она-Ватанни севишини, меҳмондўстлигини, бағри кенглигини, улуғлигини бошқа халқларга тарғиб қилган. Савдогарлар маҳалла аҳлини ҳунармандлигини, сабр-бардошлилигини, ростгўйлигини, ҳалоллигини, ишонувчанлигини, ҳусни-одобини, тинчлик-хотиржамлиги туфайли бемалол узоқ сафарларга савдо ишлари билан чиққанлар. Чунки кунгли тинчлиги сабабли ўз уйни, фарзандларини маҳалла аҳлиги ишониб топшириб кетганлар. Маҳалла даврлар синовидида жасурлик ва фахрланиш каби юзлаб ҳислат фазилатларни ўзида мужассам этган.. ХХІ асрнинг бошида мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлаган бахтли авлод бўлганимиз — маҳалланинг кўҳна тарихини ҳар томонлама пухта ўрганиб, унинг ҳозирги тезкор ҳаёт жараёнимизда ас қотадиган ибрат-сабоқларидан унумли фойдаланилмоқда.

Ўзбек халқи: “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” мақолига амал қилиб, юзлаб ҳунарларнинг моҳир соҳиби бўлганки, улар ихтиро қилган ва қадок, қўллари билан яратган мол-буюмлар одамларда ҳайрату тасанно туйғусини уйғотган.

Қадимдан маҳалла халқи савдо касбни ҳалоллик фазилати деб, унга ҳунарларнинг лабз ҳалолиги нуқтай назардан қараган. Жанубдан-Шимолга Буюк ипак йўли орқали савдо қарвонларни ташкил қилиб Ўзбек меҳмондўстлигини дунёга танитиб , Ипак йўли бўйлаб мамлакатлардан мамлакатларга турфа молу-буюмлар, ноз-неъматларни юртма-юрт, эл-элатларга насиба қилиб етказиб берганлар. Савдогарлар она юрт роҳатидан, оилаларидан, ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, тоғу-тош ошиб, чўл-сахроларни кезиб, узоқ масофаларга йўл азобини чекиб борганлар, савдо-сотикда куйиб-пишганлар, олди-сотди ишларида муомала маданият муносабатларини ўрнига қўйганлар, бошларидан ҳар хил қийинчилик савдоларини кечирганлар, улар турли халқлар тилини, элатлар, миллатлар эзгу дилини ва урф-одатларини ўрганганлар, билганлар ҳамда ҳаёт тақозосини, давр анъаналарини чуқур тушунган, ақли зукко, зариф ва зарофатли, ҳалол инсонлар бўлишганки, уларни ўзга юрт подшоҳларидан.

Маҳаллаларда камол топган савдогар аҳли халқнинг табарруқ дастурхонини ноз неъматлар билан бойитиб, ўзбек диёрининг тупроғи олтин, сувлари кавсар, ҳавоси мусаффо, қуёши сахий, одамлари моҳир соҳибқору миришқор эканлигини пештахталаридаги ноз-неъматлар, мол-буюмлар билан танитади.

Ўзбекистон бозоларида ноз –неъматлар турли-туман, бир- биридан ширин-асал, қанду- наввот, одамлари меҳнаткаш, уддабурон, дилкаш, ақл- фаросатли, сахий- барокатлидир.Дунёда машҳур бозорлардан Денов бозорининг таъриф тавсифи таъриф минг йиллардан ижод аҳлини лол қолдиради.Бухоро, Самарқанд, Чорсу, Андижон. Денов, Қўқон,Шахрисабз, Ургут,Урганч, Қўйлик каби бозорларида ош, кабоб, қовурилган балиқ, сомса, манти, лағмон, хил-хил пишган калла гўшти, хасип, думба ёғи, қазии-карта, нўхатшўрак, бодрок, холва, обакидандон каби неъматларни сотаётган эгалари таомлари қадимдан машҳур..

Маҳаллалар бозорларни саришталик, тартиб ва интизомни йўлга қўйиб , ноз-неъматлар ва мол-буюмлар турига қараб расталарга жойлаштириб ўзларни ор- номусини сақлашга ҳаракат қилганлар.Чунки бозордан файиз кетса маҳалладан ризқ насиба кетади деб урф- одатларга қаттиқ амал қилганлар. Масалан, Чорсу, Сиёб, Ургут, Денов бозорларида қадимий одатлардан бири

қовун, тарвуз, хандалак, бодринглари ортидан дехқонлар туни билан йўл босиб бозорга етиб келиб, араваларни қатор тизишар, отларини чиқариб арава шотисига боғлардилар-да, олдига беда солиб ўзлари чойхонада ёки арава тагига кириб ухлашар, сахар туриб харидорлар билан савдони бошлаб юборишар эди. Қовун-тарвуз доналаб, улгуржиги аравалаб сотиларди. **Дехқонлар четан** ичидагидан ташқари, арава олдига бир неча пачоқ, сал ёрилган, уринганроқ қовунларни қўйиб қўйишар, бунақа қовунларни “қўйма қовун” деб аташар, қўпинча уларни болаларга ёки бева бечораларга текинга, нари борса арзон нахрга беришган..

Маҳаллалардаги ишбилармоно даллоллар эрта тонгда Андижон, Қукон, Марғулон, Чрусун, Бухоро, Шахрисабз .Бойсун, Денов, Темиз, бозорларида “Бор барака!” деган қичқиритишлари, “Барака топинг!”, “Рози бўлинг!”, “Топганингиз яхшилиққа буюрсин!”, “Туйга яратинг”, деган ширин тилақлари бот-бот янграб одамларга жўшқин кайфият бағшлаган. Маҳалладаги тадбиркор одамлар келган меҳмон бозорчиларга мол турларини танлашга амалий ёрдам бериб, уларни бозор қилишга ёрдам беришиб, ўз хизмат ҳақларини ҳам ҳалолаб олганлар .Денов шаҳар бозори қўйидагича тартибда эди: атторлик, совунгарлик, чархчилик, пичоқчилик, темирчилик, мисгарлик, бешикчилик, дугчилик, тароқчилик, кулолчилик, чегачилик, заргарлик, саррофлик, саррожлик, саххоблик, баззозлик, чийфурушлик, тикувчилик, чопондўзлик, дўппидўзлик, махсидўзлик, этикдўзлик, кавушдўзлик, тунукачилик, такачилик, гилам, наMAT, бўйра, носвой, тамаки, гул, кўчат, қандолат, гуруч, буғдой, мош, майиз, хўл мева, сабзавот, қассоблик, аллоплик каби қаторма-қатор раста бозорлар тизилиб кетган эди. Кимга нима мол-ҳол керак бўлса, ўша нарса сотиладиган бозорга ўтиб осонгина харид қилиб кетаверар эди. Мол-буюмларнинг раста-бозорида сотилиши харидорларга ҳар жиҳатдан қулай бўлиш билан бирга, шу нарсаларнинг оз-қўплиги яққол кўриниб турар, харидор “унни кўриб, бирни танлаб олар” эди.

Маҳаллалар ўз бозорлари ва сотувчилари билан фахирланишган , маҳалла аҳли бозор ичи ва ён-теварагида ҳар хил катта-кичик дўконлар, устахоналар, сартарошхоналар, чойхоналар қуришган, шунингдек қурашчилар, дорбозлар,

кўғирчоқбозлар томоша кўрсатадиган майдонлар қуришган.

Бозор — табаррук жой маҳалланинг ризку-рўзи бозорда бўлади. Заҳматкаш халқ топган-тутганини, йиғган-тўплаганини, ақл-заковати ва қўл кучи қудрати билан она ердан етиштирган ноз-неъмат бойлигини олди-сотди тарзида алмашадиган, турмуши, яшаши учун зарурий нарсаларни харид қиладиган манзилгоҳ бозор ҳисобланади. Дехкону-соҳибкор, ғаллақору-чорвадор, ҳунарманду-савдогар — ҳамма ўз мол-мулкани, анжом-буюмини, хуллас ҳар ким топганини бозорга олиб келади. Бозор — бутун бир эл-юртнинг бойлиги ва тадбиркор кишиларнинг уддабуронлигини намойиш этадиган, файзу тароватини кўзгудек кўрсатадиган, миллатнинг обрў-шуҳратини белгилаб берадиган мўътабар манзилгоҳ ҳисобланади.

Ўзбек бозорида ҳунарманд-усталар қўли билан тайёрланган юзлаб уй рўзгор буюмларини айтмайсизми! Бешик, беланчак, сумак дейсизми, хонтахта, қийма тахта, ошпичоқ дейсизми, сандиқ, кути, қутичалар дейсизми ҳаммаси миллий нақшда, ажойиб ранг-буйлар жилоси билан безатилган ҳолда тайёрланишига тасанно айтасиз!

Минглаб асрлар илгари савдо-тижорат билан шуғулланиб келган халқлар савдогарлик касб-ҳунари савобли ва қутлуғ юмуш эканини ақл-заковат билан чуқур ҳис этганлар. Биз юқорида қайд этганимиздек, узоқ мамлакатлардан товар келтириб, ўзга ўлкаларга юк олиб бориб сотиб, тижоратнинг азобини тортиш па ундан фойда қуриб бойиш савоб ва саҳоватдир.

Ўзбекнинг савдогари фақат ўзи бойишини ўйлаб мол-буюмларни омборларга яшириб қўйиб, танқислаштириб, сўнг нархини кўтариб халқни қақшатиб бойиган эмас, халқда бунақа хиёнат қилган эмас. Аксинча, гортлардан юртларга шаҳарлардан шаҳарларга зарурий мол-буюмларни йўл азобини тортиб келтириб, халқнинг эҳтиёж-талабини қондирган, савоб-дуо олишган, шунинг учун ҳам уларнинг савдо-сотик ишлари баракали ва файзли бўлган, ўзлари ҳам иззат-ҳурмат кўрганлар. Савдогарлар турли-туман юкларни катта туя карвонларида олиб келганларида уларни мамлакат подшолари, шаҳар ҳокимлари, уламо-ю фузалолар, бутун халқ, тантана-қувонч билан кутиб

олганлар.

Ўзбек халқи тарихида савдогарлар ва жаҳонгашта (сайёҳ)лар кўп ўтганки, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва кашфиётларида халқмизнинг ажойиб фазилат ҳислатлари, урф-одатлари ва миллий анъаналаримиз мужассам топган. Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини ўтмиш тарихимизсиз тасаввур этиш қийин, шу нуқтаи- назардан қадим Туронда, Туркистонда халқ бахти-саодати учун савдо қарвонларида узоқ-яқин мамлакатларга борган ва савдогарчилик тарихимизда из қолдирган жаҳонгашта савдогар боболаримизнинг савдодаги ҳалол ва сермашаққат меҳнатлари ўрганилса, айтиш муддао бўлур эди.

Маҳалла таянчи пойдевори оила ҳисобланган. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос “табиий-биологик” (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкӣ муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси ва бошқалар) муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир.

Оилага нисбатан ижтимоий бирлик деганда, икки жинсдаги ёшнинг бир жамоа – оила бўлиб қўшилишини, тинч-тотув турмуш кечиришини англаш лозим. Дарҳақиқат, бу ижтимоий бирлик йигит ва қизнинг ўзаро ихтиёрий хоҳиши, меҳр-муҳаббати асосида барпо этилади ва у кўп қиррали, мураккаб ҳаётга киради. Чиндан ҳам ҳаёт ва турмуш кўп қиррали ва мураккабдир. Чунки оиланинг ўзига хос хусусиятлари, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бурч, талаб ва вазифалари мавжуд. Чунончи: эрнинг бурч ва вазифалари, хотиннинг бурч ва вазифалари, фарзандларнинг бурч ва вазифалари, шуларга оғишмай амал қилинсагина, оила мустаҳкам ва ишончли бўлади, эрдан уй-рўзғорни моддий таъминлаш, маънавий-руҳий қўллаш, хотинига, фарзандларига ҳурмат-эътибор, уларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳар

томонлама ғамхўрлик, вафодорлик ва шу кабилар талаб қилинади.

Аёл зиммасига вафодорлик, ширин тавозъе, мулойимлик, уй-рўзғорни саришта-саранжом тутиш, озодалиқ, пазандалиқ, чеварлик, фарзандни тарбиялаш, шинринсўзлик сингари талаб ва вазифалар тушади. Шунингдек Фотима -ул Банот таъбири билан айтганда, эрга ёкмайдиган сўзни айтмаслик, унга маъқул тушмайдиган ишни қилмаслик, эрга чиройли ва гўзал бўлиб кўриниш, хуллас эрга хуш келадиган нарсаларни бекаму кўст, дарҳол бажариш лозим. Ана шундагина оила мустаҳкам бўлади, эр хотин ўртасида меҳр-оқибат орта боради. Оила бир гулшанки, унда муҳаббат чечаги қийғос очилур. Оила бир боғдирки, унда орзу-умид дарахтлари мева тугади. Оила бир қасрки, бахт нақшлари ранго-рангдир. Оила бир уммонки, ҳис-туйғулар тулқинлари кўзни қувонтиради.

Бу барча миллат оилаларига хос фазилатдир. Бироқ оила мазмун ва моҳиятига кўра ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун ўзига хос характерли хусусиятларга эгадир. Шарқда оила тушунчаси оила қуриш ва унинг мустаҳкамлигини, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, авлод-аждодлари, жамияти олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади. Айиқса, ўзбек халқи учун оила энг муқаддас даргоҳдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”¹.

Ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган оила ўз бурчларини ҳам унутмаслиги лозим. Шулардан энг асосийси оилани ибратли қилиб кўрсатувчи фазилатлардан бири – фарзандларни оила қуришга тайёрлашдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш – оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам “Кадрлар

тайёрлаш бўйича миллий дастур”да худди мана шу масалага алоҳида урғу берилган. Яъни: “оила оилавий анъаналарни ҳамда маънавий ахлоқий меросни сақлаб қолувчи, давом эттирувчидир. Демак, оила пойдеворининг мустаҳкамлиги жамият пойдевори ва биносини пухта қилиб қуришни таъмииладнинг асосий шартидир, унинг моддий ва маъ-навий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлигининг иегизидир. Зеро, “оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир”¹.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг оила фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўзида мужассам этган қуйидаги йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг қисқа даври ичида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий – маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, ночор оилаларни ногиронларни, қаровчисиз кексалар, ёлғизлари ижтимоий қўллаб қувватлаш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади.

Ҳар бир оила узоқ тарихга ва чуқур илдизга эга бўлган тарихий ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамияти тараққиётида ўзига хос бетакрор хусусиятлари билан унинг ривожланишида муҳим рол ўйнаб келмоқда. Манбаларнинг кўрсатиши ва тадқиқотчиларнинг фикрича, кишилик жамияти пайдо бўлишининг дастлабки даврларида гуруҳий никоҳ, яъни полигамия (кўп киши) асосида эркак ва аёл тартибсиз жинсий муносабатда бўлган ҳолда турмуш кечиришган. Кейинчалик эса эркак ва аёлнинг турмуш тарзи матриархат сўнг патриархат ҳукмронлик асосига қурилган. Ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши, жамиятнинг ўзгариши шу ўзгаришларнинг

инсонлар онгига таъсири, шу аснода улар фикрлашининг ўса бориши билан ва оилавий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган.

Оила жамият табиат қонун-қоидалари асосида барпо этилса ва яшасада оиладаги эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-қайнота, қайин ука ва сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оила анъаналари ва қадриятлари борасида мустақил макон бўлиб қолаверади. Лекин у ёки бу тузум, давлат ёки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-ахлоқий борадаги устувор ғоялари бу муносабатларга билвосита ёки бевосита ижобий ёки салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Оиланинг ўзига хос қатор вазифалари мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири – репродуктивликдир, яъни фарзанд кўриш, авлодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий-тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Оиладаги репродуктив фаолият эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қон-қариндошлар ичида меҳр-муҳаббат ришталари қаттиқроқ боғланади. Халқимиз “Болалик уй бозор, боласиз уй мозор” деганларидек, болалик уйда шоду-хуррамлик, тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Бундай оиланинг ҳар бир куни мазмунли, режали ва аниқ мақсадли ўтади. Фарзандсиз оила аксарият ҳолларда нотинч, омонат бўлади.

Фарзандсиз эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар гуёки сохта оилага атроф-муҳитга, турмушга муносабатлари юзаки, келажакка интилишлари мақсадсиз бўлиб, улар ота-оналик меҳр-муруввати ҳиссиётидан бебаҳра қоладилар. Бундай оилаларнинг тақдири эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг бекор қилиш билан ўз тақдирини яна бошқа билан қонуний никоҳ асоасида синаб кўриш билан боғлиқдир. Эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оила нуклеар(насили) оила деб аталади. Ўзбек оилалари кўп бўғинли бўлиб, аксарият ҳолларда қайнона-қайнота, ўғил ва келин, қайин ака ва қайин сингил, опа, неваралар биргаликда яшашади. Бундай оилалар шу оиланинг ўзи учун хос бўлган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамлиги ва шу каби ахлоқий қадриятларнинг кейинги авлодларга етказилишида муҳим

рол ўйнайди. Шунингдек, оиладаги катта кишиларнинг ёшларга оила сабоқларини, рўзғоршунослик бўйича тажрибаларини, бола тарбиялашдаги ютуқларини келин, ўғил ва қизларига, ўргатишлари шу оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қайнота-қайнона билан бир оилада яшайдиган келин учун бахт ва саодат эшиги очикдир. Чунки, бошқа оила шароитида ўсиб тарбияланган қиз бола бегона оилага келин бўлиб тушади, ҳар бир оиланинг ўз ички тартиб қондаси бўлиб, унга амал қилган, иззат-икромини жойига қўйган келингина шу оила аъзолари, шу авлод ўртасида ҳурмат топади, туб қўйиб, палак ёзади. Бу ўринда қайнона-қайнота ўғити, тажрибаси, таълим-тарбияси, намунаси келин учун маёқ ҳисобланади. Халқимиз ўртасида “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қайнонаси келин масхара келин”, “Қари билганни пари билмас” каби мақоллар бежиз пайдо бўлмаган.

Оиланинг вазифаларидан яна бири иқтисодий-молиявий хўжалигининг фаолиятини тўғри юритиш ҳисобланади. Катта жамиятнинг ўз иқтисодий, ижтимоий, молиявий масалалари бўлганидек, оиланинг ҳам ўзига яраша иқтисоди, бюджети, кирим-чиқими, даромадлари каби ўзига хос молиявий жиҳатлари мавжуд. Оила аъзоларининг оила даромадларини режали сарфлаши, кундалик турмуш учун зарур бўлган рўзғор асбоб-анжомларини, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини меъёр билан харид қилиши, тежамкорлиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги – шу оиланинг ҳар томонлама гуллаб яшнаши учун заминдир оилани иқтисодий режалаштириш, ундан оқилона фойдаланиш оила бошлиқларидан жуда катта бошқарув, тадбиркорлик ва раҳбарлик маҳоратини талаб этади. Албатта, бу ўринда оила бошлиқларининг ҳаётий тажрибаси, назарий ва амалий билими, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги оиладаги бошқаларга намуна бўлмоғи зарур. Чунки ҳар бир оила ўз молиявий мавқеи жиҳатидан алоҳида дахлсиз салтанатдир. Бу салтанатнинг молия вазири ота ўринбосари эса онадир.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири тарбия ҳисобланади. Оила - тарбия маскани. Айнан шу мақсадда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат

ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги ҳатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола худди, ҳатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради. “Қуш уясида” кўрганини қилади” деган сўзлар оила тарбиясининг негизини ташкил этади.

Боланинг ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний, маънавий, гигиеник, жинсий тарбиясида оила асосий омил ва восита ҳисобланади. Бу ўринда ота-она – санъаткор, бола – санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Санъат асарининг муваффақияти, жозибадорлиги, умрбоқийлиги санъаткорнинг маҳорати, савиясига боғлиқдир. Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила, аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, (бу ўринда ўша воситалар орқали эълон қилинган материалларни муҳокама қилиш назарда тутиляпти), теварак-атрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади. Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири катта бўлмоқда. Ёшларнинг кўрган эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришларида ва тегишли хулосалар чиқаришларида оила ҳам воситачилик вазифасини бажариши лозим. Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Ўзбек оиласига хос бўлган яна бошқа характерли хусусиятлар мавжудки, улар узок йиллар давомида шаклланиб, қадрият даражасига, кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз ҳурматини сақлаб қолмоқда. Оила оиланинг кўп бўғинлилиги (оилада, бобо, ўғил-келин, нева-чеваралар бирга яшайди),

болажонлилик, серфарзандлилик, меҳнат, тақсимотининг қатъийлиги, оила бюджетининг ота-она томонидан, бошқарилиши оиланинг кичик аъзоларининг катталарга иззат-икром, бўйсунлиши, оилада эркекнинг муҳим роль ўйнаши, ота-онага нисбатан муносабатнинг алоҳида аҳамият касб этиши, аёлларга нисбатан ҳурмат, уларни авайлаб-асраш ҳиссининг кучлилиги, оила ғурури, шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир оила аъзоси учун бурчга айланиб қолганлиги, туғилиб ўсган жойга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат туйғусининг зўрлиги, ўтроқлашишнинг анъанавийлиги ва бошқалардан иборат.

Оилада ҳар бир ота-онанинг вазифасига оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, оилада билим, ақл-заковатли, уддабуррон, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш, оила анъаналари, касб қори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, бўш вақтни унумли ўтказишга эришиш, ҳамда гиёҳвандлик, маиший нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом зътиқод, ақидапарастлик, хоинлик каби баъзи бир иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар киради.

Оилада ким нима билан банд ва қандай ишлар билан шуғулланиши бир бирига аён бўлади. Дейлик, ўғиллардан бири уйга ўз вақтида келмайдиган одат чиқара бошлади. Буни, албатта, дастлаб, ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик эса она сезиб қолади. Ота билмаслиги мумкин. Она, ака ёки опалар ўша нохуш воқеа ва ҳодисанинг, ўғил ёки қизнинг ноҳўя ҳатти-ҳаракат қилиши ёхуд нотўғри йўлга киришининг олдини олишлари зарур. Бу ишни у сабабсиз кеч келган биринчи кунданоқ бошлаш керак. Агар онанинг кучи етмаса, бунинг уддасидан чиқа олмаса тезлик билан дарҳол отасини ёрдамга чақиришга тўғри келади. Бу вазифани асло кечиктириш мумкин эмас. Агар кечикилса, оқибати жуда оғир бўлиши мумкин. Бу билан оилада бола тарбиясида жуда эҳтиёт бўлиш, пинҳоний назоратни йўлга тўйиш лозим деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Зотан, маҳаллада бир оила нотинч бўлса, унда уруш-жанжал кўпайса, бутун маҳалла безовта бўлиши мумкин. Маҳаллада бир оила маиший бузук, бўлса,

демак маҳалла обрўсига путур этади. Шунинг учун бир оиладаги нохушликни ота-она эплай олмаса, шу оилага маҳалла ёрдам қўлини чўзиши мақсадга мувофиқдир. Демак, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир. Дарҳақиқат, доноларимиз таъбири билан айтганда, “Оила – жамиятнинг дуру- гавҳаридир”. Ушбу дуру- гавҳарнинг мусаффолиги, атроф-муҳитга эстетик таъсирчанлиги, одамлар муҳаббатига доимий сазоворлигини таъминлаш оиланинг ҳар бир аъзосидан жуда катта масъулият талаб этади. Оила деб аталмиш муқаддас салтанатнинг топталиши, бузилишига йўл қўйишга, унинг шаънини булғашга ҳеч кимга ҳақ- ҳуқуқ берилмаган. Чунки оила – давлат таянчи, бахт ва саодат бешигидир.

ИБРАТЛИ ОИЛА — МАҲАЛЛА НУФУЗИНИНГ АСОСИДИР

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий, қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас макондир. Ушбу мўъжаз макон жамият деб аталмиш буюк бир маконнинг пойдеворини ташкил этади. Жамиятнинг, давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши айнан шу пойдевор мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар мазмунида оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг масъулияти босқичма-босқич оширилмоқда.

Дарҳақиқат, оилага бўлган бугунги муносабатни баҳоламоқ учун юртбошимиз айтганидек бизга собиқ иттифокдан эски мустабит тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур. Барчага аён, эски мустабит тузум, ҳатто оиладай муқаддас даргоҳга ҳам ўзининг захарланган мафкураси билан таъсир этишга улгурди. Унинг “буюк”

кашфиётларидан бири асрлар давомида мутафаккир алломаларимиз томонидан ҳаётда исботланган, шахснинг ҳар томонлама шаклланишида ирсиятнинг роли ҳақидаги ғояларини қатъий инкор этди.

Шунингдек, асрлар давомида шаклланган оилага садоқат, бурч, эътиқод, миллий ўзликни англаш, миллий, ғурур каби ахлоқий-маънавий асослари аста секин сиқиб чиқарилиб социалистик ва коммунистик ғоя билан мажбуран суғорилган шаклан миллий ва мазмунан социалистик, оилалар вужудга келди. Авлод аجدодларининг тарихи, шажараси, касб- кори, оила анъаналари, маданияти, тили ҳатто динини унутган, бола тарбиясида миллий тарбия мазмуни, шакл ва методларини тан олмайдиган тарихий хотирасини унутган| ота-оналар ва фарзандлар ҳам пайдо бўлди.

Ўзбек оилалари мазмунига зид бўлган “кексалар уйи”, “етимхона”лар, баъзи зарарли одатлар (ичиш, чекиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, аёллар ва болалар жиноятчилиги ва ҳ.к.) кириб кела бошлади, оилаларнинг “миллий ва диний туйғулари” камситилди, топталди. Халқимиз оилавий тантана қиладиган “Наврўз”, “Меҳржон”, “Рамазон”, “Қурбон” ҳайити каби тарихий миллий байрамлардан маҳрум бўлди. Ҳаттоки, ота ёки онанинг охирги йўлга кузатиш маросимида иштирок этиш, оламдан ўтганларни хотирлаш, қадрлаш мақсадида тиловат этиш, дўппи, тўн каби миллий либосларни кийиш ҳам кескин таъқиқланди.

Лекин коммунистик мафкура қанчалик беаёв бўлмасин узоқ тарихи ва мустаҳкам пойдеворига эга бўлган, ўзбек оиласи, унинг ўзига хос миллий хусусиятларини бутунлай йўқ қилиш инсоният хотирасидан ўчириб ташлаш учун куч топа олмади.

Жаҳон маданияти хазинасига Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий каби юзлаб алломаи замонлар, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шермуҳаммадбек, Мадаминбек каби ватанпарвар қаҳрамонлар, бир қўлида бешик, бир қўлида маънавият бешигини

тебратган Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Увайсий, Нодирабегим каби Олима - фозила момоларимиз, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Носир, Элбек каби миллат озодлиги курашчиларини дунёга келтирган. Ўзбек оиласи ҳеч қачон ўзлигини йўқотмайди, йўқотиши мумкин ҳам эмас. Чунки илдизи бақувват, пойдевори мустаҳкам ўз оиласи, авлод-аждодлари шаънини пок сақловчи, уларга садоқатли оилани ҳеч қандай ёвуз куч, “захарли мафкура” тамомила йўқ қилиш қудратига эга эмас.

Тарихан қисқа 20 йил ичида ўзбек оиласи ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди? Уни сарҳисоб қиладиган бўлсак, аввало мустақиллик шарофати туфайли оила ва унинг манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги оламшумул воқеа бўлди. Оилани ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Оила тарбияси мазмуни коммунистик ғоялардан тозаланиб, у миллий тарбия мезонлари асосида амалга оширила бошланди.

Иккинчидан, адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шаҳдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Олий Мажлиснинг XI сессиясида янги мазмундаги “Оила Кодекси” қабул қилинди. Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланган инсон ҳуқуқлари шу жумладан, оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этувчи махсус тизим яратилди. Ушбу ҳуқуқий тизимга Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Омбудсман институти, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, юридик институт ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот Маркази кабилар киради.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз оилалари, хотин-қизлари ва болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таълим-тарбиявий ишларга масъул ота

она ва оиладаги катта ёшдаги оила аъзолари ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳудудий маданиятнинг шаклланиши ота-онанинг фарзанд, фарзанднинг ота-она, миллати ҳамда Ватани олдидаги бурчи ҳуқуқларини билиш ва унга оғишмай амал қилишдан бошланади.

Шуни эътироф этмоқ лозимки, бугунги кунда фуқароларнинг ҳудудий маданиятлилиқ даражаси давр талаби даражасида эмас. Баъзан, ёшларимизнинг никоҳдан ўтмасдан оила қуришлари, мерос тақсимоотида ака-ука, опа-сингиллар ўртасида пайдо бўладиган нохушлиқлар, эр- хотин никоҳини бекор қилиш жараёнидаги норозиликлар, овсинлар, қайнона-келин ўртасидаги уй-жой тақсимоотидаги жанжаллар ва ҳуқуқий саводсизликдан далолатдир. Оилада бўладиган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий йўллари, аввало ота-оналарнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, бунинг учун корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва турар жойларда мунтазам фаолият кўрсатадиган “Ҳуқуқий билимлар” ўқув курслари, жамоатчи ҳуқуқшунослар маслаҳатхоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳуқуқий маданияти юксак ота-онагина ҳуқуқий саводхон фарзанд тарбиялаши мумкин.

Ота-оналар учун методик ёрдам берувчи оила, оналик ва болаликни ҳуқуқий мудофазаси бўйича махсус рисоалар, варақалар, расмли китобчалар, серияли ҳужжатли фильмлар, кинофильмлар яратишга ҳуқуқшунос олимлар эътиборини қаратиш зарур. Мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, олий ва Ўрта махсус таълим мазмунига ёшларини оилавий ҳаётга тайёрловчи махсус ўқув курслари ва ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган назарий ва амалий ҳуқуқий билим берувчи қизиқарли методик қўлланмаларни уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратишга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Шунингдек, барча босқичлардаги ФХДЁлар қошида никоҳга кираётган ёшлар учун “Оила дорилфунуни” махсус курсини жорий этиш уларни оилага тайёрлашда муҳим роль ўйнаши табиийдир. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида “Оила маънавияти” махсус ўқув курси, барча мутахассисликлар бўйича бўлажак илмий-педагогик кадрлар учун “Оила

мафкураси” ўқув курслари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишларнинг барчаси оила масалалари бўйича етук мутахассислар зиммасига юкланади. Афсуски, республикамизда оила масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларимиз саноклидир. Бундай олимлар мактабини яратиш ҳам бугунги кунда мутасадди муассасалар зиммасидаги долзарб вазифадир. Оилада оиланинг ҳар бир аъзосини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир шахсда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун оила, маҳалла, мактаб ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги механизмини: яратиш ва уни амалиётга тадбиқ этилишини қатъий таъминлаш ҳуқуқий демократик жамиятнинг ҳуқуқий мадаийятли фуқароларини тарбиялашнинг муҳим омилдир.

Амалга оширилаётган бундай таълим-тарбиявий ишлар замирида ҳар бир фуқарони Ўзбекистан Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Давлат дастурлари, Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини билиш ва уларга ҳаётда амал қилишга ўргатиш, мамлакатимиз ва дунё мамлакатлари сиёсий ҳаётдан воқиф этиш, яшашга ўргатиш назарда тутилади.

Оиланинг ҳар томонлама мустаҳкамлиги аёлга боғлиқ бўлса, унинг келажаги учун ёшлар масъулдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ХХІ асрда аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун оилада, жамиятда моддий ва маънавий шарт шароитлар яратиш, аёллар тадбиркордигини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини енгиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, илмий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, жамиятда амалга оширилаётган барча ислохотларда уларнинг имкониятлари, қобилиятлари ва салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш масаласига жамиятнинг диққат-эътиборини қаратмоқда. Ушбу беназир ғамхўрликларга жавобан аёллардан жамият тараққиёти йўлида фидойилик, маънавий ва жисмоний баркамоллик, оиласига, садоқат, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ҳар томонлама намуна бўлиш талаб этилади. Чунки саводхон,

фидокор аёлгина юқори савияли саводхон, миллат, Ватан тақдири учун фидойи фарзандларни тарбиялаб етиштиради.

Бунинг учун “Бўлажак оналар” шиори остида ёшларимизни ҳаётга тайёрлашнинг комплекс дастурини яратмоқ ва шу асосда ХХІ аср Ўзбек аёли тимсолини шакллантирмоқ зарур. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ичида иззат-хурматга эга бўлиши, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ийдевордир.

Ёшларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш эса давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Оилада эса тарбиянинг пойдевори қўйилади. Тарбия мураккаб ва узок давом этадиган ўзига хос жараён бўлиб, у фарзанд туғилмасдан анча олдин бошланади. Яъни бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насл-иасаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги келажак фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Оила тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, оила анъаналари, қадриятлари, ота-она ва кекса авлоднинг меҳнат ва қаҳрамонлик намуналаридан самарали фойдаланган ҳолда тарбияни ташкил этиш комил инсонни шакллантиришда муҳим омилдир.

Бугунги давр ёшлари учун оиласи, миллати, халқи, Ватани тақдири, бугуни ва эртаси учун фидойилик кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланади. Янги аср ёшлари билан энг аввало тарбия объекти эмас, балки субъекта сифатида муносабатда бўлмоқ биз катталарнинг жамият олдидаги бурчимиздир. Улар билан тенгдош, ҳамфикр, яқин дамдард сифатида мулоқотда бўлиш, уларнинг ўй ва фикрларини, оилада ва атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга шахсий қарашларини эшитиш, инобатга олиш, жамиятимиз учун эркин фикрли авлодларни тарбиялаб етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

Оилада ёшларнинг буш вақтларини унумли ташкил этиш, уларни ақлий ва жисмоний меҳнат орқали тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги воситасида миллий онг ва ғурурини шакллантириш, ўзлигини англаттириш оила, миллат, Ватан олдидаги бурч ва вазифаларига масъулиятини

ошириш, уларнинг дунёқараши, турмуш тарзи, ўй ва фикрларидан огоҳ бўлиш ҳар бир ота-онанинг, мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланиб қолиши керак.

Оилада ҳукм сурадиган соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзи ёшлар ўртасида пайдо бўладиган кашандалик, гиёҳвандлик жиноятчилик, турли жиноий гуруҳлар ва диний экстримистларнинг таъсирига тушиб қолишдан сақлайди. Шунинг учун оиладаги соғлом муҳитни мўътадил сақлаш масаласи, аввало ота-онадан сўнг оиланинг ҳар бир аъзосидан ўта сергаклик, огоҳ бўлишни талаб этади, ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлиши, уларнинг хатти-ҳаракатлари назоратсиз қолиши, умрларини мақсадсиз бефойда ўтказишларига йўл қўймаслик ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Бу ўринда ёшлар тарбиясида “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир тоға етти ота ўрнида”, “Маҳалланг – ота-онанг” каби мақолларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мақсад янги аср ёшлари ақлий ва ахлоқий етук, фидокор, миллий ғурурли, эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, ватанпарвар, эркин фикрли, онг ва тафаккури мустақил, дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий баркамол, миллий тарбия асосларини ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворида мужассам этган, сўзи билан иши бир, маънавий ва жисмоний комил инсонлар бўлмоғи зарур. Инсон маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади. Шу боисдан ҳар бир фуқаронинг ўз оиласи маънавияти, анъаналари, урф-одатлари, қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, ўз миллати, халқи маданий мероси ва маънавий қадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасига, турмуш тарзига соғлом фикр билан қараши, уларнинг ривожига ўз бурч ва вазифаларини аниқ англаб етиши – маънавий юксак жамият барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Айнан қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги сила аъзолари намунасида ёш авлод онгига сингдирилмоғига эришиш зарур. Оилада амалга ошириладиган тарбия мазмуни фарзандда ўз ота-онасидан, оиласи, авлод-аждодлари тарихидан, ўзи туғилиб ўсган ўлкаси, Ватани,

миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиш ҳодисасини шакллантирмоғи керак давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ота-она ва тарбиячи мураббийлар олдида қўяётган талаби ҳам айнан шундан иборатдир.

Бола онги ёшликдан бошлаб, “Сен тарихи бой, улуғ миллатнинг фарзандисан”, “Сен улуғ мутафаккирлар, алломаи замонларни дунёга келтириб, тарбиялаган бобокалонларнинг авлодисан”, “Ўзбек халқи бой маънавиятли, ватанга, халққа садоқатли халқ”, “Бизнинг мамлакат дунёда табиати энг гўзал, бой диёр”, “Ўзбек халқи маънавияти бой халқ”, “Ўзбек халқи бағри кенг, инсонпарвар, меҳмондўст халқ” каби тушунчалар билан шакллантирилса, унинг онгида миллий ғурур ўзликни англаш пайдо бўла боради. Шундагина у ўз авлод-аждодлари анъаналарини келгусида давомчиси эканлигини, халқи, миллати, Ватани тақдири учун масъул эканлигини онгли равишда тушуниб етади. Мамлакат, оила, туғилиб ўсган ҳудуд равнақи, амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти ҳар бир шахснинг маънавий маданиятлилиқ даражасига, унинг фидокорлигига, ҳалол меҳнатига боғлиқ эканлигини қалбан англайди.

Республикамизда амалга оширилаётган маданий-маърифий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини теран англамаслик, лоқайдлик, маҳаллийчилик, маънавий ва моддий қадриятларга бепарволик оила маънавиятига салбий таъсир этишини оиланинг ҳар бир аъзоси чуқур тушуниб етмоғига эришиш зарур. Муҳими оилада маънавий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик лозим. Юртбошимиз таъбири билан айтганда моддий етишмовчиликни меҳнат, сабр-тоқат, бардош билан енгса бўлади, лекин маънавий инқирозни, маънавий қашшоқликни фақат маърифат билан ақлий камолот, соғлом фикр билан енгил мумкин. Бу ўринда оилада амалга ошириладиган барча таълим-тарбиявий ишларнинг мақсадли, режади бўлишига алоҳида аҳамият бермоқ кўзлаган мақсадга эришиш гаровидир.

Оилавий байрамларни нишонлаш, ёшлар тарбиясида алла, эртак, халқ мақол ва маталларидан, қўшиқларидан самарали фойдаланиш биргаликда ҳордиқ чиқаришни, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалар, тарихий обидалар

ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, бошқа халқлар, миллатлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, билан кутубхоналари ва китобхонлигини ташкил этиш, оилада мулоқот, кийиниш маданиятига эътибор бериш, ёшларни меҳнат маданиятига ўргатиш орқали оила маънавиятини шакллантиришга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Истиқлол ғоялари билан суғорилган кўргазмали тарғибот ишларини шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранглигини таъминлаш, оилавий халқ бахшилари, сулолалари чиқишларини ташкил этиш, туғилиб ўсган ҳудудда яшаб ижод этган адабиёт, санъат, маданият намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида оммабоп рисоалар, ҳужжатли фильмлар яратиш, ижодий кечалар ташкил этиш орқали халқ маънавий меросини ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш маънавий баркамол фуқароларни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. Оилада нишонланадиган тўй-маъракалар, мотам ва марҳумларни хотирлаш, кадрлаш маросимларини тартибли, ортиқча дабдабаларсиз, сарф харажатларсиз, ихчам кўшмча расм-русум, урф-одатларсиз ўтказиш биринчидан, оила маънавиятига, иккинчидан, унинг иқтисодига ижобий таъсир этишини оиланинг ҳар бир аъзоси англаб етиши самарали натижалар гаровидир.

Оилада кичик оилавий бизнесни, оила тадбиркорлигини йўлга қўйиш, оилавий кичик корхоналар, оила пудратини ташкил этиш, деҳқон, фермерлик фаолиятини, шахсий хўжалик фаолиятини ривожлантириш, “Уста-шогирд” анъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш орқали оила иқтисодининг барқарорлигини таъминлаш бугунги бозор иқтисодиёти талабидир.

СОҒЛОМ жамият СОҒЛОМ оила негизида қарор топади. Республика соғлиқни сақлаш соҳасида кўп тизимлиликнинг қонуний жорий этилганлиги, унда бепул хизматнинг сақлаб қолингани, ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга

мухтож шахсларнинг куч-қувқатини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш, фуқароларга санитария ва гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш, тиббиётда хусусий фаолиятга кенг ўрин берилганлиги оила аъзоларининг саломатлигини, сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Тан ва жон сихатлиги ҳар кимнинг ўз ҳудудида оилада ҳар бир кишининг соғлом бўлишини таъминлаш учун турли касалликни олдини оловчи муолажа ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки давлатимизнинг соғлом авлодни шакллантиришдаги сиёсати негизини даволовчи тиббиёт эмас, балки касалликнинг олдини оловчи тиббиётни кучайтириш масаласи эгаллайди.

Оиладаги экологик ҳолат, атроф-муҳитдаги санитария-эпидемиология ҳолатларини талаб даражасида ташкил этиш, шахсий гигиена ва овқатланиш қоидаларига риоя этиш малака ва кўникмаларини шакллантириш, саломатликни сақлашда халқ таъбиатидан кенг фойдаланиш, оилада жисмоний тарбияни кенг йўлга қўйиш турли касалликнинг олдини оловчи муҳим муолажа ҳисобланади. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз саломатлигига, ўзи масъул эканлигини онгли равишда англаб етиши, ўз ўзини даволовчиси бўлмоғига эришиш янги аср тиббиётининг асл мақсадидир. Шунинг учун оилада ҳар бир оила аъзосининг тиббий саводхонлигини тарбиялаш бўйича амалга ошириладиган ишлар ота-она ва тиббиёт ходимларидан катта масъулият талаб этади. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотларнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат таъминли муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Аҳолининг кўмакка мухтож қатламлари ижтимоий муҳофаза этишнинг янги тизими, яъни ижтимоий муҳофаза фақат оила орқали амалга ошириладиган бўлди. Бундай ҳимоядан кўп болалик, кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар баҳраманд бўладилар.

Бу масалада адолат мезонини ўрнатиш ҳақиқатан мухтож бўлган фуқаролар ва оилаларга моддий кўмакнинг берилишини таъминлаш ва назорат қилиш маҳалла, хотин-кизлар, ёшлар билан ишлайдиган мутасаддилардан жуда катта масъулият талаб қилади. Қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш

билишчилик, порахўрлик каби иллатларга йўл қўймаслик ижтимоий ҳимоянинг адолат мезонидир. Ушбу мезонни мўътадил саклашда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси умумхалқ ишига айланиши, ўзига тўқ шахслар, ишбилармон тадбиркорлар, ташкилот ва корхоналар бу ишда фаол иштирок этишлари зарур. У байрам, тўй-маракалар, муҳим оилавий тадбирларда амалга ошириладиган вақтинчалик инсонпарварлик ёрдамига айланиб қолмаслиги зарур. Балки инсонпарварлик хусусияти ҳар бир шахсда шарқона ахлоқий кадриятлар асосида кундалик турмуш тарзининг олий мезонига айланиб қолиши инсонпарвар адолатли жамиятнинг муҳим мезонларидан биридир. Бу ўринда ҳар бир шахснинг ўз-ўзини назорат қилишга ўрганиши, виждон амрига қулоқ солиши, маҳаллийчилик, миллатчилик, бепарволик, қариндош уруғчилик каби иллатларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш айнан оила шароитида тарбияланиши зарур. Шундай қилиб, XXI аср ўзбек оиласи ўзининг баркамоллиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги билан бутун дунёга намуна мактаби бўлиши учун мустаҳкам пойдеворга эга. Пойдевори мустаҳкам бино эса асрлар оша ҳаёт туфонларига бардош бериб, абадий қадди букилмайди. Ўзбек оиласи ҳам худди шундай пойдевори мустаҳкам, қадди тик қалъа ҳисобланади. Бу қалъанинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлари давлат, жамият диқат-эътиборида экан, унга ҳеч қандай ёвуз куч, ғоя, қийинчилик таъсир этмайди, аксинча у барқарорлашади, мустаҳкам ва фаровон бўла боради.

Оила деб аталмиш муқаддас Ватанда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бир-бирлари билан ахлоқий, ҳуқуқий, руҳий, иқтисодий алоқалар туфайли муомала-мулоқотга киришишади. У яшаш учун меҳнат қилади, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида саъй-ҳаракатини амалга оширади.

Инсон пайдо, бўлибдики, у ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маърифий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ ҳуқуқий бўлсин, хоҳ ахлоқий бўлсин хоҳ жисмоний бўлсин одам шу каби эҳтиёжларини қондириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Инсон қабихлиги ёхуд бузуқлиги ҳам яхшилиги ва эзгулиги ҳам шундан келиб чиқади. Инсоният тарихидан маълумки, инсон моддий эҳтиёжни олдинга қўяди. Бугунги кунда бу хусусда халқнинг “Аввал иқтисод, кейин сиёсат” деган нақли шиор даражасига кўтарилди.

Ҳаёт ва турмушда “Кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Пул мол оила эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсалар, бу оила иқтисоди. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан яратилган нарсалардан иборатдир”. Бу ўринда тарбияшунос олим мол-дунёни ҳалол меҳнат эвазига тўплаш зарурлиги ва оилада болаларни шу руҳда тарбиялаш ғоясини илгари сурган. Зотан, пул, молу- дунё оила иқтисодининг негизини ташкил этади. Иқтисод атамаси “уй хўжалиги” маъносини англатади. Демак, оила иқтисоди уй-рўзғор юритиш ҳақидаги билим, малака ва кўникмалар йиғиндисидан иборатдир. Абдулла Авланий таърифига кўра “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтиладур”, “Молю давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иқтисодчи инсон бойдир”. Оила иқтисодини шакллантиришда, уни бошқариш ва назорат қилишда оиланинг ҳар бир аъзосининг ўз ўрни ва ўз удуми мавжуд. Оила, пул даромадлари аввал таъкидлаганимиздек, ҳалол, пок йўл билан меҳнат эвазига топилмоғи зарур. Ўғирлик, қимор ўйнаш, пора, алдамчилик, фохишалик, қаллоблик билан орттирилган бойлик ҳаромдир. Шунинг учун оила иқтисодига қўшиладиган ҳисса ҳалол бўлмоғи лозим. Ҳалол билан ҳаромни фарқлай билишни эса бола онгига ёшлиқдан сингдириб бориш лозим. Одатда ўзбек оилаларида оиланинг моддий таъминоти зраким зиммасида бўлади. Оила жамғармасини тежамкорлик билан ўз ўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан оилада қут-барака бўлишини таъминлаш аёлнинг вазифасидир. Шунинг учун оила ва давлатнинг бой, тўқ фаровон турмуши кўпроқ эркакларга боғлиқ. Тежамкорлик – оила фаровонлигининг асосидир. Оила қанчалик тўқ, фаровон яшаса, шу оилада камолга етаётган фарзандларнинг келгусидаги моддий фаровон турмушига асос солинади. Бу эса, ўз навбатида, давлат, ва жамият бойлиги учун заминдир.

Абдурауф Фитрат айтганларидек: “Маълумки, яшаш учун пул ва пул топиш учун саъй ва амал лозим. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўққиз ой “ҳомиладорлик” юкини кўтариб юради, бола туғилишидан бошлаб тарбияси билан машғул бўлади. Яна бориб ишлаб пул топиш эса уларга мушкулдир. Ишлаб саъй-ҳаракат қилиб пул топиш бу эркаklar бурчидир. Эркаklar бор кучларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини аҳли аёлларига эҳтиёжлари учун сарф қилишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чақалари ва аҳли аёлларининг нафақалари хусусида зикналик қилсалар ё нафақаларини бериб миннат қилсалар ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун бош-кўздан саадақа бериб, ўзлари бошқа жойларда айш-ишрат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик қилишларига шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса исломда куфр ва ҳаромдир. Бас, эркаklarнинг бу ҳаракатлари ҳам ҳаромдир.

Инсондан пул, молу дунё топиш бир ақл талаб этса, уни сарфлай олиш ўн марта ортиқ ақл талаб этади. Шунинг учун оила иқтисодига ўта масъулият, пухта режа асосида муносабатда бўлмоқ лозим”. Оила иқтисодини режалаштирмасдан туриб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Аксарият ўзбек оилаларида оила даромади, чиқими кундалик эҳтиёжларлари, сарф-харажатлари, ҳар бир киши учун бир кунлик, бир ойлик, бир йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари меъёри (нон, гўшт, сут, кўкатлар, полиз маҳсулотлари ва ҳоказо), мавсумий кийим кечаклар, маданий-маърифий савиясини оширишга, сайру- саёҳатга, оилавий анъаналар, маросимларни нишонлашга ва оила аъзоларининг бошқа эҳтиёжларига (енгил машина, велосипед, техника ашёлари ва ҳоказо) сарфланадиган маблағ ҳажми ва бошқалар олдиндан режалаштирилмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида оилани режалаштириш оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда “Режали иш бузилмас”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Режасиз иш – қолипсиз ғишт” каби мақоллар ҳам ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш палапартиш, муваффақиятсиз тугаши мумкин деган маънода қўлланилади. Оила иқтисодида жамғарманинг роли

катта. Оиланинг жами пули, даромадлари ва сарф-харажатлари оила жамғармасини ташкил қилади. Оиланинг қанча даромади, қанча харажати мавжудлиги жамғармадан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг моддий бақувватлиги оила даромадини моҳирона кўпайтириш ва уни хўжалик юритишда моҳирона сарфлашга боғлиқ. Тежамкорлик эса оила фаровонлигини таъминловчи муҳим моддий-маънавий қадрият ҳисобланади. Тежамкорлик – ҳасислик эмас, балки, унинг мазмунида оила маблағини қаттиқ назорат қилиш, ҳалол меҳнат эвазига келган пул ва рўзғор анжом-ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларни қадрлаш, авайлаб-асраш, иқтисодий камчиликни чуқур билиш, эҳтиёткорлик, нафсни идора этиш, бойваччалик орқасида бўладиган манманликдан ўзни тийиш, ҳар бир нарсадан унумли фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш демакдир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тежамкорликни талаб этади. Оиладаги нарсаларни тежайдиган инсон, давлат, мамлакат бойликларини, мол-мулкни авайлаб-асрайди. Шунинг учун ҳам ушбу фазилат ҳозирги замон кишиси учун ҳаётий эди ҳолос, турмуш тарзини юксак даражага кўтарувчи маънавий етуклик мезонидир. Инсондаги “мен” ва “меники” тушунчасиинг юксак даражада шаклланиши бу оила-меники”, “Оиладаги ҳар бир нарсага мен жавобгарман”, “Экин майдонлари, ишлаб турган корхона, станок – меники, мен уларнинг эгасиман” деган тушунчаларни унинг онгида кўрғошиндек мустаҳкам муҳрланиб қолиши ўз-ўзидан оилада, ўз ўрнида атроф-муҳитда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳиссини пайдо қилади. Мустақиллик шарофати билан уй-жой, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, хусусий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилганлиги, қишлоқ хўжалигида оила пудрати, деҳқон хўжалиги, фермерлик фаолиятларининг ташкил этилганлиги ҳар бир фуқаро онгида “мен” ва “меники” тушунчаларини шакллантиришга қаратилган саъй ҳаракатлардир. Тежамкорлик сабоқлари ота-она, буви-бобо намунасида бола онги, ҳатти-ҳаракатига сингиб боради. Халқимизда “Йўлини билган бир йил

етим, йўлини билмаган минг йил етим” “Кўрпангга қараб оёқ узат”, “Тежамкорлик унинг баракаси бор” каби нақллар шунчалик айтилмаган. Оиладаги катта ёшдагиларнинг амаллари, халқ нақллари воситасида болаларда оила иқтисодини юритишда малака ва кўникмалар шаклланиб боради.

Ота-она болага ойлик маошини режали сарфлаш, рўзғор учун керакли, кераксиз нарсаларни харид қилмаслиги, мол-дунё йиғишга ружу қўймаслиги ўғирлик, тамагирлик, ёлғон сўзлашдан йироқ бўлиши, озиқ-овқат маҳсулотларини исрофгарчилик билан сарф қилмаслиги, ички ва устки кийимлар, пояфзалларни ўз ўрнида эҳтиёткорона, тоза-озода сақлаши, уларни дазмоллаб кийиши, ҳар кунлик ҳаётдан шукроналар билан яшаши, хонадонни ортиқча киши руҳиятида шубҳа пайдо қиладиган анжомларсиз баҳаво, ихчам дид билан безалган, саранжом-саришта тутиши, оиланинг хўжалик харажатларини тежаш мақсадида мавжуд ер майдонларидан мевали дарахтлар, гуллар, полиз маҳсулотлари экиб, унумли фойдаланиш, пала-партиш кийинмаслик, урф-одатдан чиқиб қолган кийимлардан рўзғорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши, рўзғор асбоб-анжомларини таъмирлаш ҳунаrlарини билиши билан намуна бўлиши зарур.

Оила эҳтиёжи унинг имкониятига қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоидага амал қилмаслик оқибатида иқтисодда режасизлик, баракасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилади. Суви қочган нонни кесиб қуритиш ўрнига уни молга бериш, ҳатто ахлатга ташлаш меҳмон сонига қараб харид қилиш ёки таом тайёрлашга амал қилмаслик, аёллар ва қизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони албатта харид қилиши ва кийиниши, янги келиннинг ота-она, қайнота-қайнона қилган 50—60 та сарупосини кийиб улгурмасдан янги-янгиларини харид қилиши, меъёрсиз таом тайёрлаш ва уни исроф қилиш, оила даромадини ҳисобга олмасдан кийиниш, ичиш, чекиш каби иллатдарга берилиш, ортиқча сарф-харажатлар билан тўй-маъракалар ўтказиш, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш, ўғил уйлантираётганда ёки қизни турмушга бераётганда эҳтиёжидан ортиқ мол дунё бериш, меъёридан кўп рўзғор буюмларини ҳадя қилиш, қудалар ўртасида ортиқча урф-одатлар, расм-русумларнинг, оилавий тантаналарнинг ўтказилиши

оила иқтисодига салбий таъсир этади.

Тўй ва марака, мотам маросимларини ўтказишдан мақсад ўзини нимага қодирлигини халқда кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз хурсандчилиги ва хафачилигини дўсту- биродарлар билан баҳам қуриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, оламдан ўтганларни руҳини хотирлаш ва кадрлашдан иборатдир. Баъзи нобакор фарзандлар ота-онани тириклигида йўқлаш, ёрдам бериш, оғир юмушларини енгиллаштиришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар оламдан ўтганларидан сўнг эса ўзларининг сохта меҳрибончиликларини, бойваччаликларини намойиш этмоқчи бўладилар. Мотам маросими дастурхони тўй дастурхонига нисбатан ҳам тўкин-сочинли безатилади. Халқимизда бир нақл бор: “Ота-онанг ўлганидан сўнг минг кун йиғлагандан кўра, тириклигида бир кун йўқла”. Шунинг учун ота-онага қиладиган барча яхшиликларни унинг тириклигида қилмоқ зарур. Бу ўринда юртбошимизнинг фикрлари барча учун дастуруламал бўлиши зарур. Президентимиз: “Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик. Қанийди, онагинам тирик бўлсалар, дунёни сайру саёҳат қилдириб келмасмидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ғанимат билиб, қадрига етайлик, - дейдилар.

Дарҳақиқат, турмушда зарур бўлган барча нарсаларга осонликча, меҳнатсиз эга бўлган ёш келин-куёвда ота-она меҳнатини кадрлаш, рўзгор буюмларини авайлаб-асраш, тежаш, оиланинг моддий хўжалик вазифасини бажариш учун интилиш қаёқда бўлсин? Оиланинг ҳар бир аъзоси бор-йўғида қаноат қилишга ўрганиши лозим. Меҳнатга ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиш ва касби орқали топган даромадига қаноат қилиш ҳам оилани мустаҳкамлайди. Абдурауф Фитрат баён этганидек; “Қаноат деб жаноби ҳақ тарафидан эҳсон бўлган аҳволга етишдуримиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган факр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилур. Қаноат, ҳабод, тама, хирс, хорлик каби иллатларнинг даъвоси нафсимизнинг йиғишимздур”.

Меҳнат билан топилган бойлик қадрли бўлади, меҳнатнинг қадрини

билганларгина меҳнат звазига келган бойликни қадрлайди, тежайди, ноўрин сарфламайди. Шу ўринда бир афсонани келтириш ўринли. Бир муйсафид чол кексайиб куни битганга ўхшаб келади. У бу аҳволини сезади ва олдига ёлғиз, лекин эркатой ўғлини чорлайди. Ота ўғлига: “Ўғлим, бор мол-мулкимни сенга хатлаб қолдираман. Бироқ бир шартим бор. Ўз пешона теринг, ҳалол меҳнатинг билан менга ўн танга келтириб берасан”, - дебди. Ўғил ўрнидан туриб, онаси олдига бориб бўлган гапни айтиб беради. Она ўғлига ўн танга пулни бериб: “Болам, ўртоқларинг билан ўйнаб, айланиб кечга яқин қайтиб кел ва шу пулни отангга бергин”, - деб ,эркалайди. Бола онаси айтганидай кечроқ отаси олдига бориб, онаси берган пулни отасига узатади. Ота ҳовуз бўйида ўтирган эди. У боласидан тангани олиб, у ёқ бу ёғини айлантириб кўрадида, уни ҳовузга отади ва дейди: “Ўғлим, бу пулни меҳнат қилиб топмагансан. Фарзанд бу бўлган воқеани онасига айтади. У онаси билан бугунги бўлган ишни эртасига ҳам такрорлайди. Ота эса бу гал ҳам пулни ҳовузга улоқтиради.

Учинчи кун эса бола кун бўйи ишлайди, ҳаммоллик қилади, юк ташийди, хуллас ҳалол меҳнати билал ўн танга топиб, отасига келтириб беради. Ота эса олдинги кундагиларга ўхшаб, пулни ағдариб кўра бошлайди ва ҳовузга улоқтираётганда бола отасига қараб ўзини отади ва дейди: “Отажон, сувга улоқтирманг, уни ҳаммоллик қилиб югуриб-елиб топдим”, деб ялинади, Шунда ота: “Ҳа, бу пулни ўз пешона теринг билан топибсан. Аввалги пулларга ичинг ачишмади, бу гал эса қийналяпсан”, деган экан:

Демак, ҳалол йўл билан меҳнат эвазига топилган мол-дунё қадрли бўлади, у ноўрин кетса, жон ачийди. Ота-онанинг вазифаси фарзандни заруратдан ортиқ рўзғор асбоб-анжомлари билан таъминлаш, меъёридан зиёд едириш, кийинтириш эмас, аксинча, оила бошқариш, тежамкорлик сабоқларини улар онгига сингдиришдан иборатдир. Фарзандлар истикболини ўйлаган ота-оналарга касб-ҳунар сирларини ўргатади. Қизиқишлари бўйича чуқур илм олишлари учун шароит яратиб беради, буш вақтларини унумли ташкил этади, меҳнат малака ва куникмаларини шакллантиради.

Мол йиғиш, унга мойиллик инсонга хос хусусиятдир. Мол дунё пул, буюм, қимматли қоғозлар, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо материаллардан бўлган уй-рўзғор ашёлари, кийим-кечак, нодир китоблар ва бошқалар тарзида бўлиши мумкин. Мол дунё икки хилда: бири ота-боболардан мерос, иккинчиси тежалган оила бюджети ҳисобига мол йиғиш мумкин. Шунингдек Абдулла Авлониё айтганидек: “Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: хунарчилик, экинчилк, чорвачилик, савдогарчиликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг “бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтиб, ўрнига “билган битар, билмаган йитар замони келди”. Чунки ота-онанинг фарзандларига мерос бериши қадимдан одат тусига кириб қолган. Ақлли фарзанд ота-онаси ҳадя этган меросдан оқилона фойдаланишга уни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Меъёридан ортиқ мерос узокни кўра олмайдиган фарзандни боқиманда, дангаса, текинхўр, ишёқмас қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ота-онанинг асосий вазифаларидан бири фарзандга мерос қилиб қолдираётган молни ўз ўрнида сарфлаш, режалаштириш ва бошқариш йўл-йўриқларидан ҳам сабоқ бермоғи зарур. Албатта, оиланинг аъзолари ейиши, кийиши ва бошқа кундалик эҳтиёжларини бутунлай чегаралаш ҳисобига мол йиғиш мумкин эмас. Мол йиғишдан мақсад ҳаётда учраши мумкин бўлган оғир кунларда, кундалик ҳаётини эҳтиёжни қондириш зарурати пайдо бўлганда, фарзандларни мустақил ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратиш лозим бўлган тақдирда фойдаланишдан иборатдир Тўпланган мол-дунё, эзгу мақсад йўлида сарфланмаса, у кишини йўлдан чиқаради, баднафслик касалига мубтало этади. Инсон учун моддий бойлик эмас, маънавий бойлик ҳаётини эҳтиёждир, Шунинг учун моддий бойликдан илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, дунёни билиш, меҳр-саҳоват, ҳиммат кўрсатиш йўлида фойдаланмоқ зарур. Турли нопок йўللар билан осонликча қўлга киритилган бойлик қандай келган бўлса, шунда йўқ бўлади. Мисқоллаб йиғилган мол-дунёдан ўз ўрнида фойдалана билиш ҳам санъатдир. Мол-дунёга ўт қўйиш, бойлик хирсига берилиш, унинг орқасида қувиш, бойлик орттириш мақсадида ўғрилиқ, жинойатчилик, хоинлик, сотқинликдан ҳам қайтмаслик инсонни жаҳолат

ботқоғига ғарқ этади, инсонийлик туйғуларидан маҳрум қилади, очкузлик касалига мубтало этади. Очқўзлик хасисликнинг пойдеворидир. Хасислик, зикналик инсонга хос бўлмаган хусусият бўлиб, очқўзликнинг бир кўринишидир. Хасис одам очқўзлик билан бойлик, мол-дунё йиғади, ундан на ўзи на бошқаларнинг фойдаланишини истамайди. Унинг учун шукр қилиш, қаноат, ҳиммат, саҳоват тушунчалари бутунлай ётдир! У ўз бойлиги мол-дунёси хавотири билан яшайди. Хасис одамлар, мухтож, бева-бечоралар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, етим-есирларга нисбатан эзгулик, одамийлик қилмайдилар. Бу тоифадаги кишилар ҳатто оила аъзоларини ҳам емоқ, ичмоқ, киймоқдан маҳрум этадилар. Хасис инсонни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Бойлик орқасидан қувиш - касалликдир. Бу касаллик инсонни ичкилик, гиёҳвандлик, зино, қиморбозликка майлини оширади. Бунинг натижаси эса оиланинг барбод бўлишидир. Донишмандлар шундай таълим берадилар: “Бирор мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардан дариғ тутмагил. Ҳар ҳолда молни гурингга олиб бормангдур. Аммо дахлинг (даромадинг) на чорлик бўлса, харжини ҳам ул микдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмагай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса-ҳеч вақт қашшоқ бўлмагай. Бор молинга қаноатда бўлгил, қаноат туганмас ганждур ва сенга, албатта етишгусидур. Аммо исрофни шум эътиқод қилгил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордур. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдур. Исроф танҳо молнинг харжида эмас, балки овқатда, хулқда, сўзламоқда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур. Исроф танни алдаб, нафсга ранж еткарур, ақлни қочирур, тирикни ўлдирур. Кўрмасмусанму, чироқнинг тириклиги ёғ биландур. Агар ёғни ҳаддан зиёда солсанг, ёғфатила (пилик)нинг бошига келиб, чироқ ўчур. У ёғки чироқнинг ҳаётига сабаб эрди, исроф жиҳатидан мамотиға (сўнишиға) сабаб бўлур”

Мусулмончиликда исроф қилиш гуноҳдир. Оиланинг ҳисобини исроф қилиш уни қашшоқликка, йўқчиликка маҳкум этиш демакдир. Оилада йўқчилик оқибатида уруш-жанжал пайдо бўлади, фарзандлар жиноятга қўл уради. Ўзгалар мол-дунёсига ҳасад қилиш кулфати пайдо бўлади. Халқимиз ичида “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан” деган мақол бежиз айтилмаган.

Шунинг учун оиладаги ҳар бир нарсани, оила иқтисодининг ҳар бир сўмини тежаш ва исроф қилмаслик, унинг оқибатини фарзандлар онгига сингдирмоқ зарур. Сахийлик, хотамтойлик инсон фазилатининг кўркидир, Оила иқтисодининг тежалган қисмидан қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, сўнгра дўсту биродарларга эҳсон қилиш қадимдан шаклланиб келган қадрият ҳисобланади. Муҳтожликда, яшаётган ён қўшнига ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш хотамтойликдир. Ўзи бой-бадавлат дўсту биродарларга катта-катта зиёфатлар бериш такаббурликдан бошқа нарса эмас. Оилада сарф-харажатлар доимо назоратда бўлмоғи зарур. “Ҳисобли дўст ажралмас” дегаи нақл мавжуд. Оила аъзоларининг ойлик даромади кундалик эҳтиёжи учун чиқимлар ҳажми тежамкорлик асосида йиғилган жамғармаси ёзма равишда мунтазам ҳисоб-китоб қилинган тақдирда исрофгарчиликка ҳам оиланинг қашшоқлашиб кетишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳар бир кишининг ўз билганича, оила бошлиқлари билан маслаҳатлашмасдан харажат қилишлари ҳам исрофгарчиликка олиб келади. Бундай оилада қут-барақа бўлмайди. Оиладуно олимларимиз сабоқ берганларидек: “Кирим- чиқим ҳисобларингизни бир дафтарга ёзингиз ва ҳар вақт бу дафтарга кўз ташлаб турингиз. Кўриб турганида керакмас ўринларга ақча бермак учун ҳар ким бир қадар эҳтиёт узра бўлур.

Чиқимингизни киримингиздан ортиқ айламанги, балки қора кун учун ҳар ойда озми-кўпми бир **миқдорда** ҳиссангиздан беркитиб борингиз, бундай этмак кўнгилга роҳатлик келтирур ва иқтисодли бўлувга сабаб бўлур, аммо чиқим ортиқ бўлса, кўнгилга ҳасрат солур қонни бузар. Демак, оила иқтисодида кирим билан чиқимнинг бир-бирига мутаносиб бўлмоғи, яъни чиқимнинг киримдан кўпайиб кетмаслигига алоҳида аҳамият бермак зарур. Шундай қилиб, оила иқтисодини чуқур билиш, унга амал қилиш оила фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Оиланинг иқтисодий барқарорлиги эса давлатнинг, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти омилидир.

Инсонлар борки, қайси бир ишни бошласа, уни охирига етказмасдан қўймайди. Уни амалга ошириш йўлида захмат чекади, қийналади, югуради елади. У қанча

қийналмасин, азоб чекмасин, изидан, йўлидан қайтмайди. Яна бир тоифа одамлар борки, улар мақсадсиз, беғам яшайдилар. Бошлаган иши йўлида озгина тўсиқ ёки қийинчилик учраса, ташлаб қўяди, охирига етказмайди. У ҳақдаги одамларнинг яхши-ёмон гапи билам ҳам иши бўлмайди. Мана, икки хил одам манзараси. Улар бир-бирига қарама-қарши характер, руҳидаги кишилар. Бинобарин, ҳар иккаласи ҳам одамлардир. Биринчисида ғурур бор, бошлаган ишидан фахрланади. Иккинчиси эса ғурурсиз, тинч-хотиржам яшашни, қийинчиликсиз умр кўришни афзал кўради. Зотан, инсоний буюк ишларга илҳомлантирувчи куч ғурурдир. Унинг мазмунида ўз оиласидан, ота-онасидан, Ватанидан, авлод-аждодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, касб-коридан, миллатидан, ижтимоий фойдали меҳнатидан, фарзандларидан фахрланиш ҳисси мужассамдир.

“Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини тиклаш натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир”. Фахрланиш – миллий ғурурнинг негизини ташкил этади. Табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларидан ўз ва бошқалар ютуғидан фахрлана олиш ҳам буюк неъматдир. Миллий ғурури баланд инсон ўз ор-номуси, иффатини сақлай билади. Ҳар хил ваъдаларга учмайди, турли таъсирларга, оқимларга тушиб қолмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқариш, ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, халқимизда айтилганидек, “Етти ўлчаб бир кесиш” қобилиятига эга бўлади. Маънавий қашшоқлик миллий ғурурнинг заволидир. Маънавий баркамол инсон ўз ғурурини ўткинчи ҳавас учун поймол қилмайди. Иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун, қалбида муҳаббат туйғуси кучли бўлган инсон ота-онага, оилага, Ватанга, миллатга, халқига, ўзи туғилиб ўсган она заминга, ёрига, фарзандларига, дўсту биродарларига, касбига садоқатли ҳисобланади. Миллий ғурури баланд инсон адолатсизликка, ноҳақликларга, субутсизликка, ёлғонга, алдамчиликка, миллий камситилишга, миллат, Ватан хоинларига,

хиёнатга, обрӯ-эътиборининг топталишига нисбатан бешафкат бўлади. Ғурури баланд инсон ҳар қандай лаганбардорга, тажовузкорларга бош эгмайди, керак бўлса жонини ҳам фидо қиладики, лекин ўзгаларга озор бермайди, сотқинлик, диёнатсизлик, нодонлик қилмайди.

Ўз ғурурини поймол этиш бахтсизликка етакловчи ягона йўлдир. Ҳаётда баъзи қизларимиз асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Шарқ қизларининг ҳаёси, ибоси, ғурурини сақлаш талабларига қарши бориб, ҳаётга енгил-елпи қараш, узокни ўйламаслик ва кўра билмаслик оқибатида йигитларнинг ёлғон сўзларига ишониб, ўз номусларини поймол қиладилар. Натижада, бир умр бахт ва бахтиёрлик, ҳаёт лаззати нима эканлигини билмайдилар. Уларнинг ҳаётлари таъна-дашномлар остида ўтади. Афсуски, “кейинги пушаймон ўзига душман” эканлигини кеч англайдилар. Шукрлар бўлсинки, бундай қизлар жуда ҳам кам. Ўз ғурурини поймол қилмаган инсон миллат ғурурини ҳам сақлай билади.

Ёшлик олтин даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз умрини бефойда, самарасиз ўтказишларига йўл қўймаслик биз катталарнинг ёшлар олдидаги бурчимиздир. Ўз бурчига масъулиятли ота-она, устоз мураббийлар қўлида тарбияланган ёшларнинг миллий ғурури мустаҳкам бўлиб тарбияланиши табиийдир. Ўзига ўта бино қўйиш, насл-насаби, мол-дунёси, мансабидан, ҳуснидан гердаиш, манманликка берилиш, қобилиятига ортиқча баҳо бериш, ўз ютуқларидан ҳаволаниб кетиш қабоҳатдир. Афсуски, буларнинг барчаси вақтинчалик, ўткинчи нарсалар эканлигини унутмаслик зарур. Халқимизда “Камтарга камол, манманга завол”, “Бошинг осмонга етса ҳам, оёғингни остига қара” деган нақллар бежиз айтилмаган. Бироқ, ғурурни гердаиш, ўзига бино қўйиш, ютуқлардан эсанкираш, ижобий маънодаги “ўжарлик”ни, “қайсарлик”ни манманлик деб тушунмаслик керак. Холбуки, камтар, оддий, бағрикенг инсонда ғурурланиш ҳисси кучли бўлади.

Баъзан ҳаётда ўз миллатидан, тилидан, шевасидан, кийимидан, туғилиб ўсган жойидан қишлоқ, чўл, дашт, саҳро ва ҳоказо, оддий авлод-аждодлари касб-ҳунаридан, ҳаттоки ота-онасининг бундайроқ, моддий ҳолатидан ор

қиладиган кимсалар онда-сонда бўлсада учраб туради. Мустақиллик бундай манкуртликка чек қўйди. Юртбошимиз айтганларидек: “Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, милдий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир”.

Ўзбек халқи миллий ғурури баланд халқ. Миллий ғурур ўз онгини, руҳиятини бошқа миллатларга қарши қўйиш эмас, балки бошқа миллат халқларига ўз миллий-маънавий ва моддий бойликларини, жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан улушини, миллий қадриятларини намоён этишдан иборатдир. Ўзбекнинг пахтаси, пилласи, олтини, атласи, дўпписи, тарихий обидалари, паловхонтўраси, меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, иймон-эътиқоди, буюк алломалари унинг фахридир. Улардан ҳар бир фуқаро ғурурланиши лозим. Миллий ғурур она сути, ота намунаси, авлод-аждодларнинг ирсий фазилатлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзанд онгига сингдирилади. Миллий ғурури баланд ёшлар мамлакатимиз келажакдир. Шунинг учун ҳар бир фуқарода, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, биринчидан, миллатимизнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, миллат бўлиб шаклланиши тарихи, урф-одатлари, анъаналари, адабиёти, санъат, маданияти, дини ва уларнинг инсоният тарихи тараққиётида тутган ўрнини мукаммал билмоқ зарур. Иккинчидан, умуминсоний қадриятларни билиш, улардаги миллий менталитетимизга мос илғор ғояларни амалиётга жорий этиш ва шу асосда миллий қадриятларимизни мазмунан ва шаклан бойитмоқ лозим. Учинчидан, жаҳон андозаларига мос янги техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унда фаоллик кўрсатиш керак. Тўртинчидан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ирқи, миллати, наслу насаби, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар миллатлараро,

фукаролараро тотувлиги, ҳамжиҳатлиги ва якдиллигига эришмоқ учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ лозим. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасига раҳна сололмайди. Улар бир-бирлари билан дўст-биродар, ҳамкор ва ҳамфикр, бир-бирларидан фахрланиш ва ғурурланиш, ҳисси билан яшайдилар. Бундай ўзаро дўстона муносабат ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

МАҲАЛЛАДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади, шу орзу-умид билан яшайди. Лекин бу билан иш битмайди, у шу ниятига етиши учун ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши яхшилик кўриши учун яхшилик қилиши лозим. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади. Юртбошимиз айтганларидек, халқимиз қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади, Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағри кенглик, меҳри дарёлик, ўта фидойилик ўзбекларгагина хос хусусиятдир. Шу боисдан ҳам, ота- оналаримиз фарзандларнинг бахти ва келажаги учун қайғуради. Уларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларини мукаммал билишлари ва уларга амал қилишлари учун мавжуд имкониятларни яратадилар. Чунки оилада болани

тўғри тарбиялаш мустаҳкам пойдеворли жамият барпо этилишининг гаровидир. Бола тарбияси кенг камровли, узок давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш курадиган йигит ва кизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади.

Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш на унинг тарбиясида-муҳим аҳамиятга эга. Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуклигининг гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати - соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонни тиккан инсонлар қўлида.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоя ётибди. Миллат генафондини сақлаш – айнан шундан бошланади. Эркак ёки аёл насл-насабида мавжуд ирсий касалликлар, маънавий қашшоқлик каби келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Дарҳақиқат, оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт. Чунки фарзанд эркак ва аёлнинг меҳр-муҳаббат асосида қурилган ихтиёрий иттифоқининг мевасидир. Абдурауф Фитрат айтганидек: “...уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади, Жамият уларнинг фарзандларидан безор

бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиби бўлган ота-онадан бўлади, агарда ота-она ахлоқсиз бўлсалар уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир”.

Турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бир - бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Фарзанд оиланинг гултожисидир, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприқдир, ҳаётнинг ширинлиги, қайноқлиги, аччиқ-чучуклиги, тасодифларга бойлиги – фарзанд билан. Шунинг учун ҳам халқимиз ичида “Болалик уй бозор, боласиз уй мазор”, “Болалик хотин – гул хотин, боласиз хотин тул хотин”, “Қизгинамнинг боласи – боғимнинг гул-лоласи”, “Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар” “Бола – эр-хотин тилмочи”, “Одобли ўғил – кўкдаги юлдуз, одобли қиз – ёқадаги қундуз” каби кўплаб халқ мақоллари бежиз айтилмаган.

Оилада фарзанд тарбияси у пайдо бўлмасдан бошланмоғи зарур. Яъни, ҳомиладор аёлнинг кайфияти доимо кўтаринки, асаблари сокин, истеъмол қиладиган таомлари бола организми учун фойдали бўлмоғи зарур. Ўз вақтида меҳнат қилиб, дам олиб, сайр қилиб, овқатланиб турилажак бола тақдирини ўйлаш онанинг вазифасидир. Эр-хотин оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, аҳиллик, хушмуомалалик, хурсандчилик боланинг беҳавотир, соғлом туғилиши гаровидир. Баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик, ўзаро низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнат қилишга мажбурлаш, хўрлаш, ҳатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон, жиззаки бўлиб туғилишига сабаб бўлади. Ота-онадаги энг яхши хусусиятлар ҳам, ёмон хусусиятлар ҳам ирсий йўл билан болага ўтиши табиийдир. Ҳатто туғилмаган болада она қорнидаёқ ота-онага нисбатан меҳр шакллана бошлайди. Баъзан эр-хотиннинг бола дунёга келмасдан “Агар фарзандимиз қиз бўлса, тўғри отангни уйига кетасан” ёки “Туғруқхонага

йўқлаб боришимни кутмагин” каби хархашалар билан жанжал кўтариши албатта бўлажак она учун ҳам, бола учун зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин

Шунинг учун болани у туғилмасдан тарбияламоқ хусусида халқ донишмандлигига амал қилмоқ зарур. Бир киши янги туғилган чакалоқни донишманд олдига олиб келиб: “Таксир боламга қачондан тарбия бера бошлай?” – дебди. “Болангизни дунёга келганига неча кун бўлди?” – дебди донишманд. “Икки ой, таксир”, - дебди ота. “Аттанг, сиз анча кеч қолибсиз тарбияни онасининг қорнидалигидан бошлашингиз керак эди” – дебди донишманд. Оила жамиятимиз пойдевори, унинг мазмун ва моҳияти фарзанд билан боғлиқ жараён бўлиб, фарзандни одобли, билимли, диёнатли, касб-хунарни қилиб тарбиялаш ҳар бир ота- онанинг муқаддас бурчидир. Ана шу маъсулиятни бажараолган ота- она давлат, жамият энг муҳими маҳалла олдидаги вазифасини виждонан бажарган бўлади.

Маҳалларда ёш авлодни ҳуқуқий маданиятли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилиб, мустақилликни дастлабки давридан бошлаб огоҳлик ва ҳушёрликни сақлаш ишларига эътибор кучайди. Маҳаллаларда терроризмга қарши кураш, диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш бўйича муҳим амалий ишлар қилинди.

Ўзбекистондаги маҳаллалари аҳолисини ҳуқуқий онгини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий, маданий турмуш тарзини яхшилаш ишлари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилди. “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ташкил этилиш натижасида 1992 йилдан бошлаб Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Қароқалпоқ, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида аҳолининг ижтимоий- иқтисодий ҳимоя қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Навоий вилоятларидаги “Маҳалла” жамғармалари қошида ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятни тарғиб этувчи ташкилотлар ҳамкорлигида “Мустақиллик ва унинг халқимиз ҳаётидаги ўрни” мавзусида турли тадбирлар ташкил этилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан маҳаллаларда ижтимоий

иқтисодий аҳвол яхшиланиб, маънавий-маърифий ишлар йўлга қўйилди. Маҳаллаларда хусусий тадбиркорликка йўл очилиб, ҳунормандчилик, шахсий ишлаб чиқарувчиларга катта имкониятлар яратилиб, моддий- маънавий жиҳатдан қўллаб- қувватландилар.

Мустақилик йиллари мобайнида республикадаги барча маҳаллаларда, таълим муассасаларда миллий – ҳуқуқий онг билан боғлиқ тадбирлар, ҳушёрлик-огоҳликка чорловчи йиғилишлар ташкил этилиб, терроризмга, гиёҳвандликка қарши кураш чора тадбирлари ҳақида фикр мулоҳазалар ўтказилди. Шунингдек йиғилишларда аҳолининг барча қатламига айланиб ўқувчи талаба ёшларга 2004 йилнинг 28-30 март кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва 2005 йил 13 май куни Андижон вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатларига ўхшаш ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, ўқув муассаса ходимлари, профилактика нозирлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борилди..

Мустақилик йилларида Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Қарақолпоқистондаги маҳалла фуқаролар йиғинларида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг муҳокамасида аҳолига ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари сингдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларидаги маҳаллаларда «Диний экстремизм, терроризм ва унинг оқибатлари» мавзулари туркумига кирувчи услубий қўлланмалар, видеоролик ва видео-тасмалардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий онг ва маданиятга оид видеофильмлар намойиш этилди. Бундан ташқари барча республика Халқ таълим вазирлиги муассасаларида фойдаланиш учун кўргазмали воситалар, ўқув методик қўлланмалар тарқатилиб, халқ таълим муассасаларида бурчаклар ташкил этилиб, олимлар, мутахассислар иштирокида маърифий ислом ғояларининг моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил этилди. Республиканинг барча маҳаллаларда «Ислом жиҳоди гуруҳи», «Толибон ҳаракати», «Хизбут таҳрир», «Ваҳобийлик», «Нурчилик» ва «Диний фундаментализм» ҳаракатларининг салбий оқибатлари тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда

халқ таълими ва касб –хунар бошқармаси ёшлари иштирок этиб, фуқароларнинг динга нисбатан тўғри эътиқодини шакллантириш мақсадида туман ва шаҳарларда маҳалла фаоллари, имом хатиблар ва таълим муассасалари ходимларини ва маънавият кенгаши аъзолари жалб қилиниди. Мустақиликни дастлабки даврдан бошлаб, республика маҳаллалар тизмида мунтазам тарзда тарғибот-ташқивот ишлари амалга оширилди. Айниқса ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва халқ таълими мактаблари ўқувчилари орасида маҳалла жамоси томонидан турли хил тадбирлар мунтазам ўтказилди. Ўқувчи – талабалар ва ёшлар ўртасида тегишли давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда барча умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари, шунингдек, маҳаллаларда, қишлоқларда, овулларда аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказилди. Ёшлар ва вояга етмаганлар орасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқубузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши кураш, уларни турли салбий таъсирлардан, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан сақлаш мақсадида мустақилик йилларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказилди. Умутаълим мактабларида, коллеж ва лицейларда ҳамда республика университети ва педагогика институтларида талабалар-ўқувчилар ва ёшлар ўртасида ёшлар содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятга “Фавкулотда ҳолат” деб қаралиб, уларнинг келиб чиқиш сабаби, уларга яратилган шарт-шароитлар, омилларни ўқув муассасалар педагогик жамоаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва талаба ўқувчиларнинг умумий йиғилишларида, улар истиқомат қилаётган маҳаллаларда, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мавзуларида суҳбатлар уюштирилди. 2010 йил Ўзбекистон Республикасидаги Халқ таълими мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ва республикадаги жами олий ўқув юртиларида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқубузарлик, жиноятчилик

ҳамда нохуш ҳодисаларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Ички ишлар идоралари, халқ таълими, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масъул раҳбар ходимлари томонидан “Огоҳлик давр талаби”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Гиёҳвандлик аср вабоси” каби мавзуларда давра суҳбатлари, йиғилишлар ва ўқув машғулотлари ўтказилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги Баркомол ёш авлодни таълим жараёнидан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида ўқув муассасаларидаги кутубхона, ўқув ва спорт заллари, маърифат хоналари, милиция таянч манзилгоҳлари атрофидаги спорт майдончалари, фан, спорт тўғараклари, кичик бизнес шахобчалари мунтазам равишда фаолият юритди. Бундан ташқари ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида улар билан меҳнат фахрийлари, II-жаҳон уруши катнашчилари, шоирлар, ёзувчилар, санъаткор ва профессор ўқитувчилар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғарма тизими ҳамда фуқаролар йиғинларида оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича ва фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари мунтазам ишлар олиб борилиб катта ижобий ишлар амалга оширилди. Имом хатиблар Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида ҳудудларидаги барча маҳаллаларда Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда соғлиқни сақлаш вакиллари иштирокида тарғабот ва ташвиқот ишларини олиб борди. Шунингдек, ҳар ҳафта жума кунлари жума намозларида амри маърифлар қилиб, бунда қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг оқибатлари, туғруқлар оралиғини узайтириш, чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш, онанинг оила ва фарзандлари олдидаги бурч ва вазифалари юзасидан Қуръони каримдаги оятлардан мисоллар келтириб тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Мустақилликни дастлабки йиллардан ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларни сингдириш ишларига алоҳида эътибор берилиб, турли хил тадбирлар

махаллаларда мунтазам ўтказилди. Республикада ҳуқубузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида мактаб, академик лицей касб ҳунар коллежларда, олий ўқув юрти ҳудудида ички ишлар идораларига ёрдам бериш истагида бўлган талаба-ўқувчилар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларни “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларига ёрдам кўрсатувчи ёшлардан иборат гуруҳлар ташкил қилинди. Ушбу масала мактаб, академик лицей касб-ҳунар коллежларда, олий ўқув юртларида ёшлар ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар белгилаб олиниб, умумтаълим мактаб, академик лицей касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртларида мунтазам равишда машғулотларга қатнашмаётган, тарбияси, ҳуқубузарлик ёки жиноят содир этишга мойил ўқувчи талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “Маҳалла” жамғармалари “Қамолот” ЁИХ вакиллари иштирокида суҳбатлар ташкил қилинди.. Бу борада маҳаллаларда амалга оширилган ишлар ҳар ойда вояга етмаганлар орасида ҳуқубузарликларнинг олдини олиш хизматида, ўқув муассасаларининг ўқитувчилар йиғинларида, маҳалла раиси ва унинг фаоллари ҳузурида ва “Қамолот” ЁИХ жойлардаги бўлинмаларида тинглаб бориш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон мустақил бўлган даврдан бошлаб ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, вилоятдаги мавжуд барча таълим муассасаларида –ўқувчилар талабалар, профессор-ўқитувчилар ва тарбиячилар орасида ҳуқубузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш борасида видеофильмлар намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Давлат йўл хизмати бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим мактабларида Йўл ҳаракати хавфсизлиги машғулотлари ўтказилиб, маҳалла ҳудудидаги йўллардан эҳтиёт бўлиб ўтиш чора тадбирлари ўтказилди.. Бундан ташқари болалар боғчаларида ҳамда муассаса жамоалари ўртасида “Йўл ҳаракати қондаси- умр фойдаси” эканлиги тушунтирилиб, кичик-кичик суҳбатлар мунтазам ўтказилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ҳар

йили ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда “Яшил чирок” мусобақалари мунтазам равишда ўтказилиб, бунинг натижасида вояга етмаганлар ўртасида йўл транспорт ходисалари камайди. Талаба-ўқувчилар ўртасида ҳуқубузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни ҳамда ёнғин ва йўл ҳаракат хавсизлигини олдини олиш борасида кўргазмали лавҳалар ҳамкорликда таъминланди. Тегишли ташкилотлар билан фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда талаба ўқувчилар ўртасида ҳуқубузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни ҳамда ёнғин ва йўл ҳаракат хавсизлигини олдини олиш борасида мактабларда, коллеж ва лицейларда кўргазмали лавҳалар ёритилди.

“Оила, маҳалла, мактаб” ҳамкорлиги концепцияси асосида бир қатор тадбирлар белгиланиб, ушбу тадбирлар асосида режали иш олиб борилиб, оммавий ахборот воситалари ва телевидение ходимлари ва алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида қатор кўрсатувлар ва мақолалар тайёрланиб, кенг жамоатчилик омма ҳукмига ҳавола этилди.

Мустақиликни дастлабки даврдан бошлаб вояга етмаганлар ва ёшлар орасида қаровсизлик, назоратсизлик, ҳуқубузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни диний экстремизм, терроризм, мафкуравий ҳуружлар ҳамда онгини захарловчи ҳар қандай ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғармаси томонидан муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллаларнинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилояти, Қарақолпоқистон Республикасида, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятларидаги милиция таянч манзилгоҳларида ибратли ишлар қилиниб, милиция таянч манзилгоҳларида спорт майдончалари ташкил этилиб, болалар спорт билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказди. Бундан ташқари маҳалла гузарлари кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида эркаклар ва аёллари сартарошхонаси, тикувчилик, оёқ кийимлар таъмирлаш устaxonалари ташкил

этиб, уларда маҳалла ёшларига машғулотлар ўтказилди. Республика маҳаллаларида амалий ҳамкорликдаги тадбирларнинг аҳамияти ва унинг натижалари ҳар томонлама ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келди.

Маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари ҳамкорликда Республика “Маҳалла” жамғармаси ташаббуси билан маҳалла ҳудудларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиб, “Хизбут таҳрир”, “Ваҳобийлик”, “Нурчилик” ва “Диний фундаментализм” ҳаракатларнинг моҳиятини аниқ мисоллар билан етказиш, соғлом турмуш тарзи тарғибот ташвиқот қилинди. Мустақилик йилларида республика “Маҳалла” жамғармасининг вилоят, туман, шаҳар бўлинмалари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг жинойтчилик ва назоратсиз қилишнинг олдини олишга ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, диний экстермизим ва ақидапарастликни олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

. Ушбу тадбирларда ёшлар иштирок этиб, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ёрдамида ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан сақлаш, уларни бу оқимларга кириб қолмаслик чоралари кўрилди...

Республика “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида маҳаллаларда 2010 йил ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш мақсадида “Терроризмга қарши кураш”, “Терроризм ва унинг салбий оқибатлари”, “Одам савдосига қарши кураш”, “Ватан остонадан бошланади”, “Ватанни асраш олий саодат”, мавзуларидаги давра суҳбатларида фуқаролар ва асосан ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмун моҳиятини маҳаллаларда тарғиб қилиш бўйича жамғарманинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро учун

жойларга юборилди. 2010 йилда республика маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилояти, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Наманган вилоятларидаги фуқаро йиғинларида диний экстремизм ва терроризмни олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлари ўрганиб чикилиб, бу борадаги хато ва камчиликлар бартараф этиш юзасидан услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

2010 йил вояга етмаганлар ва ёшлар орасида қаровсизлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни диний экстремизм, терроризм, мафкуравий ҳуружлар ҳамда онгини захарловчи ҳар қандай ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Республикадаги маҳаллаларда ёшларни норасмий диний оқимлар таъсиридан сақлаш, уларни бу оқимларга кириб кетишларига йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир таълим муассасасида чуқур диний билимга эга бўлган имом-хатиблар иштирокида ислом динидаги турли мазҳаблар, уларнинг ҳаракатлари, улар томонидан олиб бораётган тарғибот-ташқикот ишлари аниқ мисоллар билан ёритилишини, шунингдек, маърузаларда уларга ёлғон маълумот тарқатаётган, уларни нотўғри йўлларга бошлаётган ғараз мақсадли кимсалар қандай йўللardan фойдаланилаётганликлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли кучлар Олий бош қўмондони И.А. Каримовнинг Қуролли кучларнинг 20-йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларига йўллаган мурожаатида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлиги ва республика “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги, Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Мудофаага қўмаклашувчи “ВАТАНПАРВАР” ташкилоти, Республика “КАМОЛОТ” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” ва “Нуроний” жамғармалари, “Оила” илмий-амалий марказининг чақириққача бўлган ёшлар ҳамда ҳарбий

хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 сентябрдаги “Мудофаа вазирлиги, Вилоят Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан маъсулиятини ошириш тўғрисида” ги 333-сонли Қарори ижроси таъминланди. Ушбу қарор асосида фуқароларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишни ҳисобга олган ҳолда уларнинг Қуролли Кучлар сафига муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаш ва чақириш ташкил этилди. Шунингдек, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш тизими армияга чақирилаётган ёшлар учун ҳолис, адолатли, қонунга тўла мувофиқлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва миллий истиқлол ғояси тарғиботига йуналтирилган тадбирлар маҳалаларда ўтказилди. Ҳарбий хизматчилар орасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш ва онгига чуқур сингдириш мақсадида ҳарбий қисм ва муасссалар, ҳарбий билим юртларида, сержантлар тайёрлаш мактаблари ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарварлик» ташкилоти ўқув муассасаларида «Маънавият тарғибот маркази» билан ҳамкорликда конференция, семинар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Республикадаги барча ҳарбий қисмларда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари, ҳарбий қисмларда маънавий-ахлоқий жихатдан ва руҳан тетик, касбан лаёқатли ёшларнинг жамиятимизда ҳарбий хизматчиларга миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдириш мақсадида учрашувлар ўтказилди.

Республикада мустақиллик йилларида барча олий ҳарбий таълим муассасалари, коллеж ва лицейларда чақириққача бўлган ёшларни ва ҳарбий

хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқув муассасалари хизматчи ва талабалари, тегишли ташкилот раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, саънат ва фан арбоблари томонидан миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Ватан ягонадир – ватан биттадир”, “Шу Ватан барчамизники”, “Ўзбекистон умумий уйимиз” мавзуларида кечалар ташкил этилди ва суҳбатлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларига мурожаатида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда халқ ва армия узвий боғлиқлигини янада мустаҳкамлаш бўйича маҳаллларда суҳбатлар ўтказилди. Шунингдек, ҳарбий хизматда юқори натижаларга эришаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналарини шарафлаш кечалари ташкил этилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда Мустақиллик ҳимояси йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидан хабар олиш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш борасида тadbирлар ўтказилади. Республика маҳаллаларида “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, шаҳар, туман ҳокимликлари ва фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда давлат чегараларини ҳимоя қилишда, Ватанимиз хавсизлигини таъминлашда ҳалок бўлган чегара-жангчилар хонадонларига ташриф буюришиб, оила аъзоларидан хабар олинди. Ҳарбий қисм ва муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ва муҳим саналари:

14 январь-Ватан ҳимоячилари куни:

8 март-Халқаро Хотин-қизлар куни:

21 март-Наврўз байраи:

9 май-Хотира ва қадрлаш куни:

2 июль- Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинган куни:

1 сентябрь- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами:

21 октябрь- Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақидаги Қонун” қабул қилинган куни:

18 ноябрь- Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган куни:

8 декабрь- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куни:

10 декабрь- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси қабул қилинган кунларини ва шунингдек буюк аجدодларимиз Ж.Мангуберди, А.Темур, М.Улуғбек, А.Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Зулфия ва бошқаларнинг таваллуд кунларини байрам сифатида нишонлашни ташкил этилиб ва турли маданий маърифий, тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Мустақиллик йилларида ватан ҳимоячиларига бағишлаб ташкил этилган 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан республикадаги маҳаллаларида, ёшлар ўртасида, халқ таълими мактабларида, Республика Олий таълим муассасаларида шунингдек чақириққача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматчилар орасида ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияни кўчайтириш мақсадида “Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак”, “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон” мавзуларидаги суҳбатлар ва учрашувларда ёшлар иштирок этиб, ватанга садоқат руҳида тарбияланмоқда.

Республика маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан сафарбарлик чақирув резерви хизматига олинувчиларнинг оилавий аҳволи атрофлича ўрганилиб, уларга тавсифнома берилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг алоҳида рўйхати тузилиб, мудофаа ишлари бўлимлари ташаббуси билан туманлардаги турли ишлаб чиқариш муассасаларига, корхоналарга меҳнат шартномаси асосида ишга жойлаштирилди.

Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Қарақолпоқистон Республикаси, Тошкент вилояти, Андижон, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилоятлари маҳаллаларида

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан ватанимиз сарҳадларини кўриқлаш, чегара олди ҳудудларида аҳолининг осойишталигини таъминлаш, Қонуннинг мазмун моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Чегара ҳудудидаги маҳаллаларда, қишлоқларда яшайдиган фуқаролар билан ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш, ноқонуний товарларнинг кириб келиши, жинойтчилик ва ҳуқубузарликни олдини олиш, диний экстремистик оқимларга қарши кўраш бўйича суҳбатлар ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан сафарбарлик чақирув резерви хизматиға олинувчиларнинг оилавий аҳволи атрофлича ўрганилиб, уларға тавсифнома берилиб ,кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг алоҳида рўйхати тузилиб, муҳофаа ишлари бўлимлари ташаббуси билан туманлардаги турли ишлаб чиқариш муассасалари томонидан амалий ёрдамлар берилди. .Маҳаллалар ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ахлоқий-тарбиявий ишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика “Маҳалла” жамғармаси оммавий ахборот ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли Фармони асосида республика маҳаллаларда ёшлар ва аҳоли ўртасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, келажакда мустақам оила тузишга асос бўлишига оид турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди.. Оммавий ахборот воситаларида махсус кўрсатувлар ташкил этилиб, унда никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг афзаллиги ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, ФХДЁ бўлими, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа мутассадди ташкилотлар ҳамкорлигида “Никоҳланувчи шахсларни тиббий

кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти”, “Қариндошга қиз берманг”, “Бир-бирига яқин бўлган қариндошларнинг қуда бўлишининг салбий оқибатлари”, “Сиз оила қуришга тайёرمىсиз” мавзусида маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида, лицей ва коллежларда ҳамда олий ўқув юртларида суҳбатлари, туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ҳамда Ўзбекистон телевидениясида “Оила ва никоҳ”, “Аёллар саломатлиги йўлида” рукни билан эшиттириш ташкил этилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси 2009 йил 25 декабрдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Президент қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан кенг халқ оммаси орасида қонунчилик тарғибот ишларини ташкиллаштириш мақсадида республика шаҳар ва туманларда маҳалла фаоллари иштирокида семинарлар ўтказилди. Ишчи гуруҳлар томонидан “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Президент қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан маҳаллаларда аҳоли орасида тарғибот ишлари мунтазам олиб борилди. Ушбу учрашувларда аҳоли орасида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб боришда маҳалла кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш, ҳар бир фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари, зиёли, обрўли инсонлар иштирокида жамоатчилик кенгашлари тузилди. Республика “Маҳалла” жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан маҳаллаларда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб боришда маҳалла кенг жамоатчилик таъсирини кўчайтириш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинларида маҳалла фаоллари, зиёли, обрўли инсонлар иштирокида жамоатчилик кенгашлари тузилиб, тарғибот ишлари ташкиллаштирилди. Республика “Маҳалла” жамғармасининг вилоят бўлинмалари ҳамда ҳар бир фуқаролар йиғинларида одам савдосининг салбий оқибатлари ва бу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот бурчакларини ташкил этилиб ва керакли қўлланма билан тўлдирилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқамаси билан ҳамкорликда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги буклетлар барча фуқаролар

йиғинларига етказиб берилди.

Республикадаги Маҳалла фуқоралар йиғинида одам савдосига қарши курашиш бўйича тарғибот ташвиқот бурчаги ташкил қилиниб, жумладан республика “Маҳалла” жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари, ҚФЙ, МФЙларга “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун одам савдосига қарши курашиш бўйича қўлланма” китоби ва “Огоҳлик – давр талаби” рисоалари тарқатилди. Одам савдоси билан боғлиқ бўлган тизимнинг фаолиятдаги ҳисобот кўрсаткичларининг алоҳида юритилиши ва маълумотлар баъзасини яратиш мақсадида қонуний ва ноқонуний чет давлатларга кетувчиларни ҳамда номаълум сабабларга кўра уйида йўқ бўлган фуқароларни рўйхатга олиш китоби ишлаб чиқиш мониторинг қилиб борилди. Республика Ички ишлар вазирлигида Одам савдоси билан боғлиқ бўлган тизимнинг фаолиятдаги ҳисобот кўрсаткичларининг алоҳида юритилиши ва маълумотлар баъзасини яратиш мақсадида марказ ташкил қилинган бўлиб, мунтазам маълумотлар жамланиб борилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси томонидан Одам савдосидан жабрланган фуқаролар ҳақида маълумотлар баъзасини яратиш, номаълум сабабларга кўра уйида йўқ, ноқонуний четга кетган фуқаролар, айниқса хотин-қизлар ва вояга етмаганларни аниқлаш, уларнинг оилаларининг моддий, маънавий аҳволини ўрганиб чиқиб, ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир маҳаллада Одам савдосидан жабрланган фуқаролар ҳақида маълумотлар олиниб, номаълум сабабларга кўра уйида йўқ, ноқонуний четга кетган фуқаролар, айниқса хотин - қизлар аниқланди ва вояга етмаганларни аниқлаш, уларнинг оилаларининг моддий, маънавий аҳволини ўрганилиб, зарур ҳолларда ижтимоий қўллаб қувватланди. Кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, халқаро ташкилотлар, мутасадди ташкилот вакиллари иштирокида Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатишнинг механизмларини такомиллаштириш масалаларида давра суҳбатлари ўтказилди. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

ижросини таъминлаш мақсадида вилоят телеведениеси орқали мунтазам равишда реклама роликлари намойиш этилди. Шунингдек маҳаллаларда график асосида аҳоли ўртасида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди..

Ўзбекистон Миллий Драма театри ходимлари томонидан республикадаги барча вилоят, шаҳар ва туман маданият уйларида “Одам савдоси –қуллик балоси” мавзусида спектакллар намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида “Алданиб қолманг”, “Қулликка рози бўлманг» каби мавзуларда аҳоли ва ёшлар орасида учрашувлар ўтказилди. “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими ва бўлинмалари ходимлари томонидан ҳар ҳафтанинг пайшанба маҳалла кунида одам савдосининг олдини олиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғармаси томонидан маҳаллаларда халқ таълими мактабларида ўқувчиларни дарсдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этди. Маҳаллаларда ёшларни, айниқса хотин- қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни ташкил этиш бўйича алоҳида тадбирлар ташкил этилди..

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатиб,, уларда ўқувчи-ёшлар спорт турлари бўйича спорт секцияларида шуғулланди. Республика “Маҳалла” жамғармаси , Соғлиқни сақлаш вазирлиги ,Халқ таълими вазирлиги “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши ҳамкорлигида 2011 йилда муҳим аҳамиятга оид амалий ишлари қилинди. Жумладан, Республика Халқ таълими вазирлиги тизимида 2011 йилда стадион, спорт зал, футбол, мини футбол, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, теннис, енгил атлетика майдонлари тўлиқ қайта таъмирланди ҳамда янги замонавий лойиҳа усулида қурилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси “Ёшлик” кўнгилли Спорт Жамияти Кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун таълим муассасаларида спортнинг бадиий ва

спорт гимнастикаси, стол тенниси, енгил атлетика спорт турлари бўйича спорт секцияларини кўпайтириш бўйича барча таълим муассасаларига топшириқлар берилди. Республика „Маҳалла“ жамғармаси ҳамкорлигида маҳаллаларда республика ва вилоят Халқ таълими тизимидаги футбол мактаб-интернатлари ўртасида “Футбол шоу” бўлиб ўтди. Ушбу “Футбол шоу”да барча футбол мактаб интернатлари жамоалари иштирок этишиб , мусобақанинг ғолиб жамоалари вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва вилоят “Ёшлик” КСЖ Кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғармаси аҳолининг ночор қатламлари—мухтож оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни аниқ, йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоратadbирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш йўналиши бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан ишлаб чиқилган тадбирларга асосан жойлардаги бўлимлар ҳамкорлигида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ, йўналтирилган ижтимоий ҳимоялашни кўчайтирди..

Саховатпеша инсонлар юртимиз келажаги ҳисобланган болаларни юртга содиқ, инсонлар қилиб тарбиялаш, оилавий шароити Оғир ва боқувчисини йўқотган хонадонларнинг фарзандларига мадад қўлини чўзиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий ғамхўрлик кўрсатилди.

Республика маҳалла жамғарма фаоллари ташаббуси билан “Устоз-шогирд” усули асосида касб-ҳунар ўрганишга қизиққан кам таъминланган оила болаларидан ҳар маҳалладан бир нафар қиз ва ўғил болалар рўйхати олиниб, касб-ҳунарга йўналтириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди.

Республикада хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича маҳаллаларда муҳим аҳамиятга эга ишлар қилиниб, шунинг билан бирга маҳаллаларда

ободончилик ишларини янада яхшилаш, тўй ва маросимларнинг ихчам, ортиқча чиқимларсиз ўтказишга алоҳида эътибор берилиб турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Маҳаллаларда миллий анъаналарни ва қадриятларни тиклаш ҳамда кам таъминланган, серфарзанд, ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга моддий кўмак бериш, оилаларни мустаҳкамлаш, йигит ва қизларни турмушга тайёрлаш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашда амалий ишлар қилиниб ибрат мактаблари ташкил этилди. Ўзбек халқи маънавиятидаги энг илғор ахлоқ-одоб қоидаларини ёш авлод онгига сингдиришда шаҳар ва туманлар маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятдан юқори самара билан фойдаланиб, маслаҳатчиларга хос иш дастурлари ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларда, яъни кўпроқ қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда биринчи ва энг муҳим қадам уларни иш билан таъминлаш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Жамиятда аёл иш билан банд бўлмаса, ижтимоий жиҳатдан фаол бўла олмайди, шу сабабли манзилли ҳақиқий ишга муҳтож аёлларни аниқлаб, уларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши, касаначилик, уста-шогирд, хунаромандчилик ишлари ривожлантирилди.

Маслаҳатчилар оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлашда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши, тегишли масалалар бўйича Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятига тегишли ҳужжатлар бўйича амалий натижалар амалга оширилди.

Республикадаги маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар жойларда оилалар билан яқин мулоқотда бўлишиб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида иш олиб бордилар. Махсус дастур асосида диний маърифат ва маънавий –ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун

амалий учрашувлар ташкил этилиб, зарур маълумотлар ва тажрибалар алмашилди.

Республика маҳаллалардаги ҳудудий хотин-қизлар қўмитасида ишловчи ходимлар ва заҳирада турган кадрларнинг малакасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, ушбу масалада муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги, “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорликда вилоятда фаолият юритаётган отинойилар қайта рўйхатдан ўтказилиб, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда қисқа муддатли ўқувлар ташкил этилиб, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш малакаси шакллантирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти яхши натижаларга эришиб, жумладан Тошкент, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Хоразим маҳалла маслаҳатчилари фаолияти ибратли бўлиб, маънавий-маърифий йўналишларда оилани мустаҳкамлаш билан боғлиқ тадбирлар бажарилди. Маҳаллаларда олиб борилган ижобий тадбирлар туфайли хотин-қизлар ўртасида Қарақолпоқистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятларида ибратли оила мавзусида республика миқёсида фаол натижаларга эришилди.

МАҲАЛЛАЛАРДА ТИББIIY МАДАНИЯНИНГ ТАКОМИЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси “МАҲАЛЛА” жамғармаси томонидан мустақилик йилларида “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий маданиятини ошириш” бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар амалга оширилди. Республика маҳаллалари томонидан хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оилалар маънавий муҳитини соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртасидан турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллалардаги аҳоли, айниқса

ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш бўйича маҳаллаларда маҳалла диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маҳаллада тиббиёт ходимлари томонидан ҳар ҳафтада бир маротаба ҳар бир маҳаллада маҳалла раиси ва соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари билан ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданиятни ошириш масаласида семинар ўқувлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Жумладан республика маҳаллаларида соғлиқни сақлаш ва ФХДЁ ходимлар иштирокида “Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш”, “Ёш ва кекса, тез-тез ва кўп тўққан аёлларнинг нохуш ҳомиладорлигининг олдини олиш”, “Туғруқлар орасидаги мақбул ораликқа риоя этиш зарурияти”, “Контрацептивларнинг замонавий турлари” мавзуларда семинарлар, учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, вилоятларда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар доимий ҳарқатдаги ўқув семинарларида репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқитилди.

Маслаҳатчилар олган билимларини маҳаллада ўз иш фаолиятида қўллашмоқда, тиббий маданиятни оширишда миллий урф-одатларни тарғиб ва ташвиқ қилишмоқда, натижада халқимизнинг тиббий маданияти даражаси ошганлигини ўз ихтиёрлари билан онгли равишда тиббиёт муассасаларига соғлиқларини қайғуриб мурожаат қилишди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

2002 йил октябр ойидан бошлаб БМТнинг USAID ташкилоти донорлиги асосида Халқаро НОРЕ проекти республикада иш бошлаб, республика болалар шифохонаси таркибида НОРЕ проектининг оффиси тўлиқ таъмирланди. “Болалар касалликларини интегрирлаштирилган усулда олиб бориш” ўқув марказлари Қарақолпоқистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Тошкент вилоятларида таъмирланиб, вилоятлардаги туғруқ комплекслари “Болаларга дустона муносабатдаги шифохона” халқаро сертификатини олди. Тшкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд

вилоятларидаги “Маҳалла” жамғармалари ва вилоят Хотин-қизлар кўмитаси ва Халқаро “Соғлом оила” лойихаси ҳамкорлигида маҳалла фаоллари учун кўкрак сути билан боқиш, репродуктив саломатлик, бехатар оналик дастурлари бўйича семинарлар ташкил қилинди.

Республика маҳаллалардаги ёшлар ўртасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтишга тайёрлаш борасида ФХДЁ бўлимлари қошида “Ёш оила” мактаблари ташкил этилиб, турмуш қуриш арафасида бўлган келин-куёв тиббий кўриқдан ўтказилиб, диспансер назоратига олинган. Никоҳланувчи ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, ФХДЁ ҳузуридаги доимий ишловчи курсларда келин-куёвлар соғлом турмуш тарзи бўйича ўқитилди.

Маҳаллалардаги никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман поликлиникаларида тиббий кўриқдан ўтувчилар учун барча шарт шароитлар яратилди. Никоҳланувчилар 5 та касаллик бўйича уролог, гинеколог, терапевт, эндокринолог, УЗИ ва теританносил, сил, наркологик ҳамда руҳий асаб касалликлари диспансерлар кўриги мунтазам фаолият кўрсатди.

Республикадаги маҳаллалар “Ижтимоий ҳимоя” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг реабилитация техник воситалардан фойдаланишлари учун вилоятларда прокат пунктлар ишга туширилди. “Маҳалла” жамғармаси ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма қарорга асосан ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтириш мақсадида ногиронларга ногиронлик аравачаси ҳасса, қултиқ таёқлар олиб берилди.

Республикадаги маҳалла фуқаролар йиғинларида мустақиллик йилларида соғлом авлод туғилиши ва репродуктив саломатлик тўғрисида семинарлар ўтказилиб, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиди.. Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масалаларини ёритиш бўйича илмий амалий конференция, семинар ўтказилди.. Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпания ҳузурида доимий ишлайдиган махсус

иждий гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, “Соғлом авлод туғилиши ва репродуктив саломатлик тўғрисида” мавзусидаги учрашувлар оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Барча вилоятлар, шаҳар ва туманларда маҳаллалар ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда “Репродуктив саломатлик, кариндош уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари” мавзуларида семинар, ўқувчи қизлар ўртасида оила ва никоҳ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари олиб борилди.

Қарақолпоқистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Наманган вилоятларидаги маҳаллаларда Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилиб, контроцептив воситаларни қўллашни кескин кўпайтирилди. Республика маҳаллаларда тиббий маданиятни ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарадорлигини оширилиб, ҳар бир таълим муассасасида репродуктив саломатликни, оила муқаддаслигини, менталитетимизга зид бўлган иллатларни олдини олиш мақсадида қизлар билан бир қаторда йигитлар орасида ҳам маънавий-маърифий тарбиявий ишлар мунтазам олиб борилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги ПК-1144 сонли қарорининг 5 банди ижросини таъминлаш мақсадида “Аҳоли орасида, айниқса хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом болалар туғилишига тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушунтириш ишларини ташкил қилиш” бўйича 2009-2013 йилларга мўлжалланган кўшма чора-тадбирлар режаси 2010 йилда муккамал амалга оширди.

Республикадаги маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” 2009 йил 1 июлдаги ПК-1144-сон қарорининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда аҳоли, хотин-қизлар орасида,

ўқув ва таълим муассасаларида ёшлар ўртасида кенг тарғиб этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтирилди.

Соғлом оилани шакллантириш ҳамда соғлом авлодни вояга етказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказиш, баркамол авлодни ҳаётга келтириш, фертел ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болаларни соғлиғини тиклаш учун бирламчи бўғин шифокорларига амалий ёрдам бериш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ойлик иш режаси ва ҳудудларга чиқиш жадвалига асосан маҳаллаларда учрашув ва оилалар билан суҳбатлар ўтказилди. “Соғлом она - соғлом бола”, “Соғлом фарзанд соғлом жамият пойдевори” мавзуларида тадбирлар ташкил этилди, эслатма ва буклетлар орқали аҳолининг турли қатламларининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Вилоят “Репродуктив саломатлик маркази” томонидан интергенетик “туғруқ оралиги” мавзусида буклетлар ишлаб чиқилиб МФЙ ва КВП ларга, ФХДЁ бўлимларига тарқатилган. Коллеж ва академик лицейларда “Ёш оила қурувчилар мактаби” ташкил этилиб, оила оила муқаддаслиги, никоҳгача тиббий кўрикнинг моҳияти каби мавзуларда 586 та тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

Республика “Маҳалл” жамғармаси ҳамкорлигида Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республика Кенгаши ва ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда “Никоҳ ва Қонун”, “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик асослари”, “Тиббий кўрикнинг афзалликлари”, “Тиббий кўриқдан кейин ФХДЁ бўлимларида никоҳни қайд этиш тартиблари”, “Бахтли келажагингиз ўз қўлингизда” каби мавзуларда фуқаролар йиғинларида, ўқув муассасаларида “Ҳаммаси оилага боғлиқ”, “Соғлигингиз ўз қўлингизда”, “Соғлом оила-давлат таянчи” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар, кечалари ўтказилди. Болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари орасида оила муқаддаслиги, никоҳгача

тиббий кўрикнинг моҳияти каби мазмундаги “Бахтли келажагингиз ўз кўлингизда”, “Соғлигингиз ўз кўлингизда” мавзуларида учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишининг аҳамияти ва ёшлар тарбияси ҳақида “Соғлом она-соғлом бола” мавзусида ўқув ва таълим муассасаларида, маҳаллаларда акциялар ўтказилди. Ёзги болалар оромгоҳларида ва коллеж ва мактаб ўқувчи қизлари орасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти ва ёшлар тарбияси ҳақида “Соғлом она-соғлом бола” мавзусида ўқув ва таълим муассасаларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси маҳала аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш масалаларига оид “Соғлом она-соғлом бола”, “Соғлом фарзанд келажакнинг пойдевори” мавзуларида буклет ва эслатмаларни жойларга етказиш. “Соғлом она – соғлом бола”, “Соғлом фарзанд-соғлом жамият пойдевори” мавзуларида тадбирлар ташкил этилди, эслатма ва буклетлар орқали аҳолининг турли қатламларининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Оилада соғлом бола туғилиши ва тарбияси билан жиддий шуғулланиб, ҳар томонлама баркамол, етук фарзандларни тарбиялаган намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини тарғиб этиш мақсадида “Соғлом оила” кўрик-танловини ўтказилди. Белгиланган режага асосан “Соғлом оила” мусобақасининг 1 босқичи маҳаллаларда, 2-босқичи шаҳар ва туманларда, 3- босқич вилоятда ўтказиб келинди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида ва тиббий кўриқдан ўтамасдан турмуш қуриш ҳолатларининг салбий оқибатлари тўғрисидаги тарғибот ишларининг самарадорлигини оширилди. Вилоятдаги барча маҳаллаларда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оила ва никоҳ муқаддаслигини тарғиб этиш мақсадида “Оила муқаддас даргоҳ”, “Оилада ота-онанинг мажбуриятлари”, “Фарзандларнинг

ота-она олдидаги бурчлари” каби мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Маҳаллаларда меҳнат бўлимларига мурожаат қилганларни иш билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилиб, ушбу мақсадида Микрокредит банк имкониятларидан фойдаланиш, касаначиликни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Маҳаллалардаги фуқароларнинг онгли равишда чуқур тиббий кўриқдан ўтказиб, оилаларда маънавий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий, маданий билимларини ошириш мақсадида оммавий тарбиявий тадбирларни кўплаб ўтказилди.

Республикадаги маҳаллаларнинг чекка ҳудудлари, айниқса қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги фермер хўжалиги далаларида ишловчи хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш юзасидан тарғибот ишларини кўчайтирилди. 2010 йил якунида туман марказларидан узоқ бўлган ҳудудлардаги фермер хўжалиги далаларида ишловчи хотин-қизлар саломатлиги муҳофазасини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари белгиланди. Бунда аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғиб этиш мақсадида Махсус жамоатчилик кенгашлари тузилди. Кенгаш аъзолари функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилди. Махсус жамоатчилик гуруҳлари барча шаҳар ва туманларнинг, маҳалла фуқаролар йиғинларида ўзларининг иш фаолиятларини олиб борилди.

Маҳалла аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш, соғлом оилаларни шакллантириш юзасидан “Маҳалла” хайрия жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш ва ижобий тажрибаларини кенг оммалаштириш амалиёти жорий этилди.

Маҳалла аҳолиси ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғибот,

ташвиқот қилиш. “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги турли йўналишлар бўйича комиссиялар ва кенг жамоатчилик фаоли 2010 йилда ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган жадвал асосида “Фарзандлар тарбиясида ота-онанинг вазифалари”, “Оилада отанинг ўрни” мавзуларида ҳар бир оилада эркаклар масъулиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш мақсадида фертил ёшидаги аёлларни вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб, исталмаган хомиладорлик ҳамда ёш ва катта ёшли аёллар орасида туғруқ кўрсаткичларининг олдини олиш мақсадида туманларда ҚВПлар ва шаҳар поликлиникалари, аёллар маслаҳатхоналарида контрацептик воситалардан кенг қўламда фойдаланилди.

Республика маҳаллаларда оилада никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ҳамда тарғибот ишларида фуқаролар йиғинлари таркибидаги Тўй-ҳашам ва маросимларни ўтказиш комиссияси фаолияти кенг йўлга қўйилди. Ёшларнинг репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича билимини ва тиббий маданиятини ошириш, ҳамда аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш ишларини узлуксиз равишда ташкил этиш мақсадида “Бахтли она бўлинг”, “Ёш оналарга”, “Азиз келин куёвларга” ва “Ўсмирлик даври ҳақида”, “Уғил болалар балоғат даври” ва “Қиз болалар балоғат даври” мавзусида брошюралар олиб келиниб тарқатилди. Вилоятдаги барча маҳаллаларда Тўй-ҳашам ва маросимларни ўтказиш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилди. Расмий никоҳдан ўтмасдан шаърий никоҳ билан яшаётган оилалар аниқланиб, улар билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилиб, оила қурувчи ёшларнинг рўйхати шакллантирилган, улар билан тиббий кўрик, никоҳ муносабатлари ва оила масъулияти ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Никоҳ тўйларини ўтказишда тежамкорликка амал қилиш, тўйларни камҳаражат ўтказиш бўйича маҳаллада ташкил этилган комиссиялар аъзолари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Мустақилик йилларида республика маҳаллаларида Оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, миллий кадриятларни тарғиб этишда фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари амалга оширилди. Аҳолининг кенг қатламлари, айниқса хотин-қизлар ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кенг тушунтириш, тарғибот ишлари ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Республика оммавий ахборот воситалари ва масъул ташкилотларнинг нашрлари орқали соғлом оилани шакллантириш, соғлом авлодни ҳаётга келтириш ва тарбиялашнинг аҳамияти аҳоли қатламларига етказилди. 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари барча ҳудудий газеталарда “Саломатлик туман бойлик”, “Эл соғлиги юрт бойлиги”, “Билиб қўйган яхши”, “Соғлом бола-юрт камоли”, “Шифокор минбари”, “Сўраган эдингиз...”, “Саломатлик сирлари”, “Оила ва жамият”, “Соғлом авлод” мавзуларида жойлардан тайёрланган маълумотлар ҳамда шифокорлар маслаҳатларидан иборат эшиттиришлар, ушбу мавзуларда кўрсатувлар, “Репродуктив саломатлик, никоҳ тартиби, соғлом оила, оналар ва болалар саломатлиги” мавзусида телерадиокомпания томонидан тайёрланган ижтимоий роликлар мунтазам намойиш этилди. Вилоят газеталарида ҳамда шаҳар ва туманлар газеталарида “Репродуктив саломатлик”, “Соғлом она-соғлом бола”, “Баркамол авлод юрт келажаги” мавзуларида мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистонда мустақилик йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг кенг қатламлари орасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш профилактикаси бўйича чора-тадбирлар дастурининг Республика “Маҳалла” жамғармаси томонидан муҳим аҳамиятга эга ишлар бажарилди. Республика “Маҳалла” жамғармаси томонидан ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси чора-тадбирлари дастурининг ижроси

юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг кенг қатламлари орасида йиғилишлар ўтказилди. Республика вилоятлардаги барча маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг кенг қатламлари орасида “Саломатлик ва тиббий статистика” институти ва вилоят “Саломатлик” марказлари ходимлари, вилоят, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари ходимлари ҳамкорлигида ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича маърузалар ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоятлар бўлими, ҳудудий тузилмалари “Маҳалла” жамғармаси 19-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-1114-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳалла” жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарининг ҳар чоракда амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қишлоқ врачлик пунктлари, фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда маслаҳатчилар фаоллигида ҳудудлардаги туғиш ёшидаги аёлларни жадвал асосида тиббий куриқдан ўтказилди. Жамоатчилик кенгаши туман тиббиёт бирлашмалари қошида Қишлоқ врачлик пунктининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий ва ёрдамчи ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

МАҲАЛЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАН- АЛАРИ.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан маҳаллаларда ҳунармандчилик анъаналари кенг ривожланиб, ҳар бир маҳалла ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулоти билан бозорларда танилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки маҳалладаги ҳар оила ўзининг азалий ҳунари билан истиқомат қилаётган гузарларни ишлаб чиқарган маҳсулотлари номи билан атаганлар. Маҳаллаларга келган савдо карвонлари ушбу касб- ҳунар гузарларида бўлиб маҳсулот

айробошлаганлар ҳамда маҳалладаги энг ноёб маҳсулотларни узоқ юртларга олиб бориб маҳалла хунаrmандлари ҳақида маълумотларни тақдим этганлар. Мустақилик туфайли қадимий хунарлар қайта тикланиб, унитилган хунаrmандчилик гузарлари маҳаллалар ихтиёрида янги замонавий усулда иш бошладилар. Ўзбекистондаги Сиёб, Қукон, Марғулон, Чорсу, Бешёғоч, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Денов, Ургут, Қарши. Тўрткўл, Фарғона, Чуст, Бойсун, Шеробод каби маҳалла гузарлари яна қад ростлаб ўз маҳсулотлари билан Ўзбекистон тамғасида жаҳонга танилди. Республика маҳаллаларида кенг тарқалган хунарлардан бири Кулолчилик бўлиб – хунаrmандлар лойдан турлитуман идиш, буюм, қурулиш материаллари ва бошқа ишланадиган маҳсулотларни, яъни махсус тупроқдан қорилган лойдан пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир ва бошқа буюмларни тайёрлаб, уларни сирлаб, безаб, хумдонда пишириш билан шуғулланади. Асосий асбоби-чарх. бўлиб, чархда тупроқдан лой тайёрлаб, ундан турли идишлар тайёрлашни одамлар неолит даврининг бошларидаёқ (милоддан аввалги 5 минг йиллик) билганлар.

Дастлаб кулолчилик билан аёллар шуғулланган. Милоддан аввалги 4 минг йилликларни охирлари (Месопотамия) да ва 3 минг йилликнинг бошлари (Миср) да кулол чархи ихтиро қилинган. Чарх ихтиро қилинган кулолчилик билан эркалар шуғуллана бошлаган (идишлар махсус ўчоқ ва хумдонда пиширилган) VIII-XII асрларда Мовароуннахрнинг барча тоғлик туманларида яшовчи халқларда кулолчилик анча ривожланганлигини археологик қазилмаларидан топилган топилмалар бунинг ёрқин исботидир. Айниқса XIV-XVIII асрларда кенг ривожланган. Кулолчилик маҳсулотларининг шу жумладан идишларнинг шакли асрлар оша давр ва дид талабларига мос ўзгара борди. Ўрта Осиёда сувга бўлган катта эҳтиёж сопол идишларнинг кўпайишига олиб келди. Айниқса ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда кенг ривож топди. Россияда XIX асрда арзонбаҳо чинни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши, марказий Россиядан чинни маҳсулотларини кўп келтирилиши Мовароуннахрдаги кулоллар бозорини бир мунча сусайтирди. Лекин арзон сопол идиш ва буюмларга бўлган талаб кулолчиликни узлуксиз давом этишини тақозо этди.

Кулолчиликда асосий хомашё – тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўладиган тупроқларда турли хил кулол маҳсулотлари учун лой тайёрланади. Лой икки соатча оёқ билан тепилиб, муштлаб, пишителиди. Кейин нам матога ўраб қўйилади. Кейинги куни яна бир соатга пишитилгандан сўнг идиш тайёрлашга киришилади. Лой қанча кўп пишитилса, сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Кулолчиликда асосий қурол-чарх. Кулол чархи катта ва кичик икки ёғоч ғилдиракдан иборат бўлиб, ёғоч ўқ билан ўзаро бирлаштирилган. Кулол пастдаги катта ғилдиракни оёғи билан айлантириб туради. Юқоридаги ғилдиракнинг устига лой қўяди, унда идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар қурутилиб, хумдонда қиздирилади. Сирланадиган идишлар эса сирланиб, шундан кейин яна бир марта хумдонда қиздирилади. Республикадаги археологик қазилмалардан топилган манбалардан маълум бўлишича бу ерда кулолчилик милоддан аввал II-IV асрларда ривожланган.

Кулолчилик учун тупроқни кулоллар Риштон, Самарқанд, Бухоро, Шеробод, Тошкент, Наманган, Хоразимдаги шаҳар четидаги тоза сариқ-қизғиш тупроқлардан фойдаланиб, кулолчиликда идишларга қорамтир ялтироқ тус бериш учун кўрғошиндан фойдаланишган. XX аср Марказий Осиё кулолчилигида бунга ўхшаш сопол буюм топилмайди. Лаган нақшлари қалами техникасида бажарилган, унга ёруғ фонга нафис, жимжимадор йирик нақшлар ишланган. Кўк-зангори ва яшил рангда ишланган бу нақшлар жуда чиройли ва жозибадор. Шу пайтгача Бухоро қадимий анъанавий кулолчилиги тўғрисидаги маълумот берувчи манбалар мавжуд эканлиги фанда маълум бўлса-да, аммо унинг намуналари аниқ эмас эди. Бухоро лаган нақшлари анъанавийлигини асрлар оша давом этириб келган.

Қадимдан маҳаллаларда сирланган ва сирланмаган ажойиб кулоллик буюмларини сақлаб, ўрганиб, маҳаллаларда сарғиш-қизил тусли, тўпбарггулли безакгуллар билан нақшланган лаганлар, косалар, сирланмаган кўза, обхўрак (кушлар қафасига қўйиладиган сув идиши), ушпуллак кўзачалар тайёрлаган. Сирланган лаган ва косалар Ургутнинг машҳур сарғиш-қизил керамикаси ўйма нақшлари асосида берилган. Катта лаган нақшлари Бухоро кулоллик мактаби “панжа” безакларига ўхшайди.

Ўйинчоқлар хумдонда пишириб олиниб, ўйинчоқ тайёрлайдиган хумдон тўғри бурчакли печка бўлиб, пастида темир панжараси бор..

Ўзбекистон маҳаллалардаги кулолчилик асослари ва унинг тараққиётини илмий ўрганиш асосида сирланган керамикаси тарихини ўрганиш асосида Бухоро кулолчилигида йўқолиб кетган анъаналарни тиклаш ҳамда Бойсунча хуштак ўйинчоқлар, сирланган сопол идишларини ишлаб чиқарилишни қайта йўлга қўйиш имконияти юзага келди.

Кўнчилик. Ўзбекистон маҳаллаларида аҳолини кундалик талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб чармни қайта ишлашда эчки, қўй, бузоқ, от, хўкиз, сигир, эшакларнинг терисидан замш, сахтиён, юфти туридаги чармлар ясалган. Дехқонобод, Қоракул, Оқдарё, Ургут, Булунғур, Боғот, Сиёб, Чуст ҳунармандлари тиккан сахтиён – саур ўзига хослик билан ажралиб турган: от ёки эшак терисининг ички қисми ингичка ва майда қилиб кесилиб, ичига тарик солиниб, қуритилиб ва уруғлардан тозалагандан сўнг чиройли, ўзига хос сатҳ пайдо бўлган. Мис қириндилари билан бўялганидан сўнг сахтиён чиройли яшилсимон феруза рангга айланиб, сахтиён 32 кун давомида тайёрланиб, 12 кунда чарм қайта ишланиб, тайёр ҳолга келтирилган. Тайёр бўлган чарм 20 кунда бўялган. Саур чарми нақшли ва мустаҳкам бўлиб, тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган чармлар босма нақшлар, занжир кашталар, чоклар, рангли чармдан аппликациялар, металл қопламалар билан безатилган, ёрқин бахмал билан тикиб чиқилиб, ингичка симлар, мунчоқлар, шокилали кўнғироқчалар билан безатилган. Чарм бўялиб, устига нақш солинган. Шу тариқа эркаклар кийими, отларнинг эгар-жабдуқлари, лочин овининг анжомлари безатилган. Кенг шимлар (чамбарлар) – овчи ва спорт мусобақаларида, халқ ўйинларида (отчопарлар, улоқ, поло, кураш) иштирок этадиган одамнинг қулай кийими – сариқ ёки пушти-қизил рангли замшдан тайёрланган (чарм марена ва испарак билан бўяларди). Бой одамларнинг саёҳат ёки лочин овига киядиган

чамбарлари рангли тўпбарггулли нақшлари танбур (занжир) усулида тўқиб чиқарилган. Ипак билан чармда тикиш эркакларнинг иши бўлиб, бугунги кунда ҳам ҳунармандчиликнинг бу тури билан фақат эркаклар шуғулланишади. Бойёвут, Марғулон, Косон, Чорсу, Шайхонтохур, Урганч, Ёждувон, Юрчи Денов бозорларидаги устахоналарида ҳунармандлар ўтириб, улар тез ҳолда, тамбур илгакли чок билан чамбарлар, ёстик-жилдлари, оёқ-кийим, бахмал ва мовут жабдуқ, ёпқичларга чиройли нақшлар солишган. Улар кашталарни ўзларининг кўникма ва ижодий тасаввурларига таянган ҳолда олдиндан расм чизмасдан кашта солишади. Қалин чармдан енгил ва мустаҳкам юк чемадонлари (яхдонлар) қилинган. Тилла-жигарранг чармдан ясалган яхдон, босма нақш ёки нақш ҳосил қилувчи рангли чок билан безатилган, бу нақш ичига саурдан ёрқин ферўза ранг қопламалар киритилган. Шунингдек, осма сумкалар, чарм флагалар ва чинни идишлар (таркаш) учун йўл футлярлари ҳам безатилган. Китобларнинг рангли жилди ва қоғозлар учун папкалар мазкур соҳанинг соф шаҳар турлари бўлган, улар медалонлар кўринишидаги нозик босма нақшлари билан, хошиялари ажойиб ўсимлик мавзулари билан безатилган; баъзида босма матн бутун муқовани эгаллаган.

Материал сифатида ёш бўлмаган молларнинг териси олинади, чунки бу чарм мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Этикларнинг пастки қисми қўлда бажарилган нақш билан, устки қисми машиналарда солинган нақшлар билан безатилган. Ранглар – қора, қизил, оқ бўлиб, иплари – нейлондан материалдан иборат. Республика маҳаллаларида ишлаб чиқарадиган маҳсулот турлари – улоқ учун этиклар, қамчи, ковушлар, маҳсилар ва эгарлардан иборат бўлиб, у асосан буюртма асосида ишлайди. Чармни анъанавий технология асосида қайта ишлайди. Масалан, маҳси тайёрлаш учун таканинг териси олинади. Чармни ишлаш усули жуда осон: тери жунлари ички томонга қилинган ҳолда поҳол билан бирга ўралади. 2-3 кундан сўнг у чирий бошлайди. Сўнг тугун ечилади ва жун ўзидан-ўзи тушиб кетади. Бех (бодом ёки ўрик дарахтидан) қайнатишади ва терига қуйишади, 3-4 кун шу суюқликда ушлаб туришади. Бу ҳол чармга жигарранг бериб, сув ўтмайдиган ҳолга келтиради. Таркибида олтингугурт мавжуд алоҳида навли гилга (зук) сув қўшилади ва бўтқасимон ҳолга келтирилади ва терининг ички қисмига суртилади, бунда тери қора рангга киради.

Шаҳрисабз, Китоб, Андижон, Марҳамат, Ғузор, Муборак, Ромитон, Шеробод, Уйчи каби шаҳарлардаги маҳаллаларда ҳунармандлар рўзғорда кенг тарқалган супраларни дид билан тикиб халқ ўртасида обрў-эътибор топганлар. Ишлатилишига қараб тери ивителиар ва ёғланарди, натижада рўзғорда ишлатиладиган чарм ҳосил бўларди; эчки ва қўй терилари ивителиб, ишлов бериларди. Замш тайёрлаш учун чарм олдин номокоп сувда ивителиар, кейин дудланарди; Сахтиён тайёрлаш учун туз ва мис оксиди ишлатиларди. Бугунги кунда, ўтмишдагидай сингари, чармга ишлов бериш учун қўлда қилинган анжомлар ишлатилади: учлари ташқарига қайрилган думалоқ шаклдаги ўтмас тигли темир ранда-доскун, у билан ивителиган тери тозаланган; терини жундан тозалашда ишлатилган пўлат ранда-ўроқ; пўлатдан ясалган ҳарошак, терини чўзишда ишлатилган ярим доира шаклидаги, тол новдалари билан егилган ва

тортилган ҳолда букланган.

Ёғоч ўймакорлиги. Ёғочга нисбатан ашё, бой ранг ва текстурага эга маҳсулот сифатида қаралиши, унинг кенг қўламда ишлатилишига олиб келди. Хоразим, Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Шаҳрисабз, Наманган, Андижон, Бойсунда ёғочга ишлов бериш ишлари ўз тарихига эга.

Хива, Урганч, Ургурт, Сиёб, Шаҳрисабз, Бухор шаҳар маҳалла гузарларидаги ҳунармандларни ёғоч ўймакорлик бадиий нақш соҳасидаги ишларига дунё лол қолмоқда. Маҳалла гузарларида махсус ҳунармандлар оиласи ёғоч ўймакорлиги асосида рўзғордаги кўпгина буюмларни – турли хил тагликлар, сандиклар, қутичалар, бешиклар, кириш эшиклари, токчаларни безаб турадиган буюмларни тайёрлаганлар.. Аҳолининг ёғочдан ясалган рўзғор буюмларига бўлган талабни дурадгорлар қондирадилар. Турли хил рўзғор буюмлари, уй жиҳозлари ва мусиқа асбобларига безак беришда Ўзбекистон маҳаллаларидаги усталари фақат нақшли ўймакорликни қўллайдилар. Материал сифатида дурадгорлар эса терак, ёнғок, қарағай дарахтларини ишлатишган. Рўзғор учун ишлатиладиган ёғоч буюмлар учун қўлланилган оддий сатҳисиз ўймакорлик халқ санъати тушунчаларига хос ва табиий материалнинг гўзаллигини ифодаловчи сифатини кўрсатади.

Қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларига мўлжалланган сандик, бешик ва бошқа рўзғор буюмларида оддий сатҳисиз ўймакорлик қўлланилган. Сатҳисиз уч қиррали ўйма ва қавсли ўймакорлик нақшларни ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Бундай нақш қутичаларни, ошхона анжомлари ва озиқ-овқатлар учун ажратилган токчаларни, бешиклар, ёғочоёқлар, эгарлар, баъзида ўқловларни безар эди. Ўйма нақшга – учбурчаклар, тўпбарггуллар, қавсчалар, чизиқлар силлиқ буюмларни ёруғлик ва соя ўйини билан жонлантириш эди. Фақат паст шикафчалар ва жавонларнинг олд қисми тўлалигича нақшдан иборат бўлиб, келиб чиқиши қадимги мавзулардан иборат оддий нақшлардан – ўсимликсимон ва геометрик шакллардан фойдаланилган.

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асосий асбоблар-теша, болта, арра, искана, ранда, омбур ва бошқалардир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб усталар ишни осонлаштирадиган ва енгиллаштирадиган дурадгорлик дастгоҳларини қўллай бошлашган, шу сабабли оммавий рўзғор буюмларидан илгари нақшлаб ўйилган қисмларни токарли деталларга алмаштирилган. Илгари ёғоч усталари рўзғорда қўлланиладиган аниқ буюмларни ишлаб чиқарар эдилар. Масалан, бешикчи, тароқчи, сарроқчи дурадгор-усталар мавжуд бўлган. Бугунги кунда ҳамма дурадгорлар кенг мутахассис ҳисобланадилар. Тошкент, Бухоро, Қарши, Андижон, Самарқанд, Денов, Шеробод, Шаҳрисабз бешиклари фақат нақшларни куйдириш ва ўйма усулида бажарилган. Чунки маҳалла бешик усталарининг фикрича, халқ табобати бешикларни бўяшни тақозо етмайди.

Бешиклар конструкцияси оддий: улар лола (харротин дастгоҳида кесиб олинад), қуш (лоланинг учларидаги 2 та вертикал ушлагич), ярим ой шаклидаги ийма, уларнинг орасидаги панжара, каптоли, ўрта қисмлардан иборат. Анъанавий тузилмага қўшимча-чақалоқларнинг сўрғичларини сақлаш учун мўлжалланган тортма киритилган. Бешиклар нақшида каштачилик ва

сандиқларда учрайдиган нақшлар қўлланилади: ой гул, лола гули, панжара ва ҳоказо.

Ёғоч буюмларидан яна бири – жавондир. Тузилиши жиҳатидан у бир ёки икки табақали бўлиши мумкин, олд қисми ўйма нақшлар билан безатилган (уларнинг рангини янгилаб туриш мақсадида, ҳаммаси мовий бўёқ билан бўялган). Жанубий Ўзбекистоннинг кўчманчилик маданиятига тааллуқли турли хил рўзгор буюмлари ҳам ажойибдир. Бу – Мунчок қишлоғидан чинникапгир (пиёлалар учун махсус қути, шуни қайд этиш керакки, чинни идишлар учун чармдан ҳам йўл қутилари тайёрланган). Шунингдек, унинг уйида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ясалган эгарлар, оёқ-кийим қолиплари, халаджи (пахтани уруғдан тозалайдиган қўл дастгоҳи).

Сандиқлар. Бадиий ҳунармандчиликда Ўзбекистон маҳаллаларига хос уйлари жиҳозлашда қадимги анъаналардан кенгроқ фойдаланиб, бунда ҳунармандлар томонидан тайёрланган сандиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Сандиқлар қадимдан тайёрланиб келиб, унинг асосий вазифаси асосан кийимларни, майда рўзгор буюмларни сақлашга мўлжалланган. Фарғона, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз, Бойсун сандиқлар терак, ёнғоқ, қарағай дарахтларидан тайёрланиб, уларнинг олд қисми тунука билан безатилган.

Ҳажми ва тури бўйича сандиқлар икки усулга бўлиниб, сандиқни бирига ўрнатиш усули фақат Наманган, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бойсунда қайд қилинган. Остки сандиқ таглик деб аталиб, олд қисмига ўрнатилган ойнали эшикчасидан очилган, асосан майда рўзгор буюмлари ҳамда идиш-товоқларга мўлжалланган устки сандиқ тузилиши оддий қилиб ясалган ва тепага қараб очилган. Сандиқларнинг устига тахмон (гилам ёки палас нақшига эга бўғжома билан кўрпа, кўрпача, ёстиқлар, тугунлар ёпилган) тахланган. Бугунги кунда кўпгина уйларда сандиқлар мебелнинг ёгона тури бўлиб қолган.

Тунука қоқиб безатилган сандиқлар маълум бадиий аҳамиятга эга, чунки уларнинг безак йўсинларида кўчманчилик анъаналари яққол кузатилади. Тарих тақозоси билан ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида юзага келган муносабатлар ижтимоий кўникма ва анъаналарнинг аралашиб кетишига олиб келган, бунинг натижасида ўтроқ ҳаёт тарзига ўтилган бўлишига қарамай, санъат намуналарида кўчманчи маданият анъаналари сақланиб қолган. Турмуш тарзи ҳамда ўзбек ва тожик миллатига мансуб халқлар урф-одатларининг умумийлиги ҳам воҳа бадиий ҳунармандчилигида ўз аксини топган.

Сандиқлар асосан яшил ёки қизил бўёққа бўялиб, тунукадан кесиб олинган ялтироқ, кумушранг, рангли ёки нақшли чизикчалар билан безатилиб, улардан нақшлар, кўп ҳолларда сандиқнинг девор ва қопқоғига қоқилган тўрсимон композициялар ҳосил бўлади. Сандиқлар шаклига лўнда, аниқ ифода, мақсадга мувофиқлик ва мутаносиблик ҳосдир. Нақш тузилиши икки тархликдан иборат –узоқдан бутун композиция, унинг тақсимланиши ва йирик мавзулар яхши кўринса, яқиндан майда нақшнинг нозик ишланмаси намоён бўлади. Сандиқлардаги нақш тузилишининг асосий тамойили асосий безак мавзуси ҳошияли билан чекланишида ифодаланади. Сандиқнинг ён қисмлари нақшинкор ҳошия билан тугалланади. Сандиқ нақшлари Ўзбекистон ҳудудида қадимдан маҳаллаларда амалий санъатининг ҳамма турлари учун анъанавий

бўлиб, асосан геометрик шакллар ўсимликсимон, зооморф (хайвонот дунёсига оид), соляр нақшлар ва нарса-буюмларнинг тасвири камроқ ифодаланади.

Нақшларда кўчманчилик маданиятига хос анъанавий мавзулар алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, “кўчқорак” (кўйнинг шохи) нақши Сурхон воҳасининг ҳам гиламлари, ҳам кигизларига хос нақш. Хайвон тимсолларидан “кирмак” (чувалчанг), “зулук”, “илон изи” нақшлари ҳам кенг қўлланади. Геометрик нақшлар асосан шакл ажратувчи чизиқларда, нақшларнинг сиртини ифодалашда қўлланилади.

Ўзбек маҳаллаларида каштачилигида кийик тасвирларининг келиб чиқиши ўзгача. Кийик тасвири композициянинг марказий қисмида тасвирланган “мадохил” медолонининг ичига туширилган, атрофларига “палак гул” тўпбарггуллари жойлашган. Иккала сандиқнинг асоси қизил рангда, яшил, оқ, қизил ранглар қўлланилади. Маҳаллий буюмлар турини ифодаловчи, олд тарафи уч қисмдан иборат композицияли сандиқлар ташкил этади, бунда марказий, асосий қисм (таглик сандиқларнинг ўртасида ойнали эшикча жойлашган) каттароқ, икки ёнидаги қисмлар эса тўпбарггуллар билан нақшланган. Зооморф элементлар – “кирмак”, “зулук”, “кучкарок”лар тасвирланган олд қисмининг сирти ингичка чизиқлар билан ҳошияланган.

Шу билан бирга, ён қисмлари устунлик қилиб, асосий маънони ифодаловчи композициялар ҳам мавжуд. Бундай сандиқларнинг ноёблиги – уларнинг остки қисмида гуллар, барглар, анор дарахти (ҳосилдорлик тимсоли) меваларининг гажаксимон новдалари билан ифодаланган ўсимликсимон “ислими” нақши, алоҳида равишда сариқ рангли ясси ҳассага (жезл) солинган ва қўшимча безакли нақшнинг мавжудлигидадир.

Ушбу қўшимча нақш ҳаёт ва ҳаракатга тўла, эркин чирмашиб ўсаётган новда тинчлик, тенглик, барқарорлик туйғуларини бахш этадиган ингичка ҳошияли рамка билан тугатилишини ифодаловчи чуқур рамзий маъноли ечим ҳосил бўлади. Бу ердаги тўпбарггуллар, бошқа композициялардан фарқли равишда, остки қисмда жойлашган. Заргарлик буюмлари Ўзбекистонда кенг тарқалган бешта кокилалли ингичка чамбар кўринишидаги “беш оёқли сирға” билан ифодаланган. Сандиқларнинг безакларини умуман таҳлил қилганда, маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусияти – кашта, гилам, кигиз, сандиқ, амалий санъатнинг бошқа турларида халқ санъатининг маълум услубий йўналиши ва рамзий – тимсолий яхлитлигини ташкил этадиган нақшларнинг ўхшашлиги ажралиб чиқади..

Ўзбекистон маҳаллаларига хос кандакорлик (мисгарлик)-амалий санъат тури, ўймакорликнинг метал буюмларини ўйиб, чизиб нақш, тасвир ишлаш соҳаси. Буюмларни безашда кандакори (ўйиб, кесиб) қолипаки (қолип ёрдамида), симкори (симдан фойдаланилиб) шунингдек, буюмларнинг қисмлари (қопқоқ, даста ва бошқа) ва икки қаватли буюмларини безашда шабақа (панжарали қилиб ишлаш) усуллари қўлланилади. Анъанавий ўсимликсимон ва ҳандасий нақшлардан кандакар яратилган.

Нақш ёки тасвир замини пўлат қалам (асбоб) лар ёрдамида чуқур ёки саёз ўйилади, замин саёз ўйилганда рангли лаклар билан бўялади, пардозланади, чекма, ўйма, катак, параллел кесма чизиқлар билан жило берилади. 1930 йилдан

металл сиртига кимёвий моддалар таъсир эттириб нақш, тасвир яратиш усули ҳам қўлланилади. Археологик топилмаларга қараганда милoddан аввал IV-II асрларда топилган металл буюмлар бунинг ёрқин исботидир. Воҳадаги археологик қазилмаларида топилган топилмалар жуда қадимдан мавжудлигидан далолатдир. Араблар истелосидан кейин афсонавий тасвирлар ўрнини ҳандасавий нақшлар, безак даражасига етказиб ишланган араб ёзуви (байт) лари эгалаган.

Мискарлик - мисдан қуроллар, уй-рўзғор ашёлари, турли буюмлар яшаси касби. Ҳунармандчиликнинг қадимги турларидан. Қадимда мискарлар соф мисни совуқлайин ишлаганлар, шу туфайли мис буюмлари юмшоқ ва мўрт бўлган. Кейинроқ мискарлар буюмларни мис ва қалай қотишмасидан ҳосил қилинган бронзадан ясаганлар ва бундай буюмлар бир мунча пишиқроқ бўлган. Нақшкор мис идишлар яшашнинг қадимий маркази Бухоро бўлган. XI-XII асрларда Самарқанд, Бухоро, Денов, Бойсун, Шахрисабз, Термиз мискарлари ҳам майда гул солиш санъатида шуҳрат қозонган.

Ўзбекистонда қадимдан маҳалла мискарлари мис идишларини, асосан икки йўл билан эритиб қуйиб ва болғалаб ясаганлар. XVIII-XIX асрларда - XX аср бошларида воҳа мискарлари ясаган офтоба, қумғон, лаъли, чойдиш, мис кўза, коса, лаган, кашгул ва дастшуйларга майда гул солиш санъатида шуҳрат қозонганлар.

Мис косалардаги битиклар - Термиз Археология музейида сақланаётган мис коса XIX асрга оид Бухоро мискарлик санъатининг намунаси бўлиб, у қизғиш мисдан ишланган бўлиб, Бойсунлик мискарлар томонидан ясалган.

Коса - ярим сферлик шаклда бўлиб, гардиши ташқи томонга тўғри қайрилган. Ички томонининг марказида ярим сферик қабарик шакл устида кичик «жом» жойлаштирилган. Кичик «Жом» нинг атрофида 40 та «калит» симон илмоқ бўлиб, улар занжирлар билан марказий илмоққа туташган. Идишнинг тагдони халқасимон бўлиб, унинг маркази чуқур калиб ишланган. Идишнинг ички ва ташқи томонлари «настаълик» ва «абжад» услублардаги арабча ёзув билан безалган. Мазкур мис коса «Жоми шифо» деб аталиб, «Шифо косаси» сифатида ишлатилган. Уни «Қирқ калит»- «чил калит» деб ҳам аташган. Идишнинг гардиш қисми 21 сантиметр, кичик жомнинг гардиши 7 сантиметр, баландлиги 5,5 сантиметр, тагдон гардиши 10 сантиметр ташкил қилади. «Жоми шифо» ёки «Қирқ калит» деб аталувчи мазкур мис косада Оллохнинг 6 та сифати қайд этилган:

Идишнинг девор қисми ва тагдонида дира ва ярим доира ичида «абжад» орқали дуолар битилган. Мазкур мис идиш махсус диний маросимда ишлатилиб, идишларда йиғилган ёмғир сувига «Жоми шифо» қирқ марта ботирилиб, сўнг беморга ичирилган. Мис идишларни эпикграфик услубда безаш мусулмон Шарқи дунёсида уйғониш даврига кенг тарқалган.

Ўзбекистон маҳаллаларининг заргарлик санъати тегишли бўлган аёллар, эркалар ва болалар заргарлик тақинчоқлари, от абзаллари, олтин ва қумуш муҳрлар ва идишларни ташкил этади.

Заргарлик - баддий ҳунармандлик соҳаси - олтин, қумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар, безак буюмлари

яшаш каби.) Заргар безак буюмлари тайёрлашда қуйиш болғалаб (зарб бериш) яшаш, халлаш (олтин ва кумуш суви юритиш) ўйиб ёки бўрттириб нақш яшаш, босма, зигирак, савот кори, калипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланилади.

Қимматбаҳо тошлар (гавҳар, феруза, дур, ҳақиқ ва бошқа) га ишлов бериб заргарлик буюмлари (баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоки, бўйинтумор, ғажак, дуо тузи, жевах, жига, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла, баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қошқарбалдоқ, халқа каби) яратилган. Заргарлик асосан олтин ва кумушдан фойдаланишган. Ўзбекистон олтин ва кумушсозликда бадий мактаби тақинчоқларининг таркиби, техник ҳамда баддий услубнинг ўзига хослиги билан Бухоро баддий мактабига яқин туради. Заргарлик ишларида тоблаш, ўймакорлик, кесма, филигранъ, текис ва чуқур ўймакорлик, чизмачилик, сайқаллаш, олтин суви юритиш, сирлаш каби усуллар қўлланилган. Филигранъ буюмлари бўлиши «Панжара», «Бозбандча», «Қатмала», «Мохитилло» каби билакузуқлар Бухоро заргарлик мактабининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Бухоро, Самарқанд, Қукон, Шаҳрисабз, Хоразим, Бойсун, Денов заргарларини буюмлардаги ранг-баранг ва бекиёс нақшинкор безаклар «Ислимий» ва хандасавий шакллардаги қатъий чизиқларнинг ўзига хос гўзаллиги кишини беихтиёр хайратга солади. Нақшларда ёзувчилар, шеърлар, Қуръон сураларига ҳам алоҳида эътибор беришган. Нозик араб имлосида битилган ёзувчилар буюмларга ўзгача ифода бахш этган. Қуръондан парчалар, шахс ва исм ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Эрон ферузаси ва ҳақиқий заргарлар томонидан алоҳида қадрланган. Тошлар сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган.

Чунончи, ёқут, лаъл, нилум (санфир), зумрад, қизил яхонт (рубин), марварид ва жавохирлардан қимматбаҳо буюмлар яшашда кенг фойдаланилган.

Тақинчоқлар таркиби ўзида аҳолининг жинсий бўлинишини акс эттирган. Аёллар тақинчоғи 3-4 ёшдан то кексалик давригача тақилган. Хоразим, Бухоро, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз, Марғулон келинчаклари бой, ранг-баранг сепи алоҳида ажралиб турган. Бинобарин тақинчоқлар авлодлар, сулола давомийлигини билдирган. Тўй тақинчоқларига бош, бўйин, кўкрак безаклари: «Қошитилло», «Боло-абру», «Тилло баргак», «Мохитилла» каби зеби-зийнатлар кирган. «Кишитилло»нинг дастлабки шакли олтин қошлар кўринишида бўлган ва қошлар устидан тақилган. Тақинчоқларни бора-бора тош кўзлар, кейинчалик эса, тошлар билан безалган яхлит тасма эгаллади. Қолипсимон маълум бир услубга солинган япроқли «Баргак» тақинчоғи гул ва барглардан ясалган гулдастага ўхшайди. У яшаш ва туғилиш рамзини билдиради. «Бибишак» бой хотинларга яъни бегойимларга тегишлиликни англатади. Бошни безайдиган тақинчоқ-безаклар «Синсила» ёки «Силсила» дейилиб, икки хил маънони яъни «занжир» ва «сулола» маъноларини билдиради. Халқимизнинг «Дунёда аёл зоти бор экан, заргар ишсиз қолмайди» деган мақоли заргарларга берилган бекиёс тарафдир. Аёллар учун заргарлик буюмлар ранг-баранг, нафис ва чиройли бўлиб, улар турли хил ўзига хос белгиларга эга бўлган. Заргарлик буюмлари; - «Зеби

сина», «тилла баргак», «ақиқ», «қўлтиқ тумор», «заркокил», «халқай Мухаммади», «халқай сепоя», «халқай-бешоёқ», «тиллақош», «бибишок» каби турли хил номлар билан ажралиб туради. Заргарлик касбини эгаллаган усталар турли хил буюмлар тайёрлашда ўз маҳоратларини кўрсатиб, эл орасига алоҳида нуфузга эга бўлиб, амалдорлар ўз буюртмаларини ана шундай истеъдодли усталарга тақдим этганлар..

Соч тугнагич эса «сарсўзан» деб аталган. «Сочпопук», «Туф» каби шаклдаги турли хил кумуш детали ипак боғичлар ўрим сочларнинг асосий зийнати ҳисобланган. Улар гўёки сочларни беркитиб туриш ва ёмон кўзлардан асраш учун ишлатилган. Ўзбекистон маҳаллаларига хос заргарлик санъатига хос бўлган зиракларнинг барча асосий турлари-доирасимон- «кундалсози», «муҳаммади», «қашқар балдоқ», «шибирма» ва бошқалар мавжуд. «Шибирма» қизларга балоғат ёшига етганда ёки тўй куни совға қилинади. Зираклар, анъанавий филигранъ техникаси услубида тайёрланиб, оч-қизил ёқут, феруза марварид билан жило берилган. Бу ерда кўкрак тақинчоқларидан маржон, бозбандчанинг олтин ва кумуш ўрнатилган ярим қимматбаҳо тошли, жимжимадор қатмола шарчали, тангачали шода мунчоқларнинг бир неча тури заргарлар томонидан ясалган.

Заргарлар дастпона нақшлар билан жило берилган билакузук ва узук, айниқса беш йўлли «дастпона-панжара» флигранъ билакузуқлари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир узук араб имлоси билан безатилган. Улар қўл покизалигини сақлаб туради, дейишган. «Тумор» (тўртбурчак, учбурчак), «Бозбанд» лар ҳам илохий хусусиятларга эга деб ҳисоблашган. «Бозбанд» балиқ тангачаларини эслатувчи «майдаланувчи феруза» техникси усулида тайёрланган. Балиқ тўкинлик, қут-барака тимсоли сифатида ифода этилади. Самарқанд, Жиззах, Қуқон, Шеробод, Фарғонада отга тегишли кўкрак пешбанди, бош, бўйин, шунингдек эгар-жабдуқ безакларининг энг асл намуналари тайёрланган. Улар кумушдан ясалган ҳамда феруза ва қимматбаҳо тошлар билан жило берилган. Ўзбекистондаги маҳаллалар заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумуш идишлар Бухоро амирига совға қилинганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Пардозлаш, сирлаш ва ўймакорлик ишлари маромига етказилган, олтин, кумуш, ёқут, феруза каби қимматбаҳо тошлар ўз даврида Бухоро, Самарқанд, Хива, Марғулон, Денов, Шахрисабз заргарлик мактабларининг бекиёс санъат дурдоналаридан гувоҳлик беради. Ўзбек заргарлиги ҳам қадимий даврлардан ўзининг ажойиб санъати билан кенг танилган. Заргарлик ноёб бадиий асарларининг намуналари кўпгина археологик қазилмалардан топилган. Заргарлар техник жиҳатдан умум металл буюмларини ясаш услубларидан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлар. Ҳатто олтин ва кумушни болғалаш, қиздириш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви бериш каби ишларда ўзига хос нозик услуб талаб қилинган.

Заргарлар бойларнинг буюртмаси билан катта-кичик қимматбаҳо безакларни жуда чиройли қилиб ясаганлар. Улар хон ва беклар учун отларнинг анжомасига олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан турли безаклар ҳам ишлаб чиқарганлар. Самарқанд, Ургут, Шахрисабз, Бухоро,

Хоразим заргарлари бош ва устки кийимлар осиладиган безаклар (дузуг, шавка-ладузуг, тахадузуг, клитбаги, тумор, аравак, зирак, билазик, юзик кабилар)ни зўр маҳорат билан яратганлар. Денов, Бойсун, Қарши, Шахрисабз бекликлари худудида заргарлар қимматбаҳо зийнатланган металллардан турли узуклар ясаганлар: шоншанак кўзли ёки кўзсиз узук, тилла узук, кумуш узук, мис узук, қалай узук, оврапча узук, румча узук; иш услубига қараб - қуйма узук, суқма узук, муҳир узук ва ҳоказо; металига ёки шаклига қараб турли билак узуклар тилла билак узук, кумуш, мис қуйма, тугмали, япалоқ, илон боши, бақа бош, карманалик ва ҳоказо. Қулоққа осадиган сирғаларнинг турлари ҳам кўп бўлган: Муҳаммади сирға, беш оёқли сирға, кўнғироқли зирк, анжирболдоқ ва ҳоказо. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақадиган металл қисмлардан иборат сочпопук (чочпопук), найча, пур сочпопук, тиллазулф, кокилли, панжара, кубба; буйинга ва кўкракка осиладиган безаклар (зебигардон, жавок, базубанд); пешанага тақиладиган тиллақош, тиллабаргак ва ҳар хил туморлар заргарлар томонидан зўр маҳорат билан ишланган. Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон, Ҳиндистон, Қўқон ва Бухородан келтирилган.

Республикадаги маҳаллалардаги заргарлар асосан уйида, баъзилари бозорда дўкон қурганлар. Бекларнинг кўшк ва саройларида махсус заргарлик дўконлари бўлган ва у ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар ясалган. Дўкон жиҳозлари кичкина сандон, бир неча хилдаги болға (чўкич), қайчи, омбур, тутқич, сим ясаيدиган кира, кичкина босқонли учоқ ва мисдан ясалган баландам, аррача ва турли нақш берадиган металл қаламлардан иборат бўлган. Хоразим, Самарқанд, Қўқон, Шахрисабз, Бухоро, Бойсун, Шеробод, Денов заргарлари ўйиб қоракумуш нақшлари беришда зўр маҳорат кўсатганлар.



Билагузук (XIX аср)

Пичоқсозлик - пичоқ, устара, ханжар ва бошқа кесгир асбоблар ясаш каби, хунармандчиликнинг қадимий турларидан бири. Илк палеолит давридан маълум. Дастлабки кесгир қурол тошдан ясалган. Жез даврида мис ва жездан пичоқлар ясалган. Темирнинг кашф этилиши пичоқсозлик санъати тараққиётида катта бурулиш бўлди.

Шарқ мамлакатларида хусусан Ўрта Осиёда пичоқсозлик қадимдан ривожланган. Бойсун худудида (Туманқўрғон, Мунчоктепа, Қўрғони боло) олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милoddан аввал I-III асрларга оид пичоқ намунаси топилган. VI-XII асрларда пичоқ ясаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. XV-XVII асрларда ёнга олиб юрадиган пичоқ турлари пайдо бўлди. Кейинчалик пичоқсозликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Бухорода ва амирликдаги даврларда пичоқсозлик санъати ривож топди.

. Умида Сувонова илмий тадқиқотларида миллий маданиятимизни анъанавий каштачилиги, сўзана ва уй-рўзғор буюмлари ҳақида қуйидаги маълумотлар тақдим этилган. Кашта тикиладиган матога ранг танлаш Сурхон чеварлари учун муҳим саналади. Бунинг учун эса каштачи-чевардан юксак дид, анъанавий одатларни пухта билиш, момолар, аجدодларнинг бу борада тўплаган тажрибалари, сирларидан хабардор бўлиш талаб этилади.

Каштачилик ипакчилик негизида тараққий этган Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари, жумладан, Ўзбекистон маҳаллаларида ҳам ривожланган хунармандчилик турларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида авлоддан авлодга утиб келаётган каштачилик аёлларнинг ижодий қобилиятлари, орзу-умидлари, табиатга, гўзалликка бўлган муҳаббати намоён бўлган. Қиз

болаларни яхши каштачи бўлиб етишиши учун уларга ёшлигидан ҳунар ўргатилган. Ўрта Осиё, жумладан, воҳа аёлларининг барчаси ўз оиласи учун каштачилик буюмларини ўзлари тикишган. Каштачилик буюмлари сирасига сўзана, жойнамоз, тахмонпеч, бўғжома, ёстикпўш, зардевор, дорпеч чойшаб, палак, белбоғ, дўппи ва хоказоларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган кашталарнинг асосий қисми XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларига тегишли бўлиб, XIX аср кашталари ўзининг гўзаллиги, нозик тикилиш услуби, ранглар мутаносиблиги, қадимий безак намуналари билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, бу даврда каштачилик юксак даражага кўтарилган.

Турли кашталарнинг кўриниши, шакли, ўлчови, асос, яъни таг матоси, гул нақшлари ҳамда тикилиш услубига қараб уларнинг турмушда тутган ўрни белгиланган. Масалан, деворларга осиладиган ва ёшларнинг тўшаклари устига ёпиладиган сўзаналар (бўйи 230 — 280, эни 170 — 200 см.) марказий гул-нақш ва ҳошияли бир бугун кўринишга эга бўлган.

Тахмонга йиғилган тўшакларнинг устини ёпиш учун ишлатиладиган тахмонпўш сўзанадан ўлчовининг кичиклиги (бўйи 170 — 250, эни 120 — 150 см) билан фарқланган.

Сандалпўш эса квадрат шаклида, яъни тўрт томони бир хил (150 - 150 ёки 170 - 170 см) ўлчамда бўлган.

Жойнамознинг ўртасига гул тикилмаган. Бош томони ва иккала четидаги нақшли ҳошия бир-бири билан равоқ. ҳосил қилиб бирлашади. Жойнамоз (бўйи 130 — 150, эни 90 — 110 см) ва рўйжо (бўйи 260 — 285 см, эни 165 — 200 см) нинг паст томонига ҳошия тикилмай, очиқ қолдирилган .

Бўғжома ёки буғчапўш турли хил буюмларни туғиб қуйиш учун ишлатилган. Унинг безаги буюм марказида жойлашган. Бўғжоманинг бошқа жойида безаги бўлмаган.

Хонанинг, асосан, тепа қисмини безатиш учун тикиладиган зардевор айнан такрорланувчи гуллар билан безатилган. Унинг бўйи 50 см, эни 350 — 400 см ўлчамда бўлган.

Йирик сўзаналарни тикиш учун узоқ, вақт кетган. Бунда гул босилган мато бўлак-бўлак бўлиб, ҳар бири алоҳида тикилган ва кейин яхлит ҳолга келтирилган. Бунинг натижасида, баъзида нақшлар бир-бирга тўғри келмай қолган холлар ҳам учрай ёки чизмакаш д ди.

Кашталарга қаламкашеб ном олган моҳир каштачилар учи ингичка қамиш қалам билан матога гул чизган. Улар кўплаб нақшларни ёддан билган ва янги безак турларини яратишган ҳамда кашта гуллари рангини белгилаб берган. Чизмакаш ўз асарларига асос қилиб асрлар бўйи сақланиб келаётган нақш турларидан фойдаланган ва уни ўз ижодий янгиликлари билан бойитган. Шу жумладан, каштачиликда қадимий нақш турларидан бири қалампир нусха ўз мафтункорлиги билан асрлар давомида ижодкорлар диққат марказида турган ва турли шаклда янги безак сифатида тасвирланиб, сайқалланиб келган.

XIX аср 80-йилларигача сўзаналар оқ карбос ёки сариқ рангли қалин матоларга тикилган. Ушбу кашталар мафтункорлигини нақшлар ранг-баранглиги, нозик тикилиш усули ва табиий буёқларда бўялган ипак иплар

жозибаси билан изоҳлаш мумкин. Кашталарни тикишда ипак иплардан ташқари, оч қизил рангли жун иплардан ҳам фойдаланишган.

Кейинроқ эса кашта тикиш учун маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган бинафша, кўк, жигарранг сидирға матолар, Россиядан келтирилган оқ ва рангдор газламалар ҳамда кўпроқ сунъий рангларга бўялган маҳаллий ипаклардан кенг қўлланилган. Шу жумладан, XIX асрнинг 80 - 90-йилларидан ипакларни арзон анилин бўёқлари билан бўяш урф бўла бошлаган. Бу эса каштачилик буюмлари сифатига ўз таъсирини ўтказган. Бу бўёқ, табиий бўёқлар рангидан мутлақо фарқ қилиб, ипакка кескин очиқ ранг берган.

Ўзбекистон каштачилигида сўзаналарга босма ва йўрма чокларининг турли хиллари билан сидирға матога тўлдириб гул тикиш хос бўлган. Безак нақшлари ҳам шу чокларда тикилган.

Босма чокда икки - ироқи ва кандахаёл услублари мавжуд. *Ироқи* услуб майда чокли тикиш бўлиб, чоклар деярли перпендикуляр, мато устига узунасига тортилган ипга нисбатан сал қийшиқроқ тикилиб, ҳар қайси қатор чоклари бир-биридан ажралиб турган. Шунда сўзананинг олд томонида чиройли ва нафис гуллар солинган чокларнинг тўғри қатори ҳосил бўлган. Орқа томонидаги эса олд томонидагага нисбатан кўполроқ чок қаторлари юзага келган. Қаторлар орасининг катта-кичикгигига қараб ушбу чок ҳам икки — нафис ва чиройли майда ироқи чок ҳамда кўполроқ кўриниш берадиган йирик ироқи чокка бўлинади.

Ўзбекистоннинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Марғулон, Хоразим, Денов ва Бойсун каштачилиги қишлоқлардагига нисбатан юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Бойсун дўппилари ва синаванчалари, асосан, ироқи чокда санама ҳамда чизма услубда тикилган.

Санама услубида асос учун икки қават чит устидан бўз қўйилиб, кейин гулларнинг ўрни белгиланган. Баъзи тажрибали тикувчилар безак нақшини ёддан билса, кўпчилик каштачилар олдида маълум бир намуна турган ва ўша намунадан кўчирма олган. Одатда, гулларнинг ўрни қора рангда тикиб чиқилган. Кейин кашта гулларининг ичи тўлдирилган. Бу усулда кашта тикишда ранг танлаш кўпроқ тикувчининг ҳоҳишига боғлиқ бўлган. Бойсун анъанасига кўра, кўпроқ яшил ранг дўппилар қури учун ишлатилган бўлса, кўк ва оқ рангли ипак иплар, асосан, дўппи ҳамда синаванчаларнинг асосини тикишда ишлатилган. Дўппи гуллари кўпроқ оч ҳамда тўқ пушти, жигарранг, сариқ ҳамда сиёҳранг ипларда тикилган.

Санама услубининг ўзига хос ҳамда аҳамиятга молик томони шундаки, бу усулда тикилган нақш шакллари жуда аниқ чиққан ва бир-биридан ажралиб турган. Нақшлар орасидаги масофа бир хил бўлган. Тикиш давомида атига бир катак адашилса ҳам, шакл бузилган, ўлчамлари фарқли бўлиб қолган. Бундай ҳолатда ишни бузиб, қайта тикишга тўғри келган. Шу сабабли санама услубида тикувчидан кўпроқ диққат талаб этилган. Ўзбекистон маҳаллалари каштачиларнинг маҳорат ва санъати айниқса сўзаналарда ёрқин намоён бўлади. Асосан тўқ қизил, тўқ сариқ ёки қора сидирға матоларга ипак ип билан тикиладиган ҳар хил шакл ўз маъносига эга бўлиб, маълум бир буюм, новда, ўсимлик қисми, ҳайвонлар аъзоси, ой, қуёш, заминнинг маълум бир қисмига

оид рангларни ифодалайди. Кашта тикишда ишлатиладиган ипак иплар эса асосан ёрқин рангларда бўлади. Сўзана маркази айлана-доира шаклида бўлиб, қолган қисми "тарк гул", "кучкормез гул", "ой гул" каби нақшлар билан безатилади. Момолар бисоти орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу санъат бугунги кунга келиб, янги-янги чизгилар, шакллар ва тасвирлар билан бойитиб боришмоқда. Эндиликда замонавий сўзаналарда аниқ ва ёрқин тасвирланган ўсимлик барглари, атиргуллар, Ўзбекистон маҳалалари диёрида ўсадиган турли гул тасвирларини кузатиш мумкин. Сўзана тикиш, унга ранг ва тасвирлар танлаш жараёнида худди қадимгидек, ҳозир ҳам қўни-қўшнилар, қишлоқ чеварлари биргаликда қатнашадилар. Бу каштачиликда муҳим анъана саналади ва бугунга қадар сақланиб қолган.

Ўзбекистон амалий санъатининг каштачилик турини жиддий ўрганган Санъатшунослик институтининг илмий экспедицией аъзоси, санъатшунос З.Носированинг таъкидлашича, бу ҳудуд каштачилиги жуда қадим тарихга эга. Санъатшунос олима бу ҳақда шундай ёзади: "Бойсун илмий экспедицияси 50 га яқин қишлоқларида тараққий этган каштачилик тарихи, унинг бадиий хусусиятларини ўрганиб, уста-чеварлар билан суҳбатлар давомида уларнинг ишлаш услуби, технологияси, нақшлар талқини билан яқиндан танишиб чиқди. Илмий изланишлар асосида каштачиликда асосий мавзу баҳор фасли, Навруз байрами билан боялиқ эканлиги аён бўлди. Айниқса, бу Бойсун каштачилигида кенг тарқалган сўзаналарнинг композиция ва нақшларида яққол намоён бўлган". Дарҳақиқат, санъатшунос олима таъкидлаганидек, Бойсун каштачилари яратган сўзаналарда инсон тафаккурида шаклланган, яъни у ўз ҳолича тасаввур этган. Сўзаналарда само, табиат гўзалликлари, шунингдек бахт ва севги тушунчалари, садоқат рамзлари ўзининг ҳам ёрқин, ҳам образли ифодасини топган.

Агар илмий нуқтаи-назардан ёндошса, Бойсун сузаналаридаги тасвирларни, нақшларни композицион тузилишига кўра бир неча турга бўлиш мумкин. Булар — зооморф, яъни ҳайвонот олами тасвири, тупбарггуллардан иборат нақшлар ва ўсимликсимон нақшлардир. Катта ҳажмдаги сузаналар асосан "ой" тупбарггуллардан фойдаланган ҳолда тикилади. Қолган қисмлар эса "бодом", "бодомча", "лола", "даста гул", "шоҳ" каби нақшлар билан безатилади. Шуниси дққатга сазоворки, тупбарггул ичидаги барглар қуринишидаги нақш муқаддас ҳисобланиб, "туморча" деб номланади.

Сўзаналар шакл ва нақшларининг мазмуни жихатидан ҳам бир-бирига ўхшайди. Музейда сақланаётган сўзаналар орасида тўғри туртбурчак шаклидаги қизил рангли матога тикилган сўзана эътиборлидир. Қизил сатинга тикилган бу сўзананинг марказида катта "ой" тасвири бор. Унинг атрофига эса саккизта кичик тупбарглар жойлаштирилган. Яхлит композициядаги марказий нақшлар туғи туртбурчак хошияга олинган. Хар бир тупбарггуллар орасида оқ, сариқ, яшил, кук рангли иплардан тикилган. Марказда катта тупбарггул ва саккизта кичик гулларнинг ҳаммаси бир-бирига симметрик тарзда жойлаштирилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу кашта усули Ўзбекистоннинг чекка қишлоқлари чеварлари услубига хос тарзда тикилган. У қулда, қизил сатин матога пахта ипдан тикилган.

Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Шаҳрисабз, Бойсун қишлоқларида эса сўзана

кизил фонди, куш тасвири туширилган, яъни зооморф усулида бўлиб, "товус нусхали" сузаналар тикиш урф бўлган. Бу турдаги сўзаналар каштасининг асосини қора бошли, қизил, сариқ, оқ патли куш тасвири ташкил этади. Сўзананинг ён томонларида иккита йирик тупбарггуллар тикилган бўлади. Атрофи эса яшил рангли шохсимон нақш билан безатилади.

Хоразим, Қарши, Ургут қишлоқларида эса сўзана яна бошқа усулда, ўзгача нақшлар билан безатилган ҳолда тикилади. Масалан, музейда сақланаётган ёки шу қишлоқлар хонадонларида учрайдиган сўзаналарнинг нақшлари ёрқин қизғиш матога тикилади. Сўзанага олтита йирик оқ, сариқ, қора рангли тупбарггуллар жойлаштирилган. Нақшлар зич ва қуюқ бўлиб, ҳар бир тупбарггуллар орасида гуллар бор, яъни оралиқ гул нусхалари билан тўлдирилган. Ташқи хошиясимон нақш, яъни "оба" шаклида, ички хошиясида эса "мехроб гул" деб номланувчи ўсимликсимон нақшлар ва бодом гулларини учратиш мумкин.

Асосан қора рангдаги матоларга тикиладиган сўзаналарда юлдузсимон нақшли ун иккита тупбарггуллар оч ва ёрқин рангли қизил иплар билан тикилган нақшларни учратиш мумкин. Йирик тупбарггуллар орасидаги бушлиқ майда тупбарггуллар билан тўлдирилади. Атрофи эса яшил ипли тулқинсимон хошияли бўлиб, унинг ичи турли хил рангдаги гуллар билан безатилади. Бу турдаги сўзаналар ҳам Бухоро, Денов, Бойсун, Шахрисабз чеварларига тегишлидир. Қизил матога катта ҳажмда тикилган сўзаналарда унта йирик тупбарггуллар оқ, сариқ ипларда тасвирланган. Бу сўзана тури композицион қурилиши жиҳатидан жуда мураккаб ҳисобланади. Хошиясида тупбарггуллар «қайтарилган. Сузананинг пастки қисми попуқлар билан безатилган бўлади.

Бинафша рангли матога тикилган сўзанада ун иккита тупбарггуллар жойлаштирилади. Тупбарггулларнинг ҳар бири оқ, ва кук ипларда тикилади. Тупбарггуллар ораларида ҳам кичик ҳажмли куп япроқли гуллар ва бодом гул нақшлари жойлаштирилади. Сузананинг хошияси оқ; ва сариқ, рангли майда гуллар билан тўлдирилади.

Албатта, Ўзбекистон каштачилигида муҳим ўрин тутадиган сўзана турлари туғрисида яна куплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу туфайли бу борадаги фикрларимизни каштачиликнинг яна бир ёрқин тури бўлган зардеворлар ҳақидаги мисоллар билан давом эттирамиз.

Зардеворлар асосан узун ва энли тасма шаклида тайёрланади. Илмий тил билан айтганда, бу каби фриз-тасмалар хонанинг кундаланг ва бойлама деворларининг устки қисмини безатишда ишлатилади. Аввалида ўтовларни, кейинчалик хоналарни безатишда қулланилган зардеворларнинг ҳам турлари куп. Улар бир-биридан ранг, нақшларнинг жойлаштирилиши, нусхаси, тикиш услуби билан ажралиб туради. Қуйида Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро каштачилигининг зардеворларга оид нусхаларидан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

Санъатшунос ва этнограф олимларнинг эътирофича, Шеробод, Ғузор, Дехқонобод, Юрчи чеварлари ижодига мансуб деб қараладиган қизил фондаги зардеворлар нақшларнинг жозибадорлиги, рангларнинг уйғунлиги, тикиш услубининг нафислиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай

зардеворларда ун тўртта тупбарггуллар жойлаштирилади. Улар асосан кук, жигарранг ва кулранг иплардан тикилади. Юлдузсимон тупбарггуллар борлиги туфайли бу каби зардеворлар Хоразим, Бухоро, Чуст, Қуқон каштачилик мактабига хос ҳисобланади.

Сидирға матога ҳар хил иплардан ўсимликсимон нақшлар билан тикиладиган, куринишдан турт бурчак . шаклини эслатадиган зардеворлар ҳам Шеробод каштачилик мактабига хосдир.

Зардеворларнинг яна бир тури қизил фонга аркасимон нақшлар тушириладиган зардеворлар ҳисобланади. Бу усулда тайёрланган зардеворларда ҳар бир арканинг ичи бештадан сариқ, оқ, кук рангли гуллар билан тўлдирилади. Зардеворнинг юқори ва пастки қисмлари хошияларида ҳам оқ ва сариқ рангдаги гуллар жойлаштирилади. Бу намуна асосан Сурходарё, Қашқадарё, Бухоронинг чекка ҳудудларида истикомат қилувчи каштачи чеварларга тегишли.

Сўзаналар ва зардеворларда акс этган нақшларда бир-бирига уйғун бўлган жиҳатларни алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки каштачиликнинг бу ноёб намуналарида асосан "мехробгул" деб номланувчи жингалак нақшлар туширилган кенг хошиялар билан ўраб олинганлиги кўзга ташланади. Бу усул асосий майдоннинг нақшидан қатъий назар ҳамма сўзаналар ва зардеворларга хосдир. Ташқи хошияларнинг "оба" деб аталувчи тулқинсимон нақшлар билан безатилиши ҳам Ғиждувон, Китоб, Чуст, Қироқчи, Сариосиё каштачилигига хос унсурлардан бири саналади. Бунинг маъноси ҳам қиёфали бўлиб, яъни баҳор келиб, қорлар эришини, сойлар, ирмоқлар, дарёлар яна тўлиб-тошиб оқа бошлашини англатади. Зеро, "оба" сўзининг маъноси ҳам "сув" демакдир. Барча каштачилик намуналарига хос бўлган яна бир ўхшашлик шундаки, одатда сўзана марказида ой ва қуёшни мажозий тасвирлайдиган катта доиралар-айланалар жойлаштирилади. Шу тариқа акс эттирилган сайёраларнинг номи битта, яъни ой саналса-да, лекин улар катта ой ёки панжа ой, кичик сайёралар-кичик ойларга ажратилади. Сайёранинг марказида эса унинг негизини ҳосил қилувчи даста гул ёки тупбарггул туширилади. Шу тариқа яхлит композиция яратилади. Яъни, нақшлар "бодом гул", "лола гул" ёки ўсимлик барглари тасвири, қушлар акси туширилиб бойитиб ва тўлдирилиб борилади.

Сўзаналар аслида чинакам санъат намуналаридир. Оддий матода акс этган ипак битиклар эса миллатимизнинг бой ўтмиш тарихидан, инсоннинг орзу хаёлларидан, севги ва бахтидан ўзига хос ривоятлар сузлайдиган кашталардир...

Сурхонлик чечалар қайнисини ёки бировнинг боласини эркалатмоқчи бўлса "ой юзингга ойна бўлай", дея суяди. Жуда латиф ва гўзал тарзда айтиладиган бу ибора замирида олам-олам маъно бор, аслида. Момолару чечалар ижоди — каштачиликда қулланиладиган усулларга, чеварлар яратган ўнлаб маҳоратли намуналарга қарай туриб, беихтиёр шу ибора ёдга тушади. Чунки унда миллатнинг ўзлиги, меҳр-оқибати, фақат яхшилик истовчи кишининг тилаклари бор. Сурхон каштачи чеварлари томонидан яратилган "ойнахалта", "чойхалта", "қошиқхалта" ва бошқа маиший турмушда фойдаланиладиган уй-рузгор буюмлари-да ҳам уларнинг орзулари, эстетик дидлари мана ман, деб намоён бўлиб туради. Каштачилар зеб берадиган уй-рузгор буюмлари, ашёлар

эса жуда куп.

БЎҒЖОМА — Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Юрчи, Денов, Ғузор, Олот, Яйпан чеварлари яратган каштачилик маҳорати маҳсули сифатида яратилган бўғжома аслида катта квадрат шаклида тайёрланади. Унинг фақат кўринадиган томонигина ажойиб кашталар билан безатилади. Ишлатиладиган нақшлар хилма-хил ва нафис бўлиб кишида яхши тассуротлар уйғотади. Нақшлар учбурчак шаклида бўлади. Бўғжомага жойлаштирилган либос ва кийимларни бир туплам қилиб,

боғлаб қуйиш учун иккита безакли балбес ҳам тайёрланади. Бўғжомалар нафақат кийим-кечакларни, балки курпа-тушакларни ўрашда ҳам жуда керакли ҳисобланади. Бўғжома чеккалари ингичка нақшинқор чизиклар билан безатилади. Нақш туширилган учбурчакнинг чеккалари попук билан безатилади. Бўғжома асосан каштачилик намуналари асосида тикилади. Сўзана, зардевор ёки либос кашталаридан фарқли улароқ бўғжомаларда бутунлай бошқа нақшларни кузатиш мумкин. Бунда асосан дунёнинг турт томонини англатувчи "тарк гул", "пичоқ учи", "кўзи гули" каби нақшлардан унумли фойдаланилади. Бўғжома кашталари купчилик ҳолларда туқ, рангларда, масалан, туқ кук, туқ қизил, туқ яшил ва оқ рангларда тикилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Бўғжомаларнинг яна бир тури "лас бўғжома" деб аталади. Бунда кашта туғридан-туғри жун матога эмас, балки алоҳида тўқилган матога туширилади. У бўғжома бетига ташлаб, яъни ёпиб қуйилади. Шу туфайли кам баъзи хол-ларда бу безак тури "бўғжома бет" ҳам деб юритилади.

Куришиб турибдики, бўғжомалар халқ хунарамандчилигининг, хусусан халқ амалий санъатининг ўзига хос тури сифатида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида турлича усул ва нақшларда тикилган. Худди шундай ўзига хосликни ўзбекистонлик чеварлар яратган бошқа ўй-рузғор буюм ва ашёларида ҳам куриш мумкин. Масалан, қадимда жуда машхур бўлган "ойна халта"ни (айрим манбаларда "тўрва" ҳам дейилади) олиб курайлик.

Ойна халта- яъни тўрва аслида тўртбурчак шаклида тайёрланиб, турли каштали нақшлар билан безатилган. Масалан, қизил фон марказида битта очиқ яшил рангли тўпбарггул тасвири туширилган "ойна халта" кўп тарқалган. Йирик тўпбарггул атрофида, аниқроғи тўртта бурчакда биттадан кичикроқ ҳажмдаги тўпбарггуллар жойлаштирилади. Улар сариқ, оқ, яшил, мовий рангли иплар билан тикилади. Оралиқлари эса тўқ яшил рангдаги ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилади.

Ўзбекистон каштачилари азал-азалдан тикиш ва тўқиш усулларида фойдаланган ҳолда ўй-рузғор буюмлари ва ашёлари, эркаклар ва аёлларнинг кундалик турмушида ишлатиладиган буюмларини каштачилик маҳорати билан тўқиб, тикканлар. Ана шуларнинг бири "кулбурча" деб аталади. Айрим жиҳатлари билан ҳозирги замон аёлларининг кул сумкаларига ўхшаб кетадиган бундай буюм аслида ҳам "сумка" вазифасини ўтаган, деса бўлади. Шунингдек, "Чаноч", "Тузлиқ", "Ханжарқин", "Қизлар ҳамёни" деб аталувчи буюмлар ҳам Самарқанд, Хоразм, Қарақолпоқ, Жиззах, Оқдарё, Қаракул, Косон каштачилари маҳоратидан дарак берувчи қулай ва гузал намуналар ҳисобланади. Бу нақшлар қадимда ўтовларни безашда қул келиш билан бирга айрим озиқ-овқат маҳсулотларини рузғор буюмларини тоза-озода сақлашда асқотган.

Булардан ташқари ўзбекистонликларнинг турмуш маданияти, ўй-рузғор юритиши даражасидан хабар берувчи гул-кўрпалар, каштали чойшаблар, жойнамозлар, лўлаболишларда акс этган кашталар ҳам диққатга молик саналади. Масалан, ёрқин қизил рангдаги матога кашта тикиш йўли билан тайёрланган лулаболишни олиб кўрайлик. Лулаболишларда асосан

тўпбарггуллар ва геометрик шакллардан иборат нақшлар туширилган кашта усулидан фойдаланилади. Лўлаболишнинг ҳар иккала томонига барабар тушиб турадиган учтадан, олтита тупбарггуллар сариқ, оқ, яшил, оч кукиш ранглардаги ип ва ипаклардан тикилади. Шуниси ҳам борки, бу тупбарггуллар оралиғига ҳеч қандай қушимча нақшлар жойлаштирилмайди.

Жойнамоzларга кашта тикиш ҳам Ўзбекистон чеварлари фаолиятида муҳим ўрин тутган йўналишлардан бири ҳисобланади. Шуниси ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, жойнамоzларнинг аксарияти қизил, кук, мовий, сиёҳранг, тук, сариқ, матолардан кашта тикиш йўли билан тайёрланган. Жойнамоzларга тушириладиган кашталар, яъни нақшлар аслида йирик буюмлар бўлмиш сўзана ва зардевор нақшларига ўхшаб кетади. Жойнамоzларда одатда ибодат қилувчининг оёғи турадиган жойида кашталар бўлмайди. Лекин четлари буйлаб у меҳроб йулакчасини бегаб туради.. Жойнамоzларда асосан ўсимликсимон нақшлар кўпроқ, ишлатилишини таъкидлаб ўтмоқ, жоиз. Масалан, анор мевалари ва лола ғунчалари, икки қарама-қарши рангдаги бодом ранги куп қулланилади. Бодомгул қора-оқ рангда, кўпчилик ҳолатларда эса қора-сариқ, қора-мовий каби қарама-қарши рангларда тасвирланади. Жойнамоzнинг меҳроб қисмига эса кичик ҳажимдаги, майда-майда тўпбарггуллар тикилади. Бу тупбарггуллар сони жойнамоz ҳажмига қараб 9 тадан 16 тагача бўлиши мумкин.

Ўзбекистон миллий гиламлари –Ўзбекистон ҳудудида гилам қадимдан тўкилиб келинган. Тарихшунос В.Г.Машкова гиламдўзлик санъати тарихини ҳақли равишда эрамиздан аввалги минг йилликлар маданияти билан боғлайди. Қадимшунос Г.А.Пугаченкова сак, суғд, массагетлар яъни қадимги аждодларимиз гиламдўзликни эрамиздан аввалги III-II асрларда оммавий равишда тўқилганлигини эътироф этади.

Самарқанд, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари маҳаллаларининг тоғи этагида яшовчи аҳоли қадимдан гиламчилик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқилган олачадан тортиб тақир гилам, қоли (қолин) гиламларгача тайёрлашган. Хонадонларда асосан тўқилган туз халта, ойна халта, дастурхон, хуржунлар, қоп, шунингдек от жабдуқларини учратиш мумкин.

Олача гиламнинг қоқма олача тури орқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёки ўрик ёғочидан ясалган 0,6-0,7 м лик тўқув дастгоҳи (қилич) билан уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шу ном билан аталади. Қасмалдакка содда, қирқоёқ шаклидаги гул солиб тўқилган. Гулдор олача сербезаклиги билан қоқма ва қасмалдакдан фарқланади. «Қулфи-калит», «Кўзи-тиши», «Майизгул», «Ханжар учи», «Қуроқгул», «Туморгул», «Балиқ кўз», «Иттовон» каби шакллар олачага ўзига хос жило беради. Ҳар бир безак шакли ўзига хос рамзий маънога эга.

«Қулфи-калит» - бир-бирига қарама-қарши шаклда тушурилган, шохдор қўчқор қалласини эслатувчи гилам шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстига очик, душманга ёпиқлигини билдирувчи рамзидир.

«Қуроқгул» - бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ-эчкисининг бурма шохини эслатади. Бу безак гиламга икки ёш (келин-куёв) бир-бири

билан қўша қарисин деган ниятда тикилади.

«Иттовон»- нусхасида гиламнинг тўрт бурчагига тўртта нўхатдек ҳол тушурилади, чиллали келинчак ва ёш гўдакни ёмон кўзлардан асраш мақсадида қилинади.

«Ханжаручи», «Туморгул» - бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади. Гўёки у хонадонга қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй соҳибини асраб авайлайди. Гиламга чироз тўқилмайди, балки гиламга гир айлантирилиб 3-4 метр энликдаги оқ, қора рангли хошия шаклида тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга тўқилган ипни тўзиб кетишдан сақловчи химоя вазифасини ҳам ўтайди. Дастлаб гилам тўқишнинг биргина тури мавжуд бўлиб, бу оддий шол гилам тўқишдан иборат бўлган гиламлар пахта, зиғир, каноп толаларидан шунингдек қўй, эчки ва туя жунидан тўқилган гиламларнинг тўқима (гули тўқиладиган), тикма (тайёр буюмга гули тикиладиган) ва босма (тайёр буюмга гули бўяб босиладиган) турлари мавжуд бўлган. Воҳада гиламнинг патсиз тури кўп тўқилган бўлиб, бу гилам тури «қоқма гилам» деб юритилган. Қоқма гиламни тўқиш учун алоҳида ўрмаксозлар мавжуд бўлиб, бу асбоблар «адорғи», «кизув», «серув», «қилич» каби ускуналардан иборат бўлган. Воҳада тўқилиши расм бўлган гилам турларидан яна бири тақир гилам бўлиб, у асосан тўқувчилик тароғи орқали тўқилган. Аввал тўқилиб сўнгра ипак билан гул тикиб чиқиладиган гилам тури «Ой гилам» деб номланган. Воҳада асосан гиламларнинг араби гилам, терма гилам, чумчуқи гилам, ғажари гилам, шойи гилам, ғажак гилам, қоқма тақир гилам, қиличи шол гилам, шерози гилам, қуроқ гилам, бозори гилам каби турлари кенг тарқалган. Шунингдек қизлар турмушга чиқаётганда ҳар бир қизнинг сепида «қиз гиламлар» бўлиши шарт саналган. Гиламларга турли шаклдаги гул кўринишлари солиб тўқилган бўлиб, ушбу гулларда ҳам қатор маънолар мужассамлашган. Гиламга солинган ҳар бир гул маълум маънода чиройни шакллантирган. Жумладан воҳада тўқилган гиламларга арча гул, тумарча гул, шойи гул, самавар гул, чумчуқ гул, тароқ гул, тўрт қиз гул, ғажак гул, чумчуқ кўзи гул каби гуллар солинган. Ҳозирги пайтда тўқилиши деярли унутилаётган «Ой гилам»ларга эса ипак иплар ёрдамида коинот ва фалак тасвири тикиб чиқилган.

ТАҚИР ГИЛАМ — Асосан туғри тўртбурчак шаклида тўқилади. У уч йўлаклик бўлиб, ана шу йўлақлар гиламларга хос нақшлар — геометрик шаклдаги турли безаклар билан безатилади. Тақир гилам энли ҳолда тўқилиб, энлар пишиқ, чоклар орқали бир-бирига тикилиб, бирлаштирилмайди, аксинча бутунича тўқилиб, тўқилиш ва гул солиниши усули билан гиламчилик технологиясига яқин турса-да, патсизлиги туфайли олачага ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам тақир номини олган. Гиламчилигининг ўзига хос тўқилиши, ранг бериш ва гул солиши бўйича Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ҳудудларида қадимдан маҳаллаларда гиламчиликдаги энг нодир намуналари тўқилади. Унинг сербезаклиги, ўзгача жозибаси билан одам диққатини ўзига жалб қилади. Кўхна гилам намуналари ҳозирда ҳам айрим хонадонларда сақланмоқда. Гиламлар уларнинг турли шаклдаги безаклар халқлар тарихи

этнографиясини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

"ДИГ-ДИГА" ГИЛАМ — бу гилам тури буйи барабар нақшлар билан тўлдирилганлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ички хошиялари геометрик нақшлар бўлиб, ташқиси эса турли рангдаги попуқлар билан безатилади. Бу гиламни тайёрлаш технологияси "Ғажари" русумли гилам тайёрлашга ўхшаб кетади. Асосан, бу гилам нақшлари: чаён, тароқ,, юлдуз, пикон, яъни пайкон учи (найза учи) шаклида бўлади.

'ҒАЖАРИ" ГИЛАМ — бу турдаги гиламлар нақши жунсиз бўлиб, у туғри туртбурчак шаклида туқилади. Асосий фони — қизғиш ранг. Геометрик шаклдаги нақшлари — кулранг, сарик, ва тук, кулранг бўлади. Бу нақшлар чизиқлар қаторини ташкил этади. Ранги устки ва ташқи томондан бир хил бўлади. Атрофи жияк билан хошияланади.

"ОҚ ЭНЛИ" ГИЛАМ — бу ҳам "ғажари" услубида тайёрланадиган гилам. Чизиқларида ўсимликсимон ҳамда геометрик услублар сезилиб туради. Нақшлар ўзаро занжир орқали бирлашиб кетади. Хар бир йул-йул бўлак кул чоки ёрдамида бирлаштирилади, мато билан милкланади.

КИГИЗ — жун толалардан кигиз (намат) буюмлари тайёрлаш кигиз босишда жун толаларнинг тўқилиш хусусиятлари (дағал-майинлигига физик-механик хусусиятлари: эластиклиги, чўзулувчанлиги, киришувчанлигига аҳамият берилади. Илгари ва ҳозирда ҳам Қарақолпоқистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги маҳалла қишлоқларида асосан ўзбек кўнғиротларида кигиз босиш қўлда бажарилади. Кигиз босиш касби, асосан қадимдан чорвачилик билан шуғулланган барча халқлар орасида кенг тарқалган. Сурхон воҳасида кигизнинг гулдор, ифодали ранг-баранг нақшли турлари тайёрланади. Бешэркак, Узунқудуқ қишлоқларида тайёрланган кигизлар ўз ранги нақши, гули билан Хомконда ёки Пулҳоким ва Даштиғозда тайёрланган кигизлардан фарқ қилади.

Кигиз тайёрлаш билан асосан аёллар шуғулланади. Ювиб тозаланган ва саваланган жун навлари бўйича (юзлик, оралик, орқалик) ажратилади. Хўлланган жун намат ёки буйра қалин устида текис ёйилади: аввал гули хосил қилинади, сўнг оралик ва навбати билан оралик қисмлари бир текис ёйиб чиқилади, устидан қайноқ сув қуйилади, сўнг намат думалатиб ўраб йиғилади, арқон билан боғланади. Ўрамаоёқ билан тепилади, билакланади, думалатилади. Вақт-вақти билан сув сепиб хўллаб турилади. Маълум вақтдан сўнг ўрам ечилади, сув сепилади ва яна ўралади ҳамда тайёр булгунга қадар бостириш давом эттирилади. Сўнг тайёр бўлган кигизга сўнгги пардоз берилади яъни четлари тортилади, текисланади, ортиқча туклари қирқиб ташланади. Оқ, кулранг ва рангли кигиз хиллари тайёрланади. Кигизни оёқ кийими ичига солинадиган юпқароқ тури (патак тайёрлаш) ҳам алоҳида соҳа ҳисобланади.

Кигиз кўнғиротлар хунармандчилигига хос тушак бўлиб, турли рангларга бўялган жундан тайёрланган. Масалан, воҳа кигизларида кигиз узунлиги бўйича учта ромбсимон медальонларга монанд нақшларни кузатиш мумкин. Кигизларда асосан шохсимон, яъни "қўчқорак" деб аталувчи нақшлар куп

учрайди.

ПЎСТАК — тушамчи сифатида тайёрланадиган пўстаклар ҳам ўтмишдошларимиз ўтовларини, ўйларини безаб турган. Бундан ташқари у киш кезларида ўтирган жойни иссиқ; сақлашда ҳам фойдали бўлиб, кишилар соғлигини эҳтиётлашда асқотган. Қуй терисидан тайёрланадиган пўстаклар тўғри туртбурчакли бўлади. Турли рангларга бўялган тасмалар марказ сари кетма-кет жойлаштирилиб, торайиб боради.



Ўйма сандиқ (XIX аср)

Ўзбекистон худудидаги маҳаллаларда - мато тайёрлаш. Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим анъаналар таъсирида шаклланган. Бинобарин, кийимлар ҳақида гапирганда уларнинг асоси бўлган матолар ва мато тайёрлаш усулларига алоҳида тўхталмоқ жоиз бўлади. Воҳада мато уй шароитида тайёрланган. Матолар кўпроқ жундан, пахтадан маълум миқдори эса пилладан тайёрланган. Чорвачилик билан шуғулланган дурмон, юз, қўнғирот, турк каби уруғ аҳолиси жундан мато тўкиганлар. Пахтани Бухоро, Самарқанд, Ургут, Шаҳрисабз, Қарши, Косон, Марғулон, Чуст, Қўқон, Денов ва Шеробод бозорлардан савдо карвонлари олиб келиб сотганлар ва аҳоли бундан мато тўқиш учун фойдаланилган.

Тоғли худудларда жойлашган Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод кишлоқларида яшовчи чорвадор оилалар асосан жундан мато тўкиганлар. Хоразим, Бухоро, Хатирчи,

Каттакўрғон, Қарши Ғузор, Денов, Шеробод қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан пахтадан шунингдек, айрим ҳолларда жундан мато тўқиганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида пахта ва жундан мато тўқиш анча тараққий этган ва бозорда истеъмолдан ортиқча бўлган пахта, жун ҳамда мол териларини сотганлар. Арқон, Айил каби буюмлар учун урчукдан мато тўқиш учун эса чархдан фойдаланилган. Чарх қадимдан ишлатилиб келинган бўлиб Япония ҳамда Хиндистондаги чарх шакллари билан бир хил бўлган. Жундан фойдаланишда, аввал у махсус жун тароқда таралган, сўнгра урчук ёрдамида йиғирилиб, ип ҳолатига келтирилган. Жундан мато тўқишда «ўрмак» деб аталувчи тўқув дастгоҳидан фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам, шунингдек хуржун, қоп, чакмон, чолвар (шолвар) ҳамда турли хил арқон иплар тайёрланган. Ипларга ранг бериш яъни бўяшда аввал иплар ювилиб сўнгра ишқорли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Одатда матоларни қора, қизил, сариқ рангларда уй шароитида, яшил рангли бозорларда махсус бўёқчиларга яъни нилчиларга бўятишган. Қора рангни анор, ёнғоқ пўстлоғидан, сариқ рангни чечак ўсимлигидан, қизил рангни руян ўсимлигининг қурутилган илдизидан тайёрлашган. Шунингдек ипларни табиий ранглари (оқ, қора) сақланган. Туя жунидан малла рангли кийимлар, асосан чакмонлар тикилган. Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларида авлоддан - авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан-олача, бўз, хонатлас, шойи, беқасам, жанда кабилардан тикилган. Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Сурхон ҳудудида аввалдан кундалик турмушда кенг ишлатилиб келинган мато турларидан бири-бўздир.

Жанда- ўзига хос бўёқлар жилоси – навбатма-навбат тўқилган тўқ-сарик, тўқ-қизил ва оқ-қора йўллардан иборат. Улар худди Сурхон воҳасида табиатига хос бўёқларни, унинг ўрмонсиз тоғ ёнбағрини, қўёш орқали куйдирилган қояли ерни, чуқур дўваллар ва жарлик соясини ўзгача тасвирлайди. Бойсун туманидаги Сариосиё қишлоғида яшовчи уста Мусулмон Қаҳҳоров томонидан тўқилиб келаётган қадимий жанда матосининг ранги – тўқ сариқ, тўқ қизил ва оқ-қора чизикларнинг навбатма-навбат тасвирланиши билан боғлиқ бўлиб, уста ўзи яшайдиган Сариосиё қишлоғи табиатининг ранглари, унинг ўрмонсиз тоғ ён бағирларини, офтобда куйган тошлоқ ерларини, довол ва жарликларнинг чуқур сояларини ўзида мужассамлаштирган жанда матосини тўқиган. Уста тайёрлаган чопон (тўн) да ингичка яшил – маҳаллий табиатни ифодаловчи яна бир белги – тоғлар ўсимликларга хасис-тасма ифодаси туширилиб, Сариосиёдан бир неча километр узоқликда хушманзара, гуллаган водийлар дунёси матоларда ўз аксини топган. Сариосиёда устанинг авлодлаари мато тўқиш билан шуғулланиб, уни бу ҳунарга ўргатган онаси, наслий тўқимачи Нарзи Қаҳҳорова бўлиб, устанинг онаси дастгоҳда атлас ва алачани тўқиган.

Бўз-қадимий мато бўлиб, кўпроқ эркаклар учун кийим-кечак тикилган. Илгари аёллар кийими учун ишлатиладиган мато-олачадир. Олачанинг қизил, хаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб ола яъни йўллари майда ва тор бўлган.

Беқасам - йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда орқоғи уришидан йўғонлиги

учун юзида кўндаланг чивиклар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Бекасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин, бўяганлиги боис унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли-тумандир. Бекасамдан туман аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланганлар.

Паранжи - (арабча-фаражи-кенг кўйлак) кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи, чачвон билан ансамбль хосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чатиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Авра-астрали қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади. Астари чит, сатиндан тайёрланади, ҳамда четларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжини икки ёни (чўнтак урни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чатилади, жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан кўнғироқчалар осилган. Қадимги Мисрда пайдо бўлган ва бошқа мамлакатларга тарқалган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариатиға мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса 1930 йиллардан бошланган «Хужум» ҳаракати ва бошқа туфайли) паранжи деярли урфдан қолган.

Табиий ранг олиш тартиби — табиий ранглар асосан табиатда соф ҳолда ўсадиган айрим ўт-ўланларнинг томир ва илдизларидан, мева-сабзавотлар, дарахтлар баргларида, пўчоқ ҳамда пўстлоқларидан олинган. Чунки бу усулда олинган ранглар асрлар оша бўлса-да, ўз табиий хусусиятларини йўқотмайди. Ранг тайёрлаш ёки ипларни бўяш унчалик мураккаб бўлмаган, лекин қунт ва хийлагина кўп вақтни қамраб оладиган жараён ҳисобланади. Масалан, табиий рангли ип тайёрлаш учун калава иплар мис қозонга солиниб, бир кеча давомида сақланиб, ивителиди. Бир кундан сўнг иплар олиниб, сиқилади. Сўнгра нимқоронғи

на салқин жойда қурилади. Қуритилган ип бир карра совунда яхшилаб ювиб ташланади. Табиий ранг билан пахта каби, ипак иплар ҳам шу усулда бўялади.

Кизил ранг - ипни қизил рангга бўяш учун 500 грамм руян, 150 грамм "жавзу-мавзу" ўсимлиги керак бўлади. Мис қозонга керакли миқдорда сув, руян ҳамда "жавзу-мавзу" ип билан бирга солиниб, тагига олов ёқилади. Қутилган рангни олиш учун сув ҳарорати 70 даражадан ошмаслиги керак. Тагига олов ёқилган мис қозондаги сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб бир маромда ушлаб турилади ва бу жараён икки соат давом этади. Икки соатдан сўнг олов ўчирилади. Шундан сўнг қозон қопқоғи зичлаб ёпилиб, ип бир кеча давомида мис қозон ичида сақланади. Эртасига эрталаб, иплар бўёқли сувдан чиқариб олинади. Ип сиқилиб, силкитиб қоқилади. Кейин махсус чўпларга илиниб, қоронғи ва салқин жойда қуритиш учун осиб қўйилади. Бўялиб, қуритилган ип (қуритиш муддати — бир ҳафта) совун ёрдамида яхшилаб яна бир марта ювилади. Қуритилгач тўқиш ёки тикишга тайёр ҳолга келган ҳисобланади.

Оч сарик ранг - тут дарахти мевасининг гурини угирчага солиб, туйилади. Сўнгра мис қозонга солинади ва сув тут барги, олма барги, ток баргидан 200 граммдан қўшилади. Бир килограмм ип албатта аччиқтошли сувга солиниши керак. Қайнатиладиган барглари олиб ташланиб, ип солинади. Махсус чўплар орқали кавланиб, айлантеририб, иплар паст оловда икки соат рангланади. Иплар қозонда бир кеча давомида туради Эртасига эса очиқ сарик ранга бўялган иплар қозондан чиқариб олинади, ип сиқилиб, икки киши томонидан махсус чўплар орқали қоқилади. Сўнгра қуритиш учун олиб қўйилади. Қуритиш жарёни бу ҳолатда ҳам бир ҳафта давомида амалга оширилади. Қуритишга қўйилган иплар албатта қоронғи ва соя жойда бўлиши керак.

Сарик ранг - барча иплар каби, сарик рангга бўяладиган иплар ҳам 300 грамм аччиқтош солинган сувда бўктирилиб, яъни "пишиб" олинади. Қайнатиладиганда сув ҳарорати 75-80 даражадан ошмаслиги керак. Сарик рангли ип тайёрлаш учун 300 грамм анор пўчоғи, бир килограмм миқдоридаги пиёз пўчоғи керак бўлади. Мис қозондаги сувга 300 грамм анор пўчоғи эса чайилиб, солинади. Қайнатиш даражаси бу ҳолатда ҳам 70-80 дан ошмайди. Сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб, рангланаётган ип икки соат давомида сувда ушлаб турилади. Рангланаётган ип махсус чўплар ёрдамида кавлаб турилади. Бу иплар ҳам қозонда бир кеча давомида сақланади. Эртасига эса икки киши махсус чўплар билан обдан силкиб қоқади. Қоронғи ва салқин жойда бир ҳафта қуритилгач, совун ёки шампунда яхшилаб ювиб ташланади. Қуритилгач, фойдаланишга тайёр сарик рангли ип тайёр бўлади.

Қора ранг - бошка бўяладиган иплар каби, бу рангдаги ипни олиш учун ҳам бир килограмм хом ип керак бўлади. Қора ранг олиш учун 300 грамм анор пўчоғи, 200 грамм занг, 150 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Сув ҳарорати 75 даражага етгунча кавлаб туриш йўли билан рангланади. Бунинг учун мис қозонга сув, керакли миқдорда занг ва анор пўчоғи, "жавзу-мавзу" ўлчаб солиниб, қозон тагига олов ёқилади. Қора рангга бўяладиган ипларни аввал аччиқтошли сувда ивитиб олиш лозим. Бу ҳолатда ҳам

рангланган иплар бир кеча мобайнида қозонда сақланади. Бир ҳафтадан сўнг совун ёки шампунда ювиб, қуритилиб, тайёр ҳолда келтирилади.

Тўқ сариқ ранг - бу рангни ҳосил қилиш учун ўрик дарахти томири билан арча уруғи аралаштирилиб, қозонда қайнатилади. Арча уруғи угирчада туйилиб, майдаланган ҳолда ишлатилади. Аччиқтошли сувда пишган бир килограмм ипни тўқ сариқ рангга бўяш учун 500 грамм арча уруғи, ўрик дарахти томири-пўстлоғидан ҳам шунча миқдорда олинади. Тегишли рангни олган иплар икки соат давомида паст оловли қиздирилаётган сувда ушлаб турилади. Бу ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча қозонда сақланади, сўнггра махсус чўплар билан қоқиб ташланиб, қоронғи жойда бир ҳафта қуритилади. Шундан сўнг одатдагидек кир совунда ювилиб, қуритилади ва фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилади.

Малла ранг - аччиқтошли сувга солинган бир килограмм ипни малла рангга бўяш учун бир килограмм ёнғоқ пўчоғи, 200 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Мис қозонга яхшилаб чайилган бир килограмм ёнғоқ пўчоғи, угирчада туйилган "жавзу-мавзу" солинади. Сув 100 даражага етгунча қайнатилади. Бу рангни олиш ва ипни бўяшда ҳам аввалгилари каби технологик жараёнларга қатъий амал қилинади.

Кўк ранг - ипларни бу рангга бўяшда аччиқтош ўрнига ишқордан фойдаланилади. Бир килограмм ип ишқорли сувда пишитилади. Ипни кўк рангга бўяш учун 20 грамм индиго, 10 грамм темир содаси, 15 грамм гидросульфат керак бўлади. Тайёрлаш жараёнлари қуйидагича бўлади: мис қозонга 300 грамм миқдорида ишқор солиниб, 40-45 даражага етгунча иситилади. Сув керакли даражада иситилгач, унга ўлчаб олинган индиго, темир содаси, гидросульфат қўшилади. Иплар қозонга ўрнатилган махсус чўпларга илиниб, бўялади. Иплар рангли сувда 20-25 дақиқагача ушлаб турилади. Ўттиз дақиқадан сўнг иплар қозондан чиқарилади ва ҳаво билан реакцияга киришиб, рангланади. Кўк рангли иплар ҳам бир ҳафта қуритилади. Сўнггра яхшилаб ювилиб, яна қуритилади. Қуритиш одатдагидек қоронғи ва салқин жойда амалга оширилади.

Яшил ранг - бу рангни ҳосил қилиш ва ип бўяш учун ток, тут ҳамда олма баргидан 200 граммдан олиниб, қайнатилади. Кейин барглар чиқариб ташланиб, аччиқ тошли сувга пишилган бир килограмм ип тайёр сувга солинади. Иплар махсус чўплар ёрдамида айлантирилиб, кавлаб турилади. Ранглаш икки соат давом этади. Олов паст ҳарорат, бир маромда бўлиши керак. Рангланган иплар бир кеча давомида мис қозонда сақланади. Эртасига қозондан чиқариб олинган ипнинг ранги сариқ бўлади. Ана шу сариқ иплар ҳаво рангли индигога солинса, бақа рангли тусга киради. Бақа рангли ип дархол тўқ. кўкли индигога солинса, яшил рангли иплар пайдо бўлади. Иплар 20 дақиқа давомида рангланади.

Шу ўринда баланд кўк индиго тайёрлаш учун: 25 грамм гидросульфат, 30 грамм баланд кўк индиго, каучик содасидан 15 грамм, 15 грамм темир содаси керак бўлишини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, кўк-ҳаворанг индиго учун 25 грамм гидросульфат, 25 грамм ҳаво ранг индиго, 15 грамм темир, 15 грамм каучук содаси олинади. Бу аралашмалар 80 грамм миқдорида

каучук содаси солинган сувда, 45-50 даража ҳароратда иситилади.

Кўриб турганимиздек, ип бўяш ҳам ўзига яраша муҳим технологик жараёнларни инобатга олган, аниқроғи, ана шу каби технологияларга қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилган. Шуниси ҳам борки, барча бўяш жараёнлари мис қозонда амалга оширилган. Яна бир диққатга сазовор жихати, бўялган ипларни қуриштириш асосан қоронғи ва салқин жойларда ўтказилган. Ҳар бир ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча давомида қозонда сақланиб, сўнгра махсус чўплар ёрдамида қоқилиб, қуриштириш учун илинган. Гарчанд, айрим ҳоллардагина кимёвий унсурлардан фойдаланилган бўлса-да, ип бўяш, ранг ҳосил қилиш қадимда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай олиб борилаяпти. Бу - қадимий анъаналар ҳамон яшаётганлигидан далолатдир.

МАҲАЛЛА АҲЛИГА ДОНОЛАР БИСОТИДАН.

Борди-ю кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар уччовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса, биттасига илм ўргатсин, биттасига ҳунар ва яна биттасига зироат ёки тижоратни ўргатсин. Умуман, уларни бирор фойдали иш билан машғул қилиш, нобакор ва қабих кишилар билан улфат, ҳамсуҳбат бўлишидан қайтариш керак.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий.

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимга учта хат ёзишни буюрди. Сўнг унга деди; “Эй ходим, агар менинг юзимда ғазаб туғёнени кўрсанг, бирор нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал хатлардан бирини менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи хатни кўрсат. Шунда ҳам таскин бўлмаганини кўрсанг, учинчисини кўрсат!”

Айтишларича, биринчи хатнинг мазмуни шундай экан: “Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши доим афсус чекиб, кейинчалик пушаймонлик тортади!”. Иккинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: “Давлат ўзимда деб ўзингдан ожизларга жазо бераверма, куни келиб, замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг, шундай муомала қилишади!”. Учинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: “Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ғазабингни босиб, инсоф юзасидан иш кўр!”

Мунча қаттиқ чопма отингни, ўғлон,
Олиб қочса уни қайтармоқ гумон.

Сендан чиққан ҳукм ҳақ ҳукм бўлсин,
Золим ғамда куйсин, ожиз шод кулсин
Абулбарокат Қодирий

“Махзан ал –улум” китобида. Қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади, дейдилар.

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур. А.Навоий.

Ўзингдан кичикни кўрганингда;
–“Бу ҳали ёш менчалик гуноҳ қилиб улгурмаган Бу ёшдан гуноҳкорроқман. Бу ёшдан афзал эмасман. У мендан кўра фазилатлироқ. Чунки гуноҳи ҳам озроқ”.

Кексароқ кишини кўрганда;

–“Бу зот мендан кўпроқ яшаган, бандалик хизматини ҳам мендан кўпроқ адо этган. Шу сабабли мендан фазилатлироқ”.

Бир олим кишига дуч келганда;

–“Бу зот билимдон. Мен бир нодонман. Шунинг учун бу зот мендан кўп фазилатлидир”.

Бир нодон кишини кўрганда;

–“Бу нодон бўлганлиги учун баъзи гуноҳларни қилмоқда. Мен билиб гуноҳ қилаёпман. Шунинг учун шу жоҳил киши мендан устунроқ, афзалроқдир”.

“Оталар сўзи”

Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

“Амир Темур ўғитлари”

Олимлар қалами шаҳид қонидан муқаддас.

Ҳадис

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

“Ҳадис”

“Олимлар билан ўтирсанг фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади”.

“Ҳадис”.

Илм ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб ,
уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир”.

“Ҳадис”.

Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар”.

“Ҳадис”.

“Илмининг боши – жим туриш, кейингиси- эътибор билан эшитиш,
учинчиси- ёд олиш, тўртинчиси- унга амал қилиш, бешинчиси- уни
билмаганларга тарқатишдир. Мана шу шартларга амал қилиб, билим олинса ,
бундай одамлар икки дунё саодати(бахти) га эришади”.

Сўфиёни Саарий.

Кишига неча келса мушкул ҳол,

Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.

Алишер Навоий.

Халқ ҳикматлари- “Турмуш онасининг дард чекиб тукқан тўнғич ўғли”.

Абдулла Қодирий.

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж. Сантаяна.

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Л.Н.Толстой.

Ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир.

Демокрит.

Битта ота юзта ўқитувчидан устун демакдир.

Ж.Герберт.

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади.

Т.Фуллер.

Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги фойдали. Чунки тил аччиқликка айланса, зарари умумий бўлади.

Алишер Навоий.

Тилга ихтиёрсиз- элга эътиборсиз.

Алишер Навоий.

Тилга кучи ета олган – донишманд,
Сўзга эрк берган- пасткаш ахмоқ.

Алишер Навоий.

Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди.

И.Гёте.

Тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир.

А. Толстой.А.

Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур,
Хулқи хуш одамни эл иззат қилур.

Хизмат қилгин ота- онангга

Унитмагин устозингни ҳам.

Тилим тинч бўлса, дилимда ўкинч бўлмайди. Эй тилим, жим ётгин,
дилимни тиглама, мени ўтга ёқиб, ўзинг йиғлама.

“Оталар сўзи”.

Сергаплик ўз душманингдир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади.,
душманингни эса жойидан қўзғатади.

“Оталар сўзи”.

Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдур. Замона илми ва
фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур.
Бехбудий.

Фақат билим билан баландмас одам,

Аҳду вафо билан баланд –паст одам.
Сўзи билан иши бир бўлса агар,
Ҳар нарсадан устун муқаддас одам.

Умар Ҳайём.

Кимки ўрганишни уят , ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лаъл , олмос.

Низомий Ганжавий.

Ким ҳунарни деса,у доно бўлур,
Нодонлар қудрати деб бойликни билур.

Абдурахмон Жомий.

Ким ўзини мансаб билан шод айлағай,
Эл келиб оллиға арз- дод айлағай
Мансабидан тушса гар қай кун киши,
Эл- улуснинг тушмағай унга иши.

Хожа Самандар Термизий.

Агар сен ўйласанг ўз тинчу ҳузур роҳатинг фақат,
Диёринда бирор кимса кўролмас ҳеч қачон роҳат.

Хожа Самандар Термизий.

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эс- ҳуши ҳамда касб-
ҳунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид Ҳавофий.

Халқ учун нондан сўнг муҳими мактабдир.

Жорж Дантон.

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва
ҳалол савдосидир.

“Ҳадис”

Илм ўқуб қолмаган амал мақбул, Дона сочиб кўтармади махсул.

Алишер Навоий

Ер юзи бир дашту сахро бўлса, гулзори илм,
Саднаи оламни бўлмоқда намудори илм.
Илму фан бирла қуролланмоқда сардори илм,
Илм ўқи, ҳеч бир жонга еткурмайди озор илм.

Оразий

Олим киши сўзидан олгил ўгит, Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

Маҳмуд Қошғарий

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит, Ҳунарини ўрганибон амал қилгил.

Маҳмуд Қошғарий

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

Абдулла Авлоний

Эмиш ҳар элга қадри илм бало, Ула илм макоми баски боло. Кишиким
илму фандин бохабардур, Халойиққа мўътабардур. Тирикликда кишиким
қилса ҳар кор, Анинг осонлигана илм даркор.

Абдулла Авлоний

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

“Ҳадис”

Жаҳон равшан зиёи илмдандур, Кўнгил софи сафойи илмдандур.

Анбар Отин

Кимда бўлса донишу, ақлу, таъмиз, Илм ила хил маҳдини тутган азиз.
Сен хатолардан ўзингни тут узоқ, Эй ўғил! Оқил эсанг солгил кулоқ!

Фаридиддин Аттор

Бировким қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

Алишер Навоий

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукаммал эгалламагунингча
ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир
илмни эгаллашга ақлинг йўл бердими, уни охиригача эгалламай туриб, чала
ташлаб кетма!

Абдибек Шерозий

Билимни буюк, ўқувни улуғ бил, Бу иккиси танланган бандасини улуғлайди. Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади, Билим кимда бўлса буюклик олади.

Юсуф Хос Хожиб

Илм ила кимнинг дили равшан эрур, У замон ичра саломат тан эрур.

Фаридиддин Аттор

Илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон хислат!

“Жовидони хирад”

Билимсиз, шубҳасиз, аниқ, кўрдир, Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

Юсуф Хос Хожиб

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатдир. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зўр фалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдур. Яхши таҳсил кўрган ва илм нури билан ҳулқни яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм – аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан кўтарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл қўяди.

САЪДИЙ Шерозий

Бешикдан қабргача билим иста.

“Ҳадис”

Муяссар бўлса тиллагин сенга тахт, Ўзингдин пастга зинҳор айламагин бахт. Агар берса сенга жаҳон султонлиги даст, Киши ўз ҳолини билмак керак паст. Агар рутбанг эрур аълоий офоқ. Йиқилгон ҳасталарни ҳолина боқ. Такаббур қилма эй бемаоний, Фалонни ўғлидурмен деб фалоний.

Сўфи Оллоёр

Ҳакимдан:

- Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг? – деб сўрадилар:

У айтди:

- Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чирок мойини ҳисобласанг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашга сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

“Фавоших ал-жуласо”

Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, у ер қуруқ ёки тошлоқ жой кабидир.

Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фахрулбанот Сулаймоний

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир.

“Ҳадис”

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

“Амир Темур ўғитлари”

Илмсиз иликсиз сўнгат каби бўшдир, иликсиз сунгатка қўл урилмайди.

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштирди.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

Аҳмад Югнакий

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизганиб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

“Ҳадис”

Илмсиз инсон – мевасиз дарахт.

Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмоқдир.
Илм бир хазина бўлса, бу хазина калити савод.
Илм келинчакка ўхшайди, у хилват ва пиндонликни билдиради.
Илм инсон зийнати.
Қоғозга туширилмаган илм унутилиб кетади.
Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу давлат ўзи келаверади.
Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.
Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.
Ҳар кимки эрур улумо нодир,
Бўлгай анга сўзнинг хусни зодир.

Шавқий Каттақурғоний

Аввало олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин.

“Ҳадис”

Заковатли уқади, билимли билади, Билимли, заковатли тилакка етади.

Юсуф Хос Хожиб

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли ва бетамаъ бўлур.

Сидқий Хондойлиций

Одамга фақат хусн эрур рўйига зеб,

Ботинда жамил ўлмаса, бу хусн бекор.

Дилшоди Барно

Сайри жаҳон қилинг, сувга ўхшаб. У доим оқишдадур – тоза ва хушдур
ва агар бир ерда кўп тўхтаб қолса, бадбўй бўлур.

Муҳаммад Сиддиқ Румий

Амалсиз илм – мевасиз ёғоч.

“Оталар сўзи”

Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир.
Билим туфайли гуё кўкка йўл топилади.
Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.

Юсуф Хос Хожиб

Эй келди фунуни илм таслим санга, Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим санга. Гарчи йўқ. Эрди қувват оёқимда, вале, Келдим бош ила олгали таълим санга.

Огаҳий

Яхши ҳислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

Илм саодатга йўлловчи машъал,
Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.

Қитъа:

Билим кишиларни улуғвор қилар,
Одамдан кетмайди то у ўлгунча.
Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,
Бу иззат олтину-кумуш тургунча.

Муҳниддин Жувайний.

Юрагим тубида муқаддас

жой бор,
Унга Ватан дея ёзиб
қўйганман.

Юртга хизмат қилиб,
яшайман ҳар дам,
Чунки тупроғини босиб
қўйганман.

Г.Эргашева.

Инсон яратганни иродаси билан яшайди, фақат яратганга шукур қилиш, уни берган умрига, ризқ-насибига итоат этиш туфайли барокатли бўлади. Умрни ҳазон қиладиган нарса мақсадсиз яшаш, беҳуда вақтни ўтказишдир. Энг даҳшатли фожия-ақлни чархламасликдир. Ўғилни кечириб бўлмайдиган хатоси-отаси ўргатган насҳат ва касб-хунарни эғаламаслиги. Оғир юк-яхшилиқни минат қилиб, юзга солишдир. Тарози ўлчовдир-унга оғирлик қиладиган нарса ўйламай айтилган сўз. Дунёда қилиниши керак бўлган иш шунчалар кўпки-у инсон пайдо бўлгандан буён тугамайди. Қарзга пул бериб қайтариб ололмаганлар оғир қисматда яшайдилар. Пулни олганлар эса фароғатдадирлар. Оллоҳ берган ризқни-бошқаларга бериб, гуноҳ ортирганлар ниҳоятда кўп.

Буюк бўлиш учун тўрт нарса зарур-тоза насл,азалий тақдир,ёмонлардан ибрат олиш,тез бойиганларни манманлигидан хулоса чиқариш.

Тупроқ билан гаплашган одамни ақли теран, юраги тоза бўлади.Чунки яна у тупроққа қайтади.

Дунёда ҳамма ўзини буюк деб билади-хатто лоқайд,данкаса инсон ҳам.

Энг бепарво одам-уйғоқ ҳолда кўрпа ичида хаёл суриб, вақтни бекор ўтказган одамдир.

Йиғласанг чин юракдан йиғла- сохта йиғи билан ўз юрагигни азоблама.

Ишни манбаий китобдир-китоб эса бу ҳаёт.

Тил танани-ҳокими.Тана тил ҳукмига бўйсунди.

Мансаб вақтинчалик-сақлаб қолиш ақлга боғлиқ.

Мени энг катта хатом- ақл ва соғлигимни тан олмаганлигимдадир.

Мени энг яқин одамим-мени душманимдир.Унга бардош бериш учун яшашни ўргандим.

Мени қанчалар кўп ғийбат қилсалар, шунчалик тез элга таниламан.

Мансаб даврида кўп бойлик тўплаб инсон,

Насб этмай бироқ, кетар фоний дунёга.

Қолган бойликни,излаб чирқилар руҳи,

Исроф қилар бойликни қолган болалар.

Ўзинга-ўзинг доимо ҳисоб бериб, айбларигни тан олгин.

Йуқотган нарсангни излама-чунки ўз айбинг туфайли содир бўлган.

Қийшиқ ва тўғри танни камтарин ҳис-тўғулар ҳамда дидли кийимлар гўзал кўрсатади.

Ёшларга кўп насиҳат қилма-ибрат кўрсат.Чунки сени кимлигинни бошқалардан билиб олади.

Ҳеч бир инсондан хато ахтарманг-чунки у шундай яратилган.Фақат ундан ибрат олинг.

Дунёда сўз яшайди-яхшилик,ёмонлик,лоқайдлик унда ўз ифодасини топади.

Она қанча кўп умр кўрса- табиат шунчалик гўзал бўлиб боради.Чунки табиат ҳам она-ердан куч қувват олади.

Она қанча аччиқ сўз айтса, шунча ширин дори бўлади.

Оналик буюк жасоратдир-агар унга меҳр сингдирилса.

Онани тирикликда қадрланг-ўлгач унга битилган ҳар қандай доно сўз бефойда.

Она ўлгач йиғлаб жасорат кўрсатгандан, тириклигида бир бориб ҳолидан хабар олиш савобдир.

Онани бахти-номусли, ифбатли қиз.

Фарзанд туғиш ҳамма аёлга хос-лекин она бўлиш илоҳий бахт.

Ота бўлишни кутиш бахт эмас, насиб этган оталикни қадрига етган бахтдир.

Макон ва замон оталар ақлли -ҳаракати билан ўзгариб туради.

Ота ватан посбони, агар у ватан қадрини билса.

Ота ўқ, она мойиллик- иккаласини ҳурмат қилиш буюклик тимсоли.

Ота ғазаби ҳар қандай қуролдан кучли.

Отани номини уч нарса безайди-ақлли фарзанд, касбга ҳурмат, эл хизматини қилиш.

Отадан олмаган ақл ва ҳунарни- элдан олса бўлади.

С.Н.Турсунов.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий- иқтисодий ва маданий соҳада муҳим аҳамиятга эга ютуқларга эришилиб, мамлакатимиз халқларнинг турмуш даражаси ҳар томонлама юксалиб ижобий натижалар қўлга киритилди. Ушбу ютуқларга эришишда маҳаллаларни ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аҳолини турмуш даражасини яхшиланишида маънавий ахлоқий қадриятларни тиклаш, миллий урф-одатларни янада кенг тарғиб қилишда яққол номоён бўлди. Аجدодларимиз томонидан асос солинган маҳалла бошқарув тизими асрлар оша ўзининг адолат мезонига, дўстлик, аҳлиқнинг моҳияти ва мазмунини ўзида акс этиргани, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳр- муруват ғояларини тарғиб қилиш маркази бўлиши билан ажралиб турди. Маҳалла инсонларни ор-номус, виждон, мардлик, жасурлик, ҳамжиҳатлик учун курашга чақирувчи ижтимоий институт бўлганлиги билан эътиборлидир. Асрлар давомида маҳалла одамларни мустақиллик тушунчаси асосида озод ва обод ватанни яратиш . душманга нафрат туйғуларни шакиллантириш , хоинларга, лоқайд одамларга хушёр муносабатда бўлиш, ҳар қандай миш-мишларга ақл кўзи билан қараш, эҳтиёткор бўлиб атроф муҳитга эътибор бериш ғояларини тарғиб қилди. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки маҳаллалар халқимизнинг келиб чиқиши, унинг тарихи, анъаналари , уй- жойлари, меъморий обидалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, таррақиёт босқичларини ўзида мужассам этган тушунчадир. Мустақиллик туфайли маҳалла тушунчаси яна қайта тикланиб, ўтмиш аجدодлармиз яратган моддий- маънавий маданият дурдоналари яна ҳаётга қайтиб, замонавий тарзда мукамаллашиб, ўзбекона қадриятларни

жаҳонга тақдим этиб юксак маданиятимизни тарғиб этмоқда Юқоридаги фикр мулоҳазалар асосида яратилган монография ўз мазмуни ҳамда замонавий аҳамияти билан муҳим воқеликни ўзида мужассам этган.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида -Т., «Ўзбекистон», 1995 йил 64-68 бет.
2. Каримов И.А. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. Озод ва обод Ватан , эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. асарлар-Т. «Ўзбекистон» 8-жилд. 443-461 бетлар.
3. Каримов И.А. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ». Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура I Т. –Т.: «Ўзбекистон» 1996. 363-б.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» I Т. –Т.: «Ўзбекистон» 1996. 364-б.
5. Каримов И.А.Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. -Т., «Ўзбекистон»,1997 йил, 236-250 б.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 38-б.
7. Каримов И.А. «Алпомиш достони»нинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи./ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Асарлар. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2000. – 528 б.
8. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. / Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2002. – 432 б.
9. Каримов И.А. Раҳбар, етакчи, ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. 2001 йил 21 феврал. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-Т. Т.: «Ўзбекистон» 2002. 231-б.

10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 448-б.
11. Каримов И.А. Қўшма мажлисдаги нутқи. “Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан кўриб бўлмайди”. Халқ сўзи. 2005 йил, 17-февраль.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 280-б.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида, Тошкент, “Ўзбекистон” 2011.
16. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси . –Т.: Ўзбекистон, 2008.
17. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам-Ўзбекча нашрнинг маъсул муҳаррири А.Х.Саидов.-Т.: Адолат, 2004.
18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари тўғрисида// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999йил.5-сон, 110 модда.
19. Абдуллаев У.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. - Т.: Akademiya, 2009. - Б. 142;
20. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал- Бухорий. Ҳадис . Ал-жомий ас – саҳих.(Ишонарли тўплам). 1-4 томлар .Т., Қомуслар Бош таҳририяти.1992.
21. Авеста: "Видевдот" китоби (М. Исхрков таржимаси). Т., ТошДШИ нашриёти, 2007. 17 бет.
22. Авесто: Видевдат. М. Исҳоқов таржимаси. Т., 2007. Б. 10.
23. Аминов Б. Расулов Т. Ватан-юракдаги жавоҳир. Т., Ўқитувчи 1996. 158-б.
24. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т., 2000.

25. Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. - Т., Фан, 1977;
26. Асқаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. - Т., Фан, 1983;
27. Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993. - 162 с.
28. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.-Т., Халқ мероси, 1993 й.224 бет.
29. Бобоев Х., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида.-Т.,Ёзувчи , 1999.
30. Бойдадаев М. Фуқаролик жамият ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари.-Т.: ТДЮИ, 2003.
31. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Т..”Янги аср авлоди” 2007. 327-б.
32. Ватан туйғуси. Т., ”Ўзбекистон” 1996. 397 –б.
33. Ваҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органлари. // Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат.-Т.: Адолат, 1995.-145-б.
34. Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979;
35. Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). -Л., 1972.
36. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. -М., ХГХ, 1954.
37. Левитин Л . Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., “ Ўзбекистон”. 2001 й. 368 бет.
38. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохати;тажриба ва муаммолар. Т.,”Ўзбекистон”. 1994 й.192 б.
39. Жалилов.Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Т., Меҳнат. 1995 й.72 бет.
40. Жалилов.Ш. Маҳалла; ўзини-ўзи бошқаришининг ҳуқуқий кафолати. Т., №-1. Босмахона, 1999 й.320 бет.
41. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари; тажриба, таҳлил амалиёти. Т.,”Ўзбекистон” 2001 й. 192 бет.

42. Жалилов .Ш.Фуқаролик жамиятининг пойдевори.Т., “Ўзбекистон”, 2003 й.203 бет.
43. Жалилов.Ш. Ўзбекистон Республикасининг ўзини- ўзи бошқариш ҳуқуқи. Т., “VORIS- NASHRIYOTI” .2007.316-бет.
44. Жўраев.М. Наврўз байрами.Т.. “Фан” .2009.229 б.
45. Жумаев.Р.Давлат ва жамият; демократлаштириш йўлида. Т., “Шарқ” 1998 й.144 бет.
46. История государственности Узбекистана. Том 1. Ташкент 2009. С. 334.
47. Исо Жабборов. Ўзбеклар. Т., “Шарқ”.2008.239-б.
48. Исоқов Б.Жамият таррақиёти асоси.”Наманган” 2007.118.б.
49. Набиев Р.Маҳалла – ҳаёт кўзгуси. Т., “Ўқитувчи”. 2002 й. 96 бет.
50. Маҳмудов.М. Аҳли дил .Т.,”Ўқитувчи”.1997.б-210.
51. Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини- ўзи бошқариш органларини бугунги кундаги фаолиятининг асосий тамойилари ва йўналишлари. Т. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2001 й. №-117-22 бет.
52. Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал// СА. - М., 1958, №2, С49-65.
53. Миролимов Ш. Маҳалла меҳри.Т., “Наврўз” 1994 й. 95-96 бетлар.
54. Мусурмонова .О. Оила маънавияти –миллий ғурур. Т..”Ўқитувчи”.1999. б-19
55. Машриқ замин- ҳикмат бўстони.Т.,”Шарқ”.1997. 396-б.
56. Одобнома. Т.,”Фан”.1992.б-54.
57. Очилов Ш. Ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. –Т., “Ўзбекистон”. 1990 й.
58. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т., Ҳуқуқ-Право-LAW, 2000. №4. 5-8 бетлар.
59. Раҳмонов Р. Истиқлол ва маҳалла .Т., Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2001№-14-11 бет.
60. Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. Древняя Бактрия. - Л., 1974.

61. Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, 1966
62. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). Ташкент, 1990.-С. 22-38.
63. Ртвеладзе Э.В, Саидов А,Х, Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ, тарихидан лавҳалар. -Т.,Адолат, - 2001.-Б. 239;
64. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА.. №2, 1975;
65. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака. В кн. Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. Л., 1981;
66. Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. -Т., - 1992.-С. 132-133;
67. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. -Тошкент. Ўқитувчи, 1996;
68. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. - Т., Фан, 1987;
69. Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини – ўзи бошқариш органлари; эркинлаштириш ва замонавийлаштириш. Т., Демократлаштириш ваинсон ҳуқуқлари, 2001 й.№-1. 11-176 бетлар.
70. Сувонкулов М. ,Ниёзов.А. Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақоми / Қонун ҳимоясида, 5 (77) , 2002.
71. Темур тузуклари. Т.,Адабиёт ва санъат ;,1993 йил.
72. Тошев.Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятиини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари / “Ҳуқуқ * Право * Law”. 2002/ 4. – 54-б.
73. Тулаганов. А.Т.Давлат ҳокимиятининг вакилик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш.(дарслик).-Т.: ТДЮИ нашриёти, .2002.
74. Тураев Б.А. История древнего Востока. 2. Ленинград, 1935. С. 18.
75. Турсунов.С.Н. Раҳбар маънавияти.Т.,”Фан”. 2009.35-б.

76. Тўрақулов.М. Маҳаллий ҳокимият тизимини эркинлаштириш юзасидан айрим хулосалар // Ҳуқуқ , Право, Law/ 2004/ | 2/-38-/,
77. Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит-нач. XX в.). СЭ. 1983, №3. - С. 10;
78. Хожа Самандар Термизий Дастур ул –мулук Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти..1997.271-б.
79. Хожиахмедов А. Маҳалла одоби. Т., “ Шарқ” .2001 й.48 бет.
80. Хусанов .О.Т .Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти, вакилик ва ижроия ҳокимияти органлари.(ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 1994.
81. Хусанов .О .Т. Мустақилик ва маҳаллий ҳокимият .(ҳуқуқий , ташкилий масалалар ва муаммоалар).-Т.: Шарқ, 1996.
82. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари.Т.,”OZBEKISTON”.2010 .Б-135.
83. Маҳмуд Саттор . Ўзбек удумлари Т.,”Фан”. 1993 б -229/
84. Умарова .Г. Ўзини- ўзи бошқариш органлари: шаклланиш тарихи, тажриба ва муаммоалар.// Жамият ва бошқарув//, 2002/ 1.74- б.
85. Қодиров Қ. Маҳалла тарбия маскани . Т, Ҳаёт ва қонун. 1999 й.№-8 .19-21 бетлар.
86. Қурбонов О. XXI аср маҳалласи ; муаммо ва ечимлар. Т. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2001 й. №-1 .24-28 бет.
87. Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т, 2003 йил.
88. Шайдуллаев Ш.Б, Икромов Н.М. Қадимги Бактрия подшоликми ёки кавиликми?// O'zbekiston tarixi. Тошкент, 2010, № 3.3-6 бетлар.
89. Шарқона бозор фазилатлари. Т.,”TAIDIR” 2008. Б-152.
90. Шомақсудов.Ш. Шораҳмедов.Ш. Ҳикматнома.Т., Ўзбек совет энциклопедияси. 1990.520-б.
91. Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф.Т., “Янги аср авлоди”. 2002. б-368.

